

# Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини хабарлари

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

## Бош муҳаррир -

Йўлдошев Иброҳим Жўраевич  
филология фанлари доктори, профессор

## Бош муҳаррир ўринбосари –

Холиқулова Гўзал Эркиновна  
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

## Таҳрир ҳайъати

Тешабой Баяндиёв – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Муҳаббат Туляходжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Ильдар Мухтаров – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Сарвиноз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Абдусалом Умаров – социология фанлари доктори, профессор  
Абдухалил Маврулов – тарих фанлари доктори, профессор  
Дилафрўз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори  
Шавкат Шарипов – педагогика фанлари доктори, профессор  
Ҳамдам Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент  
Зебо Қосимова – педагогика фанлари номзоди, доцент  
Бўри Қодиров – тарих фанлари номзоди, доцент

## Жамоатчилик кенгаши

Акбар Ҳақимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги  
Бахтиёр Сайфуллаев – педагогика фанлари номзоди, профессор  
Оқилхон Иброҳимов – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Қамола Акилова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Замира Ишанходжаева – тарих фанлари доктори, профессор

## Нашрга тайёрловчилар

Н.Раимқулова, Х.Файзуллаева, А.Кошелева, М.Содиқова

---

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун  
муаллиф масъулдир.

---

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
2015 йил 14 декабрда 0862-рақам билан рўйхатга олинган.

---

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг  
2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан  
Санъатшунослик фанлари бўйича диссертациялар юзасидан  
асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган  
илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

ISBN 2181-8932



# Журнал саҳифаларида

1. И.Йўлдошев. Миллат тили – миллат маданияти.....3

## I. ТЕАТР ВА КИНО

1. М.Қодиров. Театримиз истикболини ўйлаб.....8
2. М.Туляходжаева. К вопросу режиссерской интерпретации трагедий Шекспира на сцене театра.....14
3. Э.Ёрбеков. Мумтоз адабиёт намуналари ижросини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....20
4. А.Кудрявцев. Сценическое искусства и современность.....23

## II. МУСИҚА САНЪАТИ

1. С.Жумаев. Соз ва созгарлик.....26
2. С.Маликова. “Дирижерлик” фани ва уни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.....29
3. Р.Алланбоев. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни.....36
4. Ф.Мухамедова. Некоторые аспекты фортепианного образования в Узбекистане.....41

## III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФАСИ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. М.Усмонов. Маънавий ва маданий меросни асрашнинг ҳуқуқий асослари.....45
2. Қ.Нишонбоева. Ислом Каримов – Мустақил Ўзбекистон бунёдкори.....49
3. Т.Расулова. Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур – царь и поэт.....54
4. О.Аҳмедова. Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларни илмий талқинлар асосида ўрганиш масалалари.....59

## IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. М.Абдужаббарова. Ўзбек халқи томоша санъатида миллий ғоянинг ўрни.....64
2. А.Баҳриев. Мусиқа таълимида ёш хусусиятлари масалалари.....68
3. Ж.Маматқосимов. Талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи маънавий омилларнинг ижтимоий-педагогикасослари.....72
4. В.Юсупова., А.Абдышаева. Инновационное педагогическое сотрудничество - обмен опытом.....78

## V. ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

1. Д.Раҳматуллаев. Ўзбек киносига миллий маънавийтимиз тамойиллари (“Йўл бўлсин” ва “Чашма” фильмлари мисолида).....82
2. Х.Файзуллаева. Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланиш масалалари.....85

## VI. ЯНГИЛИКЛАР

1. Халқаро микёсидаги давра суҳбати.....90
2. Саҳна суҳандони.....92
3. Кенг ислохотлар йўлида.....93
4. Ҳайратлар бешиги.....95
5. Бетакрор дўстлик муносабатлари.....96
6. Муносиб ҳисса.....97

# МИЛЛАТ ТИЛИ – МИЛЛАТ МАДАНИЯТИ

*Тил ва маданият масаласи жуда қадимдан ўта долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки тил орқали ҳар бир миллатнинг хулқи, одоби, маънавияти, маданияти, қолаверса, миллат сифатида нечоғлик ўрин эгаллаганлиги маълум бўлган. Шу боис улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб “Одобнинг боши тилдир” деб бежиз айтмаган. Буюк Навоий бу тилда “Хамса”ни битиб, бу тилнинг ўрнини бежиз юксакликка кўтармаган. Устоз Навоий айтганидек, “Тилга эътибор – элга эътибор”дир. Демак, ҳар биримиз ўз она тилимизга эътиборли бўлишимиз, уни ардоқлашимиз, келажак авлодга нафосат ва назокатли тилимизни бутун гўзалликлари билан етказишимиз лозим. Бу иш бугунги авлоднинг келажак авлод олдидаги энг муқаддас бурчидир.*

Бугун юртимизда ҳар бир соҳада буюк ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан Ўзбекистоннинг буюк келажagini таъминлаш борасида катта марралар сари интилмоқдамиз. Дунё миқёсида ўта мураккаб бир вазият бўлиб турган замонда ҳар биримиз бўлаётган ислохотлар борасида ўз улушимизни қўшиш сари шижоат қилишимиз лозимдир. Бу юрт, бу ўлка қадимдан жаҳон маданияти ривожига катта улуш қўшиб келган. Манбаларда айтилганидек, “Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Овруропада моддий-техника тараққиёти, Туронда эса ахлоқ шаклида вужудга келган... Қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қарашган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар, барча мавжудодларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат ва имон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган” (1.Б.106-107). Биз яхши биламизки, юртимизда ахлоқ масаласи бениҳоя серқамров, мағзи тўқ, қиёси йўқ тушунча сифатида ардоқлаб келинади. “Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқ дарёсидаги мақбул ва номақбул тўлқинларни илғай олиш, сўзнинг орқа-ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳму фаросат, тарҳли нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган” (2.Б.43). Демак, тил ва нутқ масаласи қадимдан миллат

маънавияти ва маданияти такомилнинг бош омилларидан бири бўлиб келган. Она тилимиз келажagini таъминлаш – халқимиз маданиятини асрашдир, унинг боқийлигини таъминлаш бугун учун, айниқса, муҳимдир. Бугунги давр шуни тақозо этмоқда.

Тил хусусида билдирилган фикрлар турлича, лекин ҳақиқат шуки, тил бениҳоя муқаддас ва мўътабардир. У инсонни шакллантирган, тараққиёт сари етаклаган, унинг ақл неъматларини ифода этиб, тафаккур гулшани дарвозаларини очган тенгсиз бир робитадир. Шундай бир буюк эҳтиром ва эъзозга сазовор бўлган тилларнинг кечмиши бир хил эмас, албатта. Тарих саҳнасида ўзбек тили не машаққатлар билан омон қолди. Ахир, тил – миллатнинг руҳи, дейилади, тил ўлса, миллат ҳам тамом бўлади. Бунга мисоллар камми? Сибир халқларини ўйлаб кўринг, уларнинг тиллари йўқ бўлиши билан бирга исмлари ҳам ўзгариб кетди. Бутун Европа тилларининг шаклланишида етакчи тил вазифасини бажарган буюк лотин тили, Шарқ тилларининг бобоси деб атаганимиз санскритча тамоман тугаб битди. Ёки яқин ҳудудларимизда кенг қулоч ёйиб тараққий этган сўғд тили, паҳлавий, парфиён тилларининг кечмишини эслайлик. Ёки Шимолий Америкадаги алгонкин тиллари микрооиласига кирувчи массачуси ҳамда могиқан тилларининг тақдири ҳам йўқлик билан яқунланди. Ёки қадимги Вавилонияда кенг тарқалган аккад тили, эрамиздан олдинги III асрдан эрамизнинг IV асрига қадар Фарбий Осиёда

яшаган оромийларнинг оромий тили, шунингдек, қадимги Финикиядаги финикий тили, қадимги миср тили негизда пайдо бўлган копт тили каби тилларнинг тақдири ҳам йўқлик билан яқун топиб, тарих саҳнасидан тушиб қолди. Шунинг учун ҳам тилимизнинг бугунги ривожи ва жаҳон тиллари орасидаги муносиб ўрни учун беадад шукурлар қилишимиз керак. Тўғри, тилимиз ҳам ўз тарихий тараққиёти давомида кўп синоатлардан муваффақиятли ўта олди. У дунё тиллари уммонига келиб қуйилгунга қадар қаердадир шовуллаб шиддат билан оқди, қаердадир тарих йўлидаги дамбага дуч келиб, шиддатини секинлатди, яна дамбани ошиб ўтиб ўз ўзанида тил уммони сари интилди. Тилимизнинг бугунга қадар омон-эсон келишининг асосий боиси халқимизнинг ўз она тилини жонидан севиши, ардоқлашидадир. Зеро, бу ҳақда бундан минг йил аввал буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарий айтган эди: “Худо давлат куёшини турклар (ўзбеклар – И.Й.) буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк (ўзбек) деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонимизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жоловини шулар кўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлда юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар тил туфайли ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар” (3, 21). Маҳмуд Кошғарий томонидан бундан минг йил аввал айtilган мазкур фикрлардан кўриниб турибдики, халқимиз азалдан она тилисининг муҳоби, уни муқаддас билиб, ардоқлаб келган. Халқимизнинг ана шу хусусиятлари туфайли тилимиз тарихнинг барча синовларидан омон-эсон ўтиб, бугунги ёруғ кунларга етиб келди. Миллатимиз табиатидаги кўп минг йиллик тил севгисини бугун ҳам тўлиқ қузатишимиз мумкин. Эътибор беринг: агар Сиз бирон-бир хорижий тилда улар мамлакатида улар тилида чиройли қилиб маъруза ўқисангиз, улар таажжубга тушишмайди, гўёки, Сиз уларнинг тилини билишингиз шартдек. Магарки, бир хорижлик меҳмон бизнинг юртимиздаги ҳар қандай тадбирда тилимизда кўпол қилиб бўлса ҳам икки оғиз сўз билан “Ассалому алайкум, азиз дўстлар” деса бўлди, биз ўрнимиздан туриб уни олқишлаймиз. Маърузадан кейин у билан юз йиллик дўстдек илиқ муносабатда бўламиз. Чунки бу хислат бизга минг йиллар аввалдан насиб этган.

*“Дунёнинг энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки, Сўз яратилишдан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда. ... Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан”*

Иккинчи бир ҳолат: XX аср ўзбек халқи маданий ҳаётида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши қанчалик муҳим бўлган бўлса, 2016 йилнинг 13 майида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан имзоланган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармон ҳам XXI аср ўзбек халқи маданий ҳаётида оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Демакки, биз тарихан тилимиз шайдосимиз. Шундай бўлиши ҳам керак. Ўзбек тилининг юрти, Ватани – Ўзбекистон, давлат сифатида уни ҳимоя қиладиган, тараққиётини, қонуний асосларини тўлиқ таъминлайдиган ҳам шу юртдир. Эндиги вазифамиз, асрлар давомида халқимиз томонидан кўз қорачиғидек асраб келинган, Кошғарий, Навоий каби боболаримиздек буюк инсонларимиз бу тил яшаб кетиши, тараққий этиши учун бутун ҳаётларини бахшида этган тилимизнинг бутун борлиғи билан келажак авлодга етказишдир. Чунки тил – миллатнинг руҳи, тил яшаса, миллат ҳам яшайди. Демак, бугун ҳам она тилимиз олдидаги масъулиятимиз ортса ортганки, камаймаган.

Тил ҳодисаси – ажойиб ҳодиса. Ҳар қандай тил унинг сўзлари билан гўзал. Буни биз баъзида ё сезамиз, ё сезмаймиз. Бу ҳолатни буюк шоиримиз Эркин Воҳидов қуйидагича таърифлайди: “Дунёнинг энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки, Сўз яратилишдан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда. ... Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан” (4.Б.5).

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз – “бекат” сўзининг русча “остановка” сўзи маъноси билан қандай боғлиқлиги бор? 5 жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган: “БЕКАТ 1 тар. Қадимда йўлларда карвонлар ва йўловчилар тўхтаб дам оладиган махсус жой, манзил. 2 тар. Почта станцияси. 3 Йўловчиларнинг бирор транспорт тури (мас, автобус, трамвай ёки метро)га чиқиш ва ундан тушишлари учун белгиланган жой. 4 кўчма Ҳаётда

босиб ўтиладиган йўлнинг маълум босқичи, марраси” тарзида изоҳлар берилган (5.Б.214). Бу изоҳлар тушунарли, лекин тилимизда “бекат” сўзининг феъл шакли борми? Жавоб – Йўқ.

Кизиқ бир ҳолат: туркий тиллар ичида турк тилида “beklemek” феъли бор. У “кутмоқ” дегани, лекин турк тилида “кутмоқ” феълининг ўзи сўз сифатида мавжуд эмас. Энг қизиғи, туркчада “beklemek” феъли бўлгани ҳолда “бекат” сўзи йўқ, унинг маъносида “durag” қўлланади (“durag” – “кутиб турмоқ” маъносига “durmak” феълидан ясалган бўлиб, “кутиш жойи”, “манзил” маъноларини ифодалайди). Ўзбек тилида эса “beklemek” – “бекламоқ” феъли мавжуд бўлмаган ҳолда, “бекат” от шакли мавжуд. Демак, “бекат” сўзи қадимги туркий тилдаги “бекламоқ” феълидан ясалган, фақат ўзбек тилида бу феъл истъёмолдан чиқиб кетган. Худди, “ёзмоқ” феъли қадимда ғарбий туркий халқларга тааллуқли бўлиб, “битмоқ” феъли кўпроқ шарқий туркий халқларга оид бўлгани сингари.

Иккинчи бир ҳолат: ўзбек тилида “кўз остига олмоқ” ибораси бор. Унинг маъноси “ўзиники қилиш, фойдаланиш ва шу каби мақсадда мўлжаллаб қўймоқ” дир. Масалан, бирон-бир киши ўзига маъқул бўлган нарсани олиш учун олдиндан кўз остига олиб қўяди. Турк тилида ҳам худди шунга ўхшаш ибора бор, яъни “göz altına almak”, лекин унинг ҳозирги турк адабий тилидаги маъноси “ҳибсга ёки қамоққа олмоқ” демакдир. Семантик жиҳатдан умумийлик бор, яъни ўзбекчада инсон кўзи билан “ҳибсга олади”, туркчада эса умуман ҳақиқий ҳибсга олинади. Бу мисоллардаги асосий объект ўзбекча “ост” ва туркча “alt” сўзларидир. Худди “ёзмоқ” ва “битмоқ” феъллари сингари “ост” шарқий туркий халқларга, “alt” эса ғарбий туркий халқларга хосдир. Шу ўринда яна бир фикр: қадимги Олтин Ўрда номи ҳақида турли қарашлар борлиги ҳаммамизга маълум. Қайсидир манбада ҳақиқатан ҳам олтин ишлови бисёр берилган сарой сифатида талқин қилинса, яна бир бошқа манбада “олтин” сўзининг асли қадимги туркий тилдаги “алтын” сўзи билан боғлиқ ҳолда асосланади. Бизнингча ҳам шу вариант ҳақиқатга яқинроқ. Филология фанлари номзоди, доцент Қаюм Каримов қаламига мансуб “Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар)” да “алтын” сўзига қуйидагича изоҳ берилади: “АЛТЫН ост; қуйи, паст; олдда; қуйидаги, пастки” (6.Б.67). “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” “ўрда” сўзи изоҳи қуйидагича берилган; “ЎРДА тар. 1 Туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа” (6.Б.163). Демак, худди “пойтахт” сўзи сингари “олтин ўрда” ҳам қўл остидаги қалъа – пойтахт маъносини ифодалаган бўлиши мумкин.

Бугунги тилимиз тараққиёти билан боғлиқ яна бир ҳолат: ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун биз сўзлашув тилимизда “уяли телефон” бирикмасини ҳеч ишлатмаймиз? Ахир,

йигирма йилдан буён телевидение, радио бу сўзни айтавериб, газета ва рекламаларда бу сўзни ёзавериб чарчашди-ку! Сабаби – халқимиз “уя” сўзининг телефонга нима алоқаси борлигини ҳануз ҳазм қила олмай қабул қилмаяпти. Бу “уяли телефон”, агар сўз дейиш мумкин бўлса, рус тилидаги “сотовый телефон” сўзининг сўзма-сўз таржимаси натижасида пайдо бўлди. Ўша даврда сўз ижодкорлари бу бирикманинг ўзбекчасини яшашда “сотовый” сўзининг луғат (“Русча-ўзбекча луғат”)даги “арининг (асаларининг) уяси” маъносини олиб, “уяли телефон” бирикмасини яшашди. Билмадикки, тилнинг асосий ҳаками – халқ, халқ қабул қилсагина сўз тилда яшайди, умри узоқ бўлади. Тил ҳеч қачон зўравонликни кўтармайди, у ҳам инсон сингари эркинликка ўрганган. Эслайлик, бир муддат “жумҳурият”, “ноҳия”, “рўзнома”, “тайёра”, “тайёрагоҳ”, “вилоят” каби сўзларни муомалага киритиш борасида роса тортишдик. Орадан чорак аср ўтиб тилимизда “республика”, “туман”, “газета”, “самолёт”, “аэропорт”, “вилоят” сўзлари ҳеч қандай мажбурийликсиз ўз ўрнини эгаллади. Хўш, “сотовый телефон” борасида қандай йўл тутиш лозим эди? Бунинг йўли оддий. Сўз ўзлаштиришнинг асосий қоидаларидан бири – аслий тилдаги сўзнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириб олинаётган тилда янги сўз яшаш. Бу телефон тури илгаригидек бир жойда турадиган (стационар) телефондан фарқли бўлиб, уни қўлда ёки чўнтақда олиб юриш мумкин эди. Шунинг учун ушбу моҳиятдан келиб чиқиб, уни “қўл телефони” ёки “чўнтак телефони” десак маъқул бўлар эди. Зотан, халқ тилида бу тарзда қўлланмоқда ҳам.

Шунга ўхшаш узоқ йиллардан буён ўз манзилни топа олмай юрган сўзлардан бири – рус тилидаги “наушник” сўзидир. Уни кўп ҳолларда “қулоқчин” тарзида ишлатиб келмоқдамиз. Қайсидир пайтлар рус тилидаги айни шакли – “наушник”ни адабиётларимизда ҳам айнан қўллаб келдик. Сўзлашув тилимизда ҳануз “наушник” деймиз. Кейинги вақтларда унинг ўрнида, асосан, оммавий ахборот воситаларида, “қулоқчин” шаклини муомалага киритишга кенг ҳаракат қилинмоқда. Нимагадир, бу сўз ҳам “уяли телефон” сингари халқ тилига сингмаяпти. Нега? Жавоб топишга ҳаракат қиламиз: 5 жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат қиламиз: “ҚУЛОҚЧИН Тушириб қўйиладиган қулоқлари бор иссиқ телпак. Эҳсон Эртөөв пальтосига ўралиб, қулоқчинини туширган-ча, қишлоқдан чиқиб кетди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Эгнида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида пўстинли этик, бўйнида санитар сумкаси. Ойдин, Сухбати жонон”. Изоҳдан тушуниладигани, тушириб қўйиладиган қулоқлари бор бўлган телпакнинг бир турига

қулоқчин, дейилмоқда. У ҳолда, айтиш мумкинки, қулоқчин – телпақнинг бир тури бўлиб, унинг бошқа телпақлардан фарқи – бундай телпақ турида совуқ пайтларда тушириб қўйиладиган қулоқлари (қулоқчинлари эмас – И.Й.) бор. Яъни тушириб қўйиладиган қулоқлари бор телпақ турига нисбатан қулоқчин дейилмоқда. Лекин изоҳнинг биринчи мисолида “Эҳсон Эртоев пальтосига ўралиб, қулоқчинини туширганча, қишлоқдан чиқиб кетди”, дейилади. Мисолдан англашиладики, Эҳсон Эртоев телпақининг қулоқчинини туширганча, қишлоқдан чиқиб кетган. Бу ерда “қулоқчин” телпақнинг қулоқларига нисбатан қўлланмоқда, телпақка нисбатан эмас. Иккинчи мисолда эса, вазият бошқача: “Эгнида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида пўстинли этик, бўйнида санитар сумкаси”. Бу ўринда “қулоқчин” шахснинг бошидаги телпақ сифатида талқин қилинмоқда. 2 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “қулоқчин” сўзига айна изоҳ берилган ва унга қуйидаги мисол илова сифатида берилган: “Қулоқчиннинг қулоқларини тушириб олмоқ”. Демак, яна бир бор айтамикки, қулоқчин – телпақнинг қулоқларига эмас, телпақнинг турига нисбатан қўлланмоқда. Биз эса сўзлашувда, асосан, телпақнинг қулоқларини “қулоқчин” деймиз. Ана сизга масала! Бу ҳолат кимгадир эриш туюлиши мумкин, лекин Халқ шоиримиз Эркин Воҳидовнинг юқорида келтириб ўтган фикрларини яна бир бор эслайлик: “Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан”. Агар бугун биз бундай сўзлар борасидаги иккиланишларга барҳам бермасак, келажакда нима бўлади? Шу нуқтаи назардан қарасак, биз хоҳлаганча русча “наушник” ўрнида “қулоқчин” деб ёзганимиз билан, халқ қабул қилмаса, “уяли телефон” сингари бефойда бўлиб қолаверади. Бир ўйлаб кўрайлик, қардош туркий тилларда бу сўзнинг йўлдоши учрайдими? Мен билган турк тилида уни “kulaklik – қулоқлик” дейдилар, бу сўз турк адабий тилида ҳам, халқ тилида фаол қўлланади. Умуман, – лик/–лик қўшимчаси билан сўз ясалиш ҳодисаси туркий тиллар тарихида қадимдан мавжуд бўлган. Ҳозирда ҳам бу қўшимча ўзбекча сўзларни ҳосил қилувчи энг фаол морфемалардан бири саналади. Масалан, у туб туркий сўзларга қўшилиб, от ва сифатларнинг турли типларини ҳосил қилади, хусусан, бу аффикс бирор иш, машғулот ёки нарса учун мўлжалланган предмет ёки нарса отини ясашда иштирок этади. Турк тилидаги “kulak + lik = kulaklik” худди шу аснода ясалган. Ўзбек тилида ҳам бу қўшимча иштирокида “кийимлик”, “ёзлик”, “қишлик”, “ошлик”, “уруғлик” каби кўплаб сўзлар ясалган. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, ўзбек тилида ҳам бу сўзни “қулоқлик” тарзида берсак, атасак бўлмасмикан?

Албатта, янгича сўз – “қулоқлик”ка бирданига қулоқнинг ўрганиши осон кечмайди. Лекин “қулоқчин”га нисбатан бу сўз предмет маъносига анча яқинроқдир.

Мен илмий изланишлар борасида ҳеч бир қадимий ёзма манбаларда “ўқитувчи” сўзини учратмадим. Унинг ўрнида, асосан, устоз, муаллим, мударрис, домла каби сўзлар қўлланганининг гувоҳи бўлдим. Мактабда, институтда ўқиган вақтларимизда устозларга “домла” деб мурожаат қилганмиз. Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 60-йилларида устозга “домла” деб мурожаат қилсак, улардан баъзиларининг жаҳли чиқиб: “Домла мачитда бўлади, мени домла деб чақирма”, – дер эдилар.

“Домла” сўзи, рус тилшунос-тарихчиси Е.Поливановнинг ёзишича, араб тилида “ўқимишли, тақводор одам” маъносини ифодаловчи “мулла” сўзига хитой тилида “буюк”, “катта” маъноларини англатувчи “до” олд қўшимчасини қўшиш орқали ўзбек тилида ясалган сўз бўлиб, “буюк устоз”, “буюк донишманд”, “катта ҳурматга эга устоз” маъноларини билдиради, яъни мавлоно дегани (7.Б.116-117). У вақтлар “устоз” деб мурожаат қилиш биз томонларда (Кўқон атрофида) умуман бўлмаган. Муаммо эдики, нима дейиш керак? Устозга мурожаат қилиш учун қандай сўздан фойдаланиш лозим? “Ўқитувчи!” ёки “Ўртоқ ўқитувчи”, “Ўқитувчи, мумкинми?” тарзида мурожаат қилиб бўлмайди-ку! Ўйлаб қоламиз: у ҳолда “ўқитувчи” сўзи қандай ва қачон тилимизда муомалага кирди? Савол ўринли. Менимча, ўтган асримиз бошларида – диний масалалар билан боғлиқ қатағонлик, қама-қамалар авж олган даврда зиёлиларимиз қандай сўз бўлишидан қатъи назар, арабча сўзларни ишлатишдан шунчалик юрак олдириб қўйишган бўлсалар керак. Ҳатто, уйдан араб ёзувидаги китоб чиқиб қолса, у диний бўлмаса ҳам, унинг эгаси қамоққа тортилган, дейишади. Демак, арабча ёки арабча деб ўйланган сўзларни қўллаш андишали бўлиб турган шундай бир қора долғали даврда унинг ўрнига янги замонавий сўз топиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Асосий манба рус тили деб топилди ва у тилдаги “учитель” сўзига мурожаат қилинди – “учить” ўзбекчада “ўқитмоқ” бўлганлиги боис ундан “ўқитувчи” – яп-янги сўз туғилди. Шу тариқа бугунги кунимизда ҳам ушбу сўз кенг фаолиятда.

Кўпчилик ёши улуғларимиз ўтган асрнинг 90-йилларидаги ўзбек тили билан боғлиқ масалаларни яхши эслаймиз. Гўё юртимиздаги ҳар бир инсон – хоҳ муҳандис, хоҳ математик, умуман, қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз

тилшунос бўлиб кетдик. Тилимиздаги кўплаб сўзларни ўзбекчалаштириш бўйича ўз таклифларимизни бердик. Хусусан, “самолёт”ни “тайёра”, “аэропорт”ни “тайёрагоҳ”, “газета”ни “рўзнома”, “журнал”ни “ойнома” ёки “жарида”, “факультет”ни “куллийёт”, “институт”ни “олийгоҳ”, “университет”ни “дорулфунун”, “радио”ни “овознигор”, “автобус”ни “серкурси”, “республика”ни “жумҳурият”, “область”ни “вилоят”, “район”ни “ноҳия” ёки “туман” кабилар билан алмаштириш таклифлари оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни муҳокама қилинди. Орадан салкам 30 йилдан

кейин, яъни бугун эътибор бериб қарасак, таклиф этилган сўзларнинг айримларигина тилимиздан ўз ўрнини эгаллабди. Зеро, тилда қайси сўзни қўллашда асосий ҳакам – халқдир. Халқ қабул қилсагина, у сўз абадийдир.

Кўриниб турибдики, сўз ва унинг нутқдаги ифодаси, маъно-моҳияти шунчаки эътиборсиз қолдирадиган ҳодиса эмас. Демак, тил масаласи, унга эътибор ва эъзоз кўрсатиш миллат маданияти ва миллат маънавияти учун бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас ва беминнат бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... –Тошкент: Ёзувчи, 1998. -246 б.
2. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. –Тошкент: Маънавият, 1999. -63 б.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони). I жилд. –Тошкент: Mumtoz-so‘z, 2016. -388 б.
4. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -150 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2006. –680 б.
6. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар). –Тошкент: Mumtoz-so‘z, 2009. -147 б.
7. Поливанов Д.Е. Дальневосточные термины орудий письма//Сборник Туркестанского восточного института в честь проф. А.Э.Шмидта. -Ташкент; 1922. -С. 116-119.

**А**тоқли олим, санъатишунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат мукофоти лауреати, санъатишунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров театр соҳасида етакчи мунаққид сифатида машҳур эди. Унинг илмий асарлари ноёб библиографик ишлар сирасига киради. Устознинг ёзган ва таржима қилган пьесалари Ўзбекистоннинг кўпгина театрларида сахналаштирилган. Олимнинг илмий ва ижтимоий қизиқишлари қанчалик кенг қўламли бўлмасин, маданият тарихи ва бадий мерос муаммоларини ўрганиш унинг фаолиятида биринчи ўринни эгаллаган эди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан миллий драматургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ана шу ерда миллий драматургияда жанр масаласида маъруза тайёрлаш менга топширилди ва мен бу вазифани қўлдан келганича амалга оширдим.

Драматургиядаги жанр масаласи жуда жиддий масала. Шу боис конференцияда иштирок этган драматурглар, театр режиссёрлари, театришунос олимлар, вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари раҳбарлари ўзаро баҳс-мунозара юритдилар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Шу ўринда Мухсин Ҳалиловичнинг ёзган мақолаларидаги ноёб фикрларига қайта-қайта мурожаат қилгимиз келади. Айниқса, унинг сўнгги лаҳзаларида ёзилган “Театр истиқболини ўйлаб” номли мақоласидаги фикрлар конференцияда юзага қалқиб чиққан қатор саволларга жавобдек кўринади.

Устоз театрнинг келажаги учун жон куйдириб яшади. Барча фикрларини илмий асосланган мақолаларда айта олди. Устознинг жуда кўп орзулари мана шу мақолада акс эттирилган эди. Бугун устознинг орзулари ушалди. Тинч ва фаровон ҳаётимизда мамлакатимиз театр бинolari қайта таъмирланиб, кундан-кунга замонавий қиёфага кириб бормоқда. Ижодкорларга керагидан зиёд шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб берилмоқда. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни Мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувида барча театрларни, хусусан санъат ва маданият олий таълим муассасаларига катта нуфузли таъкилотларни ҳомий қилиб белгилаб берди. Театр аҳли бу имкониятлардан кенг фойдаланиб, халқаро миқёсдаги театрлар сифатида ўрин олишга ҳаракат қилмоқда. Ижодкорлар хорижий давлатларга гостроллар уюштирмоқдалар, керакли тажрибаларини оширмоқдалар ва миллий санъатимизни кенг тарғиб қилиб келмоқдалар.

Миллий театрларимиз репертуарларини тарихий, замонавий мавзулардаги асарлар билан бойитиш, драматургияни ривожлантириш, режиссёрлар, актёрлар, театришуносликдаги муаммоларни ҳал қилиш борасида қатор ишлар турибди. Театрларда драматургия муаммоси, малакали театришуносларнинг етишмаслиги ўз ечимини топиши керак бўлган муаммолардан. Бизнинг вазифамиз театр равнақиға ҳисса қўиладиган малакали кадрлар тайёрлаш экан, масалаларга бефарқ бўмаслигимиз керак. Устознинг мақоласини журналимизда чоп этишга сабаб ҳам шундан. Ўйлаймизки, институтимиз профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларимизга ушбу мақоланинг фойдаси катта бўлади.

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА

Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**М.Ҳ.ҚОДИРОВ**

**Давлат мукофоти лауреати,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор**

## **ТЕАТРИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ...**

Жамият ҳаётининг тарихан бурилиш нуқталарида ҳар доим театр санъати инқирози башорат қилиб келинади. XX аср бошида кино санъати, кейин зангори экран, янги даврда эстрада санъати театрни сиқиб чиқараётгани ҳақида тушкун оҳанглар эшитилиб турди. Бироқ театр санъати жаҳонда ҳам, ўзимизда ҳам шароит қанча оғир ва мураккаб бўлмасин яшаб келди. Мустақиллик даврида ҳам янги иқтисодий-сиёсий шароитларга мослашиб, ўз мавзулари, ўз қаҳрамонларини топиб, услуб ва воситаларини янгилаб, маънавий ҳаётда ўз мавқеи ва ўрнини топиб келаётир. Бунга энг муҳим

сабаб шуки, театр томошабинларга бевосита таъсир кўрсатади, сахна билан томошабин ўртасида самимий мулоқот ўрнатилиб, томоша-спектакл давомидеъ ҳам сахна ижодкорлари, ҳам томошабинларни маънан ва руҳан бойитади. Яъни икки томонлама таъсирланиш ҳосил бўлади. Бошқа бирон бир санъатда бундай имконият йўқ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, эркин, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга жадал киришган, жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрни, ўз овозига эга бўла бошлаган Ўзбекистон Республикасида



маънавият ва маърифатнинг бошқа соҳалари қаторида театр санъатида ҳам ўзгаришлар ва янгиланиш жараёни бошланган.

Ижодий жамоалар ягона совет маданиятини тузиш каби сохта методология исканжасидан халос бўлиб, ўз фаолиятларини ўзлари ташкил этишга киришдилар. Яъни мустақиллик туфайли чинакам ижодий эркинлик юзага келди.

Театр санъати таркибига барча санъат воситаларини камраб олувчи, уйғунлаштирувчи соҳа бўлгани учун унинг тармоқлари кўп бўлиб, ҳар бир тармоқда, таркибий қисмда ўзгаришлар, янгиланиш билан бир қаторда муаммолар ҳам етарли эканига амин бўламиз. Шундай масалалардан баъзи бирлари хусусида мулоҳаза билдирмоқчимиз.

Ижодий услуб, методология ва жанрлар ранг-баранглиги

Янги даврда театр санъатида ҳам ижодий изланишлар кучайиб, театрлар ўз фаолиятини халқимиз ижодида ва жаҳон санъатида мавжуд услублар ва оқимлар асосида қуриш, реалистик услубдан тортиб, мажозий ва мистик тасвиргача бўлган ранг-баранг воситаларни қўллаш йўлидан бормоқда. Мумтоз асарларни саҳналаштиришда анъанавий ечимлардан қочиб, эркин талқин этиш (табдил услуги, мажозий-фалсафий ечим каби) бутун бир йўналиш тусини олди. Тарихий мавзун ишлашда чинакам уйғониш юз берди. Замонавий мавзуларни тадқиқ этишда драматурглар ва театр жамоалари ҳаётнинг барча жабҳаларига тобора чуқурроқ кириб борган ҳолда маиший ечимлардан долзарб ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқишга дадил кириша бошлаганларини кўриш мумкин.

Жанр масаласида ҳам анча-мунча англашилмовчилик мавжуд. Баъзилар, масалан, драматургия жанрлари антик даврда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай – драма, трагедия ва комедиядан иборат деб ўйлайди. Шунингдек, янглишув драма ва театр санъати жанрларини бир нарса деб тушунишдан келиб чиқади. Аслида драматургия ҳам, театр санъати ҳам ўз тараққиёти давомида бир талай тур ва жанрлар кашф этди. Драматургияда уйғониш даври, романтизм, маърифатпарварлик, реализм, символизм, модернизм, абсурд, неореализм ва бошқа оқимлар билан боғлиқ ҳолда; театр санъатида эса драма, опера, балет,



Қодиров Муҳсин Ҳалилович  
(1932 йил 10 март – 2015 йил 27 февраль)

оперетта, болалар ва Ёшлар театри, кўғирчоқ театри каби турлар билан боғлиқ ҳолда ўтмишда ҳам, янги тарихий босқичларда ҳам қанчадан-қанча янги жанрлар майдонга келганини унутмаслик керак. Бундан ташқари, жанрлар драматургияда ва театр санъатида бир хил эмас; театр жанрларининг доираси драматургия жанрларига қараганда жуда кенг, чунки ҳар бир театр тури ўз навбатида ички тур ва жанрларга бўлинади.

Умуман олганда, бундай тур ва жанрлар келиб чиқишига кўра фарб театри ва драматургиясига хос. Шарқ анъанавий театри ва драматургиясида эса турлар, туркумлар, жанрлар бундан ҳам сертармоқ ва мураккаб, тамомила бошқа мазмун-моҳиятга эга.

Яна бир гапки, совет даврида умуман санъатда, жумладан театр соҳасида бир қатор оқимлар ва уларга тааллуқли жанрлар таъқиқланиб келинди. Анъанавий шакллар ва воситалардан фойдаланиш, масалан, миллий маҳдудлик, архаика, натурализм, формализм деб қораланди. Мустақиллик даврида эса халқ ҳаётида театрлашган томоша шаклида яшаб келган маросимлар, урф-одатлар асосида фольклор-этнографик томошалар майдонга келди. Бу тоифа томошаларни Тошкент театрларида режиссёр Баҳодир Йўлдошев ўзининг “Келинлар кўзғолони” (Саид

**Жанр масаласида ҳам анча-мунча англашилмовчилик мавжуд. Баъзилар, масалан, драматургия жанрлари антик даврда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай – драма, трагедия ва комедиядан иборат деб ўйлайди. Шунингдек, янглишув драма ва театр санъати жанрларини бир нарса деб тушунишдан келиб чиқади.**

Аҳмад асари) ва “Майсаранинг иши” (Ҳамза) спектакллари билан, Хоразм театрида режиссёр Ибодулло Ниёзметов “Олма пишганда келинг” (Эркин Самандар) спектакли билан, Фарғона театрида Олимжон Салимов “Тошкентга саёҳат” (Ҳамза) спектакли билан бошлаб берган эди. Янги даврда бундай ижодий изланишлар ўзбек театрида катта бир йўналиш тусини олди. Драматурглардан Эркин Хушвақт, Комил Аваз, Иброҳим Содиқов, Холиқ Хурсандов, Санжарали Имомов, режиссёрлардан Мансур Равшанов, Турғун Азизов, Мунаввара Абдуллаева, Валижон Умаров, Рустам Маъдиев, Исоқ Тўраев халқчил, фольклор-этнографик томошалар яратиб, театр санъатининг миллий асосларини мустаҳкамлаш бўйича яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Шу муносабат билан бир қанча мулоҳазалар юзага келади:

Биринчидан, фольклор-этнографик спектаклларнинг драматургик асоси ва саҳнавий талқинини ҳамма вақт ҳам қониқарли савияда эмас. Уларда баъзан мантиқ, услубий изчиллик, ранг-баранглик етишмайди. Саҳна асарининг экспозиция (пролог), тугун, қаҳрамонларнинг муайян мақсад атрофида курашини ёритувчи воқеалар ривож, кульминация, ечим (эпилог)дан иборат қоидаларига ҳамма вақт ҳам амал қилавермайди.

Иккинчидан, муттасил халқ ҳаётидаги илгаридан театрлашган – фарзанд кўриш, суннат тўйи, ёр танлаш, совчилик, унаштириш, уйланиш, тўй жараёни билан боғлиқ урф-одатларни, маросимларни замонавий саҳналарга кўчиравермасдан (ахир, бу манбалар ҳам беҳад эмас, бу мавзулар суистеъмол қилинаверилса, бир хиллик юзага келиши тайин), этномаданиятнинг принциплари, услуб ва воситаларини ишлатишга ўтиш керак.

Учинчидан, театр маъмурлари репертуарда мумтоз асарлар, турли жанрлардаги спектакллар бўлса-да, бор асарларни реклама қилмасдан, енгил йўлни танлаб, томошабинларга сурункасига фольклор-этнографик асарларни кўрсатишлари ҳам яхши эмас. Чунки бундай амалиёт томошабинлар аудиториясини торайтириб, актёрларни бир услуб доирасида чеклаб қўяди, пировардида муайян театр фаолияти ҳақида нотўғри фикр ҳосил бўлиши мумкин.

### **Ўзбек театрининг жаҳон саҳна санъатига интеграциялашуви**

Совет даврида Тошкент театрларигина ҳисобот бериш мақсадида нари борса Москвада гастролда бўлар, бироқ Фарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатларига умуман қадам босмас эди. 80-йиллардагина аҳвол бирмунча

ўзгарди. Янги даврда ижодий алоқаларни кучайтириш, интеграция жараёнини яхшилаш борасида шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратилди. Фақат пойтахт театрлари эмас, вилоятлардаги бир қатор театрлар ҳам икки томонлама алоқалар ўрнатиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги халқаро фестивалларда қатнашиб, ҳам ўз санъатларини намойиш этиб, ҳам жаҳон театр санъатидаги тенденциялар, ижодий изланишларни кузатиб, улардан илҳомланиб, таъсирланиб келмоқдалар. Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Ёшлари театри, Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри, Ўзбек давлат драма театри, Рус академик драма театри, Қаршидаги “Эски мачит” театр-студияси, Республика қўғирчоқ театрининг шу йўналишдаги фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Аммо шу билан бирга ўз қобилигига ўралиб қолган, жаҳон театридаги ўзгаришлардан беҳабар, янги шароитларда ишлашга кўникмаган театр жамоалари ҳам йўқ эмас. Республикамизда “Шарқ ва Фарб: театр санъати”, “Наврўз”, “Хумо” номли халқаро, “Анджон баҳори”, “Сарҳисоб”, “37+1”, “Дебют”, “Сени куйлаймиз, замондош!” ҳамда қўғирчоқ театри ички театр фестиваллари ўтказилиб келинди ва келинмоқда. Мана шу халқаро ва республика доирасида ўтган кўрик-танловлар, фестиваллар, семинарларда иштирок этиш ҳам театр жамоалари ва уларнинг раҳбарлари учун имтиҳон ва ибрат вазифаларини ўтаб келмоқда.

Умуман, глобаллашув, мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирига боғлиқлиги, алоқалари тез суръатлар билан кучайиб бораётган бир шароитда ўзбек театрининг жаҳон театр санъатида рўй бераётган жараёнлардан, ҳар хил тенденциялар таъсиридан четда қолиши амри маҳол. Саҳна ижодкорлари уйларида турган ҳолда ҳам юзлаб телевизион каналлар, радиотўлқинлари, интернет, видеоёзувлар орқали турли қитъаларда санъатдаги замонавий оқимлар, изланишлардан тобора кўпроқ хабардор бўлиш имкониятига эга. Шундай экан, бу жараённи кузатиб бориш, ўзбек халқининг менталитетига, урф-одатларига, турмуш тарзига, маънавий қадриятларига яқин бўлган жиҳатларни ўзлаштириш йўлидан бориб, бизга ёт жиҳатлар таъсирининг олдини олиш ниҳоятда муҳим.

Шу пайтгача театрларнинг четга чиқиши асосан уларнинг ўз ташаббуси билан амалга ошиб келди. Бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда интеграция ва ижодий алоқалар жараёнини бошқариш ҳам зарурлигини унутмаслик керак.

### Театр модели, тармоғи, бошқарув масалалари

Театр санъати ўз табиатига кўра жамоа ижоди бўлиб, бунда меҳнатнинг қатъий ташкил этилиши ва яхши бошқарилиши талаб қилинади. Бугунги кунда бу борадаги асосий иш – ижодий соҳада бозор қонуниятларини чуқур тушуниш ва амалий қўллашдан иборат. Бошқарувга, репертуарни шакллантиришга, томошабинларни жалб этишга янгича ёндашув қарор топган театрларда ижодий барқарорлик мавжуд, у ерда томошабинлар бор, чет элга ижодий сафарлар ва эътироф ҳам уларга ҳамроҳ. Янгиларга ишончсиз муносабатда бўлган театрларда эса, юмшоқ қилиб айтганда, ижодий турғунлик ҳукм сурмоқда. Театрларда ҳам замонавий

менежмент асосларини жорий этиб, бошқарувда махсус тайёргарлик кўрган, бозор иқтисодиётини яхши тушунган ходимлар хизматидан фойдаланиш вақти келди. Ижодий жамоалар томошабинлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа асосида ишлаши, янги спектакл учун кетган сарф-ҳаражатни қоплаш билан чекланмай, фойда олиши ва шу асосда яшаши, ривожланиши шунга боғлиқдир. Умуман репертуарни янгилаб туриш, прокат, реклама, сервис, цехларнинг, театр техникасининг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш, бино ва сахнани тартибга келтириб, таъмирлаб туриш бир тизим ҳолига келтирилиб, ишбилармон раҳбар томонидан бошқариб борилиши керак.

Давлат ҳозирги кунда улкан театр тармоғини молиялайди. Бироқ йил сайин театр санъати қимматлашиб боради. Шу сабабли яқин йилларда ҳам давлат театрларга ёрдам кўрсата бориб, уларни сон жиҳатидан таъминлашдан сифат жиҳатидан таъминлашга ўтса керак. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат театрларга ёрдам кўрсатишда мамлакат ва халқнинг манфаатларидан, маънавият ва маърифатнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боради.

Айни пайтда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар театр учун масъулликни кўпроқ ўз зиммасига олиши керак. Улар бюджетга таянган ҳолда иқтидорли режиссёр билан шартнома тузиши, айрим спектакллар саҳналантирилишини молиялаши мумкин.

Бугунги кунда театр ва театр ходимларини қўллаб-қувватлашнинг янги шакл ва усуллари аниқланмоқда. Бу ёрдам турли нафақалар, миллий ва бошқа мукофотлар,

молиявий дастурлар, шартнома бўйича ишлар, республиканинг ва халқаро жамғармаларнинг грантлари шаклида бўлиши мумкин. Ҳозирча буни фақат айрим ютуқларда, кам сонли мисолларда кўрамиз. Бинобарин, яқин йилларда театр моделини янгилашнинг муҳим тамойилларидан бири театр санъатини шу йўналишларда қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришдан иборат. Бунда театрлар ахборот банкига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Сўнги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси театрда шундай имконият бўлиб, ундан бозор қонунларига мувофиқ фойдаланилаётган бўлса, ўша ерда ижодий барқарорлик бор.

Гап шундаки, аксар вилоят театрлари мусиқали драма театри деб аталиб келинаётган бўлса-да, амалда уларнинг труппалари созанда ва балет ҳисобига қисқариб, аллақачон драма театрига айланиб бўлган. Лозим пайтларда фонограммдан фойдаланишга ўтиб олишган. Шундай бўлгач, бу ҳолатни қонуний эътироф этишга тўғри келади.

Болалар, ўсмирлар ва ёшларга хизмат кўрсатишни шу йўналишда фаолият юритувчи махсус театрлардан ташқари барча вилоят ва шаҳар театрлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир. Муайян аҳоли манзилининг иқтисоди, шароити кўтарса, ўша жойда қўғирчоқ театри тузиш яхши натижа беради деб ўйлаймиз. Навоий шаҳрида эса ўзбек ва рус тилларида ишловчи, кўпроқ болаларга ва ёшларга хизмат қилувчи вилоят театри тузиш зарур. Шу баҳонада ёш томошабинларнинг янги қатламларини театр санъатига жалб этиш имкони туғилади.

### Репертуар ва миллий асарлар хусусида

Ахборот-коммуникация технологияси ривожланган сайин театр санъатининг компонентлари кучайиб, янгилашиб бораверади. Шу боисдан театр санъати таркибини ҳосил қилган драматургия, режиссура, актёрлик санъати, сценография, театр мусиқаси, балет ва сахнавий рақс; шу санъатга алоқадор сахна мутахассисларини тайёрлаш тизими; услубияти, театр танқидчилиги соҳаларида ҳам ўзгаришлар билан бирга муаммолар ҳам талай. Ҳозир шундан замонавий театримиз учун ўта долзарб репертуар ва унинг асосини ташкил этиши лозим бўлган миллий драматургия

...  
**аксар вилоят театрлари мусиқали драма театри деб аталиб келинаётган бўлса-да, амалда уларнинг труппалари созанда ва балет ҳисобига қисқариб, аллақачон драма театрига айланиб бўлган. Лозим пайтларда фонограммдан фойдаланишга ўтиб олишган. Шундай бўлгач, бу ҳолатни қонуний эътироф этишга тўғри келади.**

масалаларига тўхталишни лозим топдик. Мазкур масалалар 1914 йилдан эътиборан узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган, мустақиллик даврида ҳам ўз фаолияти билан бошқа ижодий жамоаларга ўрнатилган бўлиб келаётган Ўзбек миллий академик драма театрида қандай ҳал этилаётгани ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Унинг репертуарида янги даврда қуйидаги беш тоифа асарлар ўрин олганини кўрамиз:

1) жаҳон мумтоз асарлари негизида яратилган “Қирол Лир”, “Гамлет”, “Ёз тунги гаройиботлари” (Шекспир), “Макр ва муҳаббат” (Шиллер), “Донишманд Натан” (Лессинг), “Етти фарёд”, “Дарахтлар тик туриб жон беради” (Кассона), “Тун албатта ўтади” (Эдуардо де Филиппо), “Чегара устидаги уй” (Мрочак) спектакллари, “Алишер Навоий” (Уйғун ва И.Султон), “Мирзо Улуғбек” (М.Шайхзода) тарихий драмаларнинг янги талқинлари. Кўриниб турибдики, рўйхатда илк бор саҳналаштирилаётган асарлар устувор бўлиб, янгича, замонавий талқин қилингани билан эътиборлидир.

2) репертуардан миллий тарихий драма мустаҳкам ўрин эгаллаган. “Соҳибқирон” (А.Орипов), “Пири коинот” (Ҳ.Расул), “Кундузсиз кечалар”, “Адибнинг умри” (У.Азим), “Бир қошона сирлари” (О.Ёқубов), “Усмон Носир” (Н.Рашидова), “Жаҳон отин Увайсий” (З.Солиева) каби спектакллар шундан далолат беради. Фафур Фуломнинг “Шум бола” ва бошқа қиссалари асосида яратилган “Эски замон хангомалари” (У.Азим), А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён”, “Ўткан кунлар” романлари асосида Э.Хушвақт инсценировка қилган спектакллари ҳам шу тоифага киритиш мумкин.

3) фольклор-этнографик ва маиший-ҳажвий томошалар. Бунга мисол қилиб “Аёллар гапидан чиққан хангома” (Ҳ.Муҳаммад), “Афандининг беш хотини” (И.Содиқов), “Чимилдик”, “Қаллиқ ўйин”, “Қирмизи олма”, “Андишали келинчак” (Э.Хушвақт асарлари), “Эргинамининг орзуси”, “Севаман дедимми?”, “Дадажон демайман” (С.Имомов), “Нексия” (Ж.Жабборов) каби бир қатор спектакллари кўрсатиш мумкин.

4) замонавий реал воқеаларни ҳаёлий-афсонавий, диний-мистик тасаввурлар билан омукта қилиб тасвирловчи “Шайтон ва фаришта” (С.Имомов), “Олтин қиз” (Ҳ.Расул), “Уч кунлик дунё” (Н.Қодиров) сингари спектакллар театр репертуарида алоҳида бир тоифани ташкил этиб келади.

5) ниҳоят, ижтимоий мазмунли, янги даврнинг мураккаб, зиддиятли муаммоларини ёритувчи «Бир қадам йўл», “Огоҳ бўлинг, одамлар!” (У.Азим), “Омонат дунё” (Т.Маҳмудов ва Д.Маҳмудова), “Бевалар” (З.Солиева), “Талваса” (Э.Аъзам), “Тақдир синовлари” (Қ.Норқобул) спектакллар.

Миллий академик драма театрининг репертуар тузишда турли тоифа асарларни саҳналаштиришга эътибор бериши, уларни талқин этишда ижодий изланишлар йўлидан бориши аста-секин давлат лойиҳалари ва драматурглар билан шартнома тузиш асосида ишлашга ўтиши, халқ маросимлари, урф-одатларига таянган ҳолда саҳнавий томошалар яратишга меҳр қўйиши ва бошқа кўпгина хусусиятлари вилоят театрларига ўрнатилган бўлиб келганини қайд этиш мумкин. Бироқ ҳар қайси вилоят театри Миллий театр тенденциялари ва қизиқишларидан таъсирланган бўлса-да, репертуар тузиш ва аҳолига хизмат кўрсатишда ҳар қайсиси ўзича мустақил иш олиб борди.

Вилоят театрлари орасида лойиҳа асосида ишлашнинг афзаллигини биринчи бўлиб, Сурхондарё театри жамоаси ва унинг раҳбари Мансур Равшанов тўғри англаб, истеъфодаги полковник Муҳаммад Бобоев асари асосида “Ўлим халқаси” спектаклини яратди. Унда Сарийосиё ва Узун туманларига бостириб кирган террорчилар билан бўлган кураш воқеалари ёритилди. Спектакл Наманган шаҳрида “XXI аср ўзбек театри: режиссёрлик ва актёрлик санъати истиқболи” мавзусида ўтказилган семинар-кенгашда кўрсатилиб ижобий баҳо олгач, Республика бўйлаб намойиш этилди. Театр ўз спектаклини Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон

пойтахти Нукусда намойиш қилиб, Миллий академик драма театри саҳнасида ижодий сафарини яқунлади. Ҳамма жойда лойиҳа асосида, ватанпарварлик мавзуида яратилган ушбу спектаклни, унинг ижодкорларини шоду хуррам қабул қилишди. Бундан театр жамоасининг руҳи кўтарилиб, ўзи танлаган йўлига ишонч ҳисси кучайди. Натижада бошқа театрларда, шу жумладан Миллий театрда ҳам лойиҳа асосида ишлашга қизиқиш бошланди. Умуман, вилоят театрларида долзарб ижтимоий мавзулардаги асарларни саҳналаштириш ва уларни аҳолига кўрсатиш пойтахт театрларига нисбатан яхши йўлга қўйилган деб ўйлаймиз. Албатта, бу ҳаракат ҳамма жойда ҳам бир хилда самарали ва изчил эмас. Фаолияти нуқул комедия ва фольклор-этнографик томошаларни намойиш этишдан иборат бўлиб қолган жамоалар ҳам йўқ эмас.

Бундан кейин ҳам театрлар репертуарда шакллана бошлаган йўналишларда иш олиб боришидан ташқари яна куйидаги жиҳатларга эътибор бериш зарур деб биламиз:

1) театр-студиялари, мўъжаз ижодий гуруҳлар томонидан тор доира томошабинларга мўлжалланган томошалар кўрсатилишини рағбатлантириш;

2) бир асар асосида ишлайдиган ижодий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш;

3) театр тарғиботи, томошабинлар билан ишлаш масалаларига эътиборни кучайтириш, ижодий учрашувларни мунтазам олиб бориш;

4) ишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув юртлари билан шартномалар тузиб, энг яхши саҳна асарлари мисолида томошабинларнинг, айниқса, ёшларнинг бадиий-эстетик савиясини ошириш;

5) давлат ва хусусий лойиҳаларнинг бажарилиши йўлидаги ишларга саҳна ижодкорларининг /драматург, режиссёр, рассом, актёрлар/ барчасини жалб этиш, масъулиятини ошириш.

Шубҳасиз, драматурглар билан жамият учун долзарб мавзуларда янги асар яратиш устида мунтазам иш олиб бориш ва уни яхши бадиий савияда саҳналаштириш ҳар бир театрнинг муқаддас бурчи бўлиши лозим. Шундай экан, куйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

2) драматурглар эътиборини мавзу, жанр, бадиий услуб ранг-баранглигига қаратиш, саҳна асари поэтикасини ривожлантириш ва шу мақсадда семинарлар ўтказиш;

3) саҳнавий асарларда миллий ўзига хосликни, миллий руҳни кучайтириш, айни чоқда жаҳон театрида мавжуд илғор изланишлардан озиқланишни рағбатлантириш;

4) муайян мавзу ва жанрлар бўйича драматурглар билан шартномалар тузиш асосида иш олиб бориш;

5) драматургларни театрларга бириктириш ва шу асосда ёзувчи ва театр ижодий алоқаларининг изчил давом этишини таъминлаш.

Ўзбек театри янги XX1 асрда фаолият олиб борар экан, XX асрда эришган ютуқларини бой бермаслиги, аксинча, ривожлантириши, минг-минг йилларни босиб ўтган маънавий ва маданий меросимиздан янада оқилона ва унумлироқ озиқланиши, миллий ўзига хослигини сақлаши ва кучайтириши, айни чоқда жаҳон театр санъатидаги изланишлардан хабардор бўлиб, лозим ўринларда улардан фойдаланиши, мумтоз драматургиянинг энг гўзал асарларини бундан кейин ҳам саҳналаштиришини давом эттириш жуда муҳим.



# К вопросу режиссерской интерпретации трагедий Шекспира на сцене театра

*Аннотация.* В данной статье затрагиваются вопросы режиссерских прочтений классических произведений. Обращено внимание на постановки спектаклей шекспировских трагедий. Рассматриваются спектакли, созданные режиссерами европейского и восточного театров второй половины 20 века и начала 21 века. Определяются основные направления движения современного режиссерского искусства.

**Ключевые слова:** пьеса, режиссура, спектакль, интерпретация, актер, театр, сценография, концепция, стилизация.

*Аннотация.* Мазкур мақолада мумтоз асарларни режиссерлик нуқтаи назаридан мутолаа қилиш масалалари кўтарилган. Шекспир трагедиялари бўйича асарларни сахналаштиришга эътибор қаратилган. 20-асрнинг иккинчи ярми ва 21-асрнинг бошларида Европа ва Шарқ театрлари режиссёрлари яратган спектаклар кўриб чиқилган. Замонавий режиссерлик санъати ҳаракатининг асосий йўналишлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** пьеса, режиссура, спектакль, талқин, актёр, театр, сценография, концепция, стилизация.

*Abstract:* This article addresses the issues of the Director's interpretations of classical works, with special attention to productions of Shakespeare's tragedies. It also discusses the performances created by the Directors in the European and Eastern theatres of the second half of the 20th century and early 21st century, defining the main directions of modern art.

**Key words:** the play, direction, performance, interpretation, actor, theatre, set design, concept, styling.

Начиная с шестидесятых годов 20 века, театр в своем развитии двигался от театра Чехова до театра абсурда, от системы Станиславского к биомеханике Мейерхольда, эффекту отчуждения Брехта, бедному театру Ежи Гротовского. Творческие идеи 60-х годов режиссура успешно разрабатывала, обращаясь к произведениям Шекспира, и это стало одним из продуктивных направлений современного сценического искусства.

Активно экспериментируя с классическим материалом, модернизируя тексты классиков, режиссура европейского театра сосредотачивала внимание на поисках разнообразия средств художественной выразительности, технического совершенства сценических эффектов. Вместе с тем она обращалась и к иносказательному осмыслению вопросов духовной жизни общества, использованию образно-смысловых символов. Такие знаменитые режиссеры, как Питер Брук, Джордж Стрелер, Ингмар Бергман пытались интерпретировать эти вопросы в русле традиционных гуманистических ценностей. И хотя у них были разные эстетические программы, философские и политические

воззрения, но их творчество формировалось под воздействием одних и тех же социокультурных процессов.

5. Театральная энциклопедия . С.П. 2009 г.



# СОЗ ВА СОЗГАРЛИК

**Аннотация.** Мақолада ўзбек миллий чолғуларининг яратилиш тарихи ва уларнинг бизгача етиб келишида катта ҳисса қўшган созгар усталар ва созгарлик тарихи ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Соз, фисоғурс, Маширик, Мағриб, уд, гитара, хуштак, ковак.

**Аннотация.** В данной статье ведётся речь об истории создания узбекских народных инструментов и о том, какой большой вклад внесли в историю их создания мастера инструменталисты.

**Ключевые слова:** Союз, фисагурс, маширик, мағриб, уд, гитара, свисток, лужа.

**Annotation.** This article deals with the history of the creation of Uzbek folk instruments and the contribution made to the history of their creation by the wizard instrumentalists.

**Key words:** instrument, fisagurs, mashrik, magrib, ud, guitar, whistle, puddle.

Мустақиллик йилларида санъат, маданият, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз яна тикланди. Шу ўринда айтиш жоизки, мусиқа маданиятининг пойдевори соз ва созгарлик тарихи, унинг ривожини йўлида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Созгарлик тарихи эрамыздан олдинги асрларга бориб тақалади. Археологик қазишмалар пайтида топилган қадимий мусиқа чолғулари, тошларга ўйиб ишланган мусиқа чолғулари ва чолғучиларнинг суратлари қайта тикланаётгани ўзгичлигини англаш, миллий чолғулар тарихини ўрганишимиз учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Созгар уста Тўхтамурод Зуфаров ўзининг “Соз ва созгарлик тарихи” номли китобида машҳур мусиқашунос олим Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар” номли монографиясида келтирган бир ривоятни ёзади: “Кунларнинг бирида Фисоғурс ҳаким (Пифагор, эрадан аввалги VI аср) тоғ томон йўли олипти. Тоғнинг этагида кучли шамол эсиб, қандайдир бир ҳуштак овози эшитиларди. Кейин у ёқ бу ёққа қараб ичи ковак бўлиб, бўшаб қолган тошбақа косасига кўзи тушибди. Унинг бўш, қўл ва думи чиқиб турадиган тешикларидан ўтаётган шамол товуш ҳосил қилаётган экан. “Бир нарсага яраб қолар? – деб уни ердан олипти. Бир неча вақтдан кейин тошбақа косасидаги энг катта тешикка-унинг боши чиқиб турадиган ерига бир даста ўрнатилди ва унга ипни тақиб, чала бошлапти” [1.Б.10].

Ана шу ривоятдан ҳам билишимиз мумкинки, чолғулар, созгарлик эрамыздан олдинги асрларда ҳам мавжуд бўлган.

Созгар уста Т. Зуфаровнинг ёзишича ўша давр созгарларининг юксак камолотини намойиш қилувчи муҳим бир ҳолат – тор тутқичнинг қопқоқ устига ўрнатилганлигидир. Бу ҳолат орадан минг йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳозирги замон созгарлигида ҳам

ҳамон қўлланиб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида Гитара чолғусини кўрсатиш мумкин.

Айритомдан топилган мусиқа чолғуларининг суратлари, қолдиқлари созгарлик соҳаси шунчаки бир ҳунар эмас, балки маҳорат талаб қиладиган ҳунар сифатида эъзозланганидан далолат беради.

Созгарлик авлоддан-авлодга, наслдан-наслга ўтиб келган. Манбаларга таянсақ, Ўрта Осиё мусиқа маданияти фақат Шарқ мамлакатларидагина эмас, балки дунёнинг бошқа юртлари, жумладан Кичик Осиё, Арабистон ва Фарб мамлакатларига ҳам етиб борганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ўзбек миллий чолғуларига чет эл мусиқашуносларининг қизиқишлари ўзбек созгарларининг ниҳоятда яратувчанлик қобилиятлари мавжудлигидан далолат беради ва ўша ўзга халқ олимларининг эътирофига сабаб бўлмоқда.

Мозийга қайтадиган бўлсак, мусиқа маданиятимиз жуда қадимдан, миллоддан олдинги даврлардан бошлаб ривожланиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳақда машҳур уста созгар Т. Зуфаров қуйидагиларни айтади:

Турон заминидан яшовчи халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи мусиқа маданиятининг тарихи миллоддан аввалги даврларнинг кўз илғамас уфқлари ордидан бошланган.

Кўҳна даврларда Турон заминидан яратилган чолғуларнинг тузилиши, хилма-хил турлари ва ижро усуллари, ҳамда созгарлик жиҳатидан мукамалликлари Айритом топилмасида тасвирланган чолғуларда аниқ ифода этилган.

Турон замини ўша кўҳна замонлардаёқ юксак мусиқа маданияти ва созгарлик соҳасининг тараққиёти тўғрисида дунё халқлари мусиқа маданиятида алоҳида ўрин тутган ва янги чолғулар (уд, фижжак, чанг) нинг яратилиш масканига айланган.

Миллоддан аввалги II аср ва миллоддан кейинги VIII аср

оралигида Турон замин созгарлари ясаган чолғуларнинг мамлакат сарҳадларидан ошиб, Машриқ ва Мағриб ўлкалари бўйлаб тарқалиши бевосита ўша давр Турон замин мусиқаси ва созгарлигининг тараққиёт даражаси нақадар баланд бўлганини кўрсатади.

Туркистон халқлари мусиқасининг камолоти ва созгарлигининг тараққиёти VIII-IX асрлардаёқ мусиқа санъатига оид илмий назарий билим – “мусиқа илми” нинг рўёбга келишига омил бўлди.

Туркистон мусиқасининг назарий ва созгарликнинг амалий етуклиги ўзбек миллий мусиқа санъатининг мўъжизаси бўлмиш мақомларнинг яратилиши ва асрлар оша бизнинг давримизга тўла-тўқис етиб келишига замин бўлди”[2.Б.10].

Миллий чолғуларимизнинг бизгача етиб келишида бир қанча созгар усталарнинг хизматлари бениҳоя катта аҳамият касб этади. Жумладан: Уста Усмон, Уста Тошбой Султон ўғли, Уста Тўра, Уста Абдужаббор, Уста Ҳожи Охун, Уста Азимхон Содиқхон ўғли, Уста Хўжахон Содиқхон ўғли, Уста Мўминбек, Уста Тоир, Уста Иноят махсум Абдулла ўғли ва бошқалар бу соҳада беназир хизмат қилдилар.

Юқорида номлари келтирилган созгар усталар миллий маданиятимиз тараққиёти йўлида бутун умр меҳнат қилди ва бугунги чолғуларимизнинг бизгача етиб келишида кўприк воситасини бажарди.

Созгар усталарнинг кўпчилиги соз яшаш билан бирга мавжуд чолғуларни реконструкция қилиш ҳамда такомиллаштириш устида самарали иш олиб борганлар.

Мусиқа чолғу асбобларини ўзгартириш (реконструкция қилиш), яъни уларни янги технология, муайян шаклларига ўзгартиришлар киритиш билан яшашни англатади. Ундан асосий мақсад товуш (оҳанг) хусусиятларини яхшилаш, чолғуларда янги техник имкониятлар яратиш, товуш туси нозикликларига эришгач, 12 босқичли равон суръатларга бўлинган хроматик тузилмаларни жорий этиш, натижада товуш қаторларини кенгайтиришдан иборат бўлган. Демак реконструкция, мусиқа чолғуларини такомиллаштириш, уларнинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги, айрим қисмларининг сезгирлигини ҳамда товуш (оҳанг) ҳосил қилиш сифатини ошириш, замонавий ижрочиликнинг юксак техник ва бадиий талабларига жавоб бера оладиган даражада яхшилашни талаб этади.

Мусиқий чолғулар бўйича тадқиқотчи В.Беляев ўзининг «Ўзбек халқ чолғу асбоблари» китобида (Москва, 1933 йил) ўзбек халқ чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги бўйича муаммони кўтариб чиқди. Реконструкция қилинишдан олдин кўп чолғуларимиз хроматик товуш қаторга эга эмас эди.

Миллий чолғуларда Европа ва жаҳон халқлари куйларини ижро этиш бир мунча қийинчиликлар туғдирар эди.

Аста-секинлик билан аънавий чолғуларнинг эски намуналари ўрнига замонавий ижрочиликнинг юксак талабларига жавоб бера оладиган янги намуналар пайдо бўла бошлади, натижада мавжуд мусиқа созларини янада такомиллаштиришга уринишлар бошланди. Чанг, ғижжак каби чолғуларга қўшимча торлар қўйилиб, уларнинг оҳанг доираси анча кенгайтирилди.

XX асрнинг 30-йилларнинг биринчи ярмида бошида мусиқа чолғулари яшаш бўйича ном қозонган Уста Усмон Зуфаров (1892-1981 йил) дутор ва ғижжакларнинг турдош оиласини яратиш бўйича ўз таклифларини берди ва Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари миллий ансамблининг раҳбари, академик Юнус Ражабий Уста Усмон Зуфаров билан ҳамкорликда дутор бас (катта дутор), ғижжак бас (катта ғижжак), ғижжак алыт намуналарини яратдилар. Матюсуф Харратов чангни такомиллаштириш устида ишлади. Ўша пайтдаги чанг кичик ҳажмга (диапазонга) эга эди. Изланишлар натижасида М.Харратов чангнинг юқори регистрини қўшимча торлар ва харрактлар ҳисобига кенгайтди. Бу чолғулар унисон ва ансамбль жўрлигида чалинар эди, кейинчалик оркестр таркибига киритилди.

Ўзбек миллий чолғуларини такомиллаштириш, қайта ишлашнинг ижобий ва салбий оқибатлари мусиқашунос олимлар томонидан исботлаб берилган. Қайта ишлаш асосан бошқа халқлар куйларини чалиш учун мўлжалланганлиги бизга аён. Қайта ишланган ва такомиллаштирилган мусиқа чолғулари тенг ярим пардага асосланганлиги, ўзбек халқ куйларига хос нимпардаларни чалишнинг имконияти пастлиги билан халқ куйларини ота-боболаримиз ижроларида эшитган миллий қочирим, “нола”ларни ижро этишда айрим қийинчиликлар туғдиради.

Чолғуларни қайта ишлаш учун асосан хомашёни тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чолғулар учун хомашё асосан ёғочдан тайёрланади. Уларнинг орасида тут, ўрик, ёнғоқ, олхўри, занг, олча, дўлана, арча, қайрағоч, қарағай, чинор, тол ва бошқа давлатларда ўсадиган буг, клён, акация, сосна, ел, граб каби дарахтлар алоҳида ўрин тутди.

Соз ясовчи усталар асосан ясаши керак бўлган чолғу турини ҳисобга олиб хомашё танлайди. Ҳатто машҳур усталар дарахтнинг қайси бўлагидан яхши косахона, қайси бўлагидан даста (гриф) ва ҳоказо ясалса кутилган натижа беришини яхши билишган.

Чолғу сози ясалгунга қадар хомашёни қуриштириш

технологиясига ҳам катта эътибор қаратилади. Хомашё қуруқ, шамол тегмайдиған, қуёш нуридан холи жойда сақланиши керак. Айрим созгарлар бўлинған дарахт бўлаги (ғўла)ни чучук сувларга солиб қўядилар ёки ерга кўмадилар. Бунда хомашё таркибидаги сув моддасини табиий равишда чиқиб кетишига шароит яратилади. Кўп ҳолларда ерга кўмиладиған ғўланинғ “кўзли” қисмлари сомон лой билан суваб қўйилади. Созгар усталарнинғ фикрича саржин ёки тик ҳолатда қуритиладиған хомашёнинғ сақланиш даври 4 йилдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илғари Хоразм созгарлари хомашё сифатида қудуқ ичига ўрнатиладиған, “соз” деб номланувчи мосламадан ҳам фойдаланғанлар. Машҳур созгар Уста Усмон Зуфаров эски иморатлардан чиқадиган тут ёғочларидан ҳам самарали фойдаланған.

Барча ҳолларда хомашё танлашда Ўзбекистон иқлим шароити инobatга олинади. Айни пайтда ёғочнинғ иссиқ, совуққа чидамлилиги, қаттиқ ва зич бўлишлигига эътибор қаратилади.

Ўзбекистон ҳудудида муסיқа чолғу созларини тайёрлашда ёғочдан ташқари суяк, металл, лой, тош, тери, садаф, ипак, ширач, бамбук, қамиш, кейинги пайтларда эса эбонит, пластмаса, полувинилхлорид, текстолит, рандел, селилоид, оргстекло, капрон, леска, кетчуп, хромпик каби ашёлар ҳам кенг қўлланила бошланди. Булардан фақат тери маҳсулотигагина давомли ишлов талаб қилинади.

Қолған маҳсулотларнинғ асосий қисмига қисқа муддатли ишлов берилади ёки бирданига ишлов берилиб, сўнғ фойдаланилади.

Маълумки, муסיқий чолғулар ва улар билан боғлиқ намуналар халқ муסיқа ижодиётининғ аҳамиятга эга бўлған таркибий қисмини ташкил этади. Миллий чолғуларимиз ҳозирги давргача амалиётда ўз ўрнини эгаллаганлиги ва ижрочилик амалиётида юқори даражага кўтарилиб бораётганлиги, умумбашарият маданиятида алоҳида нуфузга эга эканлиги ҳам бундан далолат беради. Ўзбек халқ чолғуларининғ ҳар бирини техник жиҳатдан ва тараннум даражасига кўра илғор чолғулар даражасига киритиш мумкин. Уларнинғ аксарият намуналари бой ижровий имкониятлари ҳамда мукамал даражада шаклланғанлиги билан ажралиб туради.

Айнан муסיқий чолғулар тараннумининғ ранг-баранглиги (якка, қўш, ансамбль ва оркестр), уларнинғ юқори профессионализм даражасига эришғанлиги ҳамда катта имкониятларга эга эканлигини намоён этади.

Ўзбек муסיқашунослигида, охириги юз йиллик давомида миллий чолғуларни ўрганишга бағишланған қатор илмий амалий тадқиқотлар олиб борилған. Бундан ташқари, бир қатор илмий мақолалар, бир чолғунинғ тарихи ва ижрочилигига асосланған ўқув адабиётлари нашр этилиб, чолғушуносликдаги илмий-тадқиқот ва шу билан бирга уларни ўрганиш ва ривожда муносиб ўрин эгаллаб келаётганлигини қайд этиб ўтиш лозимдир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Акбаров Ил. Муסיқа луғати. –Тошкент: Санъат нашриёти, 1997.
2. Асқаров А. Ўзбекистон халқлари тарихи. –Тошкент: Фан, 1992.
3. Абдукаримов М. Чолғушунослик. (Олий таълим муассалари учун ўқув-қўлланма) – Тошкент: Насаф нашриёти. 2006.
4. Бегматов С., Матёқубов М. Ўзбек анъанавий чолғулари. –Тошкент: Янги нашр 2008.
5. Вызго Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии. (Исторические очерки) –Москва: 1980.
6. Петросян А.И. Чолғушунослик. 3-нашри –Тошкент: Санъат нашриёти.1990.
7. Тошматов Ў. Чолғушунослик (Олий таълим муассалари учун ўқув-қўлланма) –Тошкент: 2006.
8. Қосимов Р. Уд. дарслик, –Тошкент: Санъат нашриёти. 2002.
9. Фитрат А. Ўзбек классик муסיқаси ва унинғ тарихи. –Тошкент: 1993.
10. Зуфаров Т. Соз ва созгарлик тарихи. –Тошкент: Меринос. 2014.



# “Дирижёрлик” фани ва уни ўқитишдаги ўзига хос хусусиятлар

**Аннотация.** “Вокал ижрочилиги” бўйича мутахассисларини тайёрлашда ихтисослик фанлардан “Дирижёрлик” фанининг аҳамияти катта. Ушбу мақолада дирижёрлик касбининг тарихи, ўзига хос хусусиятлари, талабаларни профессионал билим ва малакаларини оширишда дирижёрлик маҳорати, мануал техника саводини эгаллашларида зарур бўлган содда, мураккаб ва аралаш ўлчовлар тизимининг ўрни ҳақида сўз боради

**Калим сўзлар:** дирижёрлик, дирижёр, маэстро, дирижёрлик аппарати, ирода, мимика, аъкапелла (жўрсиз асар), инновацион технологиялар, ижодкорлик, таълим усуллари.

**Аннотация.** Предмет “Дирижирование” имеет большое значение в подготовке специалистов на отделении «Вокальное исполнительство». В статье рассказывается об истории и своеобразной специфике профессии дирижирования, о системе простых, сложных и смешанных размеров в освоении профессиональных знаний дирижерского мастерства и мануальной техники.

**Ключевые слова:** дирижирование, дирижер, маэстро, дирижерский аппарат, воля, мимика, а`капелла, инновационные технологии, творческий процесс, эффективность урока.

**Annotation.** The subject “The art of conducting” has great significance in preparing of specialists of the department - Vocal performance. The present article deals with the history and peculiar specifics of the conducting art, systems of simple, complicated and mixed sizes in attaining of professional knowledge of conducting art and manual technique.

**Key words:** Conduction techniques, wall, mimie, manual techniques, maestro, a`kappella, innovative technology, efficiency of a lesson.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзларини келтириб: “Дунёда икки инсон ҳақиқий инсон саналади: Бири – ўргатувчи, бири – ўрганувчи”. Мен сизларнинг ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман”, – деб биз устозларни эъзозлаб қадрладилар. [3]

Ўқитувчи, устоз бўлиш шарафига эришиш масъулияти ҳақиқатдан ҳам биздан авваламбор инсон бўлишни, инсоний хислатларга эга бўлишни талаб этади.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқитиш усуллари кенг жорий этилмоқда. Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, мастер-класслар ўтказиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шу қаторда “Вокал ижрочилиги” соҳасида ҳам, узлуксиз

таълим тизимини, бошланғич ва ўрта мусиқа таълими (болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат лицей ва коллежи) учун юқори малакали педагог-мутахассислар тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига вокал ва хор санъати соҳасидаги халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув услубий материалларини жорий қилиш янада фаоллаштирилмоқда. Ихтисослик “Дирижёрлик”, “Хор синфи”, “Вокал”, “Вокал ансамбли”, “Овоз постановкаси”, “Аранжировка”, “Хор партитураларини ўқиш”, “Хор сольфеджиоси” ва “Хор адабиёти” фанларини ўқитиш сифатини ошириш учун изланишлар олиб бориб, янги ўқув қўлланмалари яратилмоқда ва хорижий адабиётларни таржима қилинмоқда. Хюстондаги Райс Университети профессори Гордон Ламбнинг “Хорал Техникус” (Huston, Rice Universitet, Gordon Lamb – “Shoral Techniques”) номли китоби кафедра доцентлари С.Маликова ва Д.Маликовалар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди, ҳозирги кунда нашрга тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан кўрсатилганидек узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил

ривожланиб бораётган иқтисодиёти ва маданиятини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш талабига асосан институтимизнинг баъзи (вокал ижрочилиги, миллий кўшиқчилик ва чолғу ижрочилиги) мутахассисликларига муסיқа мактаби, санъат коллежлари ва махсус лицейларининг битирувчилари қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маданият ва санъат соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг асосини узлуксиз муסיқа таълими ташкил этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилган “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти беқиёсдир[1]. Болаларни ёшлик чоғидан нафосат, назм ва муסיқа оламига олиб киришда, болалиқдан бир соҳада мақсадли, узлуксиз таълим олиш, келажакда шу касбни танлаб юқори малакали мутахассис бўлиб етишишида муסיқа мактабларининг ўрни жуда каттадир. Чунки болалиқдан муסיқа билан шуғулланиб келган талабада ёқимли овоз, муסיқий эшитиш қобилияти, муסיқий хотира ривожланган бўлиб, у нота ёзувини, муסיқа асосини билади, фортепиано ёки чолғу асбобида чалиш малакасини эгаллаган бўлади. Лекин ҳозирги кунда муסיқа мактабларида, айниқса вилоят болалар муסיқа ва санъат мактабларида махсус тайёрланган олий малакали педагогик кадрларнинг етишмаётганлиги аниқ сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув”идаги маърузасида туманларда жойлашган болалар муסיқа ва санъат мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72 фоизи ўрта махсус маълумотга эга эканлигини жиддий ташвиш билан айтиб ўтдилар[4]. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Вокал жамоаларига раҳбарлик” касб таълими бўлимини битираётган педагогларнинг биринчи бакалавр мутахассис кадрлари бу етишмовчиликни озгина бўлса ҳам тўлдиради, деб умид қиламиз.

“Вокал ижрочилиги” йўналишида юқори малакали мутахассисликка эга бўлиш кўп қиррали фаолиятни талаб этади. Бу борада профессионал билим, малакани эгаллаш, жамоанинг маънавий-маданий даражасини замон талабига мос равишда ҳаётга татбиқ этиш борасида учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиш, ижрочилик маҳоратини ривожлантириш учун педагогик, раҳбарлик, тарбиячилик, тарғиботчилик ва ижодкорлик хусусиятларини ўзлаштиришда талабага бошланғич

муסיқий таълими ёрдам беради. “Вокал ижрочилиги” соҳаси касбий таълими педагогларини тайёрлашда “Дирижёрлик” фани муҳим ўрин тутати ва асосий фанлар қаторига киради. “Дирижёрлик” фани юксак малакали мутахассисларни тайёрлашда асосий касбий фан бўлиб, у ўқув режа, ўқув дастуридаги барча муסיқий-назарий фанлар мажмуи билан узвий боғлиқликда олиб борилади. Бўлажак дирижёр-педагогни тайёрлашнинг дастлабки босқичидан бошлаб, талабалар асосий фанлар қаторига кирувчи – фортепиано, муסיқа назарияси, сольфеджио, гармония, муסיқа асарлари таҳлили, муסיқа тарихи, педагогика ва психология фанларини ҳам ўзлаштиришга катта аҳамият беришлари лозим.

Талабалар тўрт йил давомида дирижёрлик маҳорати, мануал техника саводини эгаллашда зарур бўлган содда (1-курс давомида), мураккаб (2-курс) ва аралаш (3-курс) ўлчовлар тизими билан танишадилар. Бунинг учун рус ва чет эл дирижёрлик мактаби аъёналарига таяниб дирижёрлик ҳаракатлари орқали ифодалашни эгаллаш учун кўргазмали усул ҳамда асарлардан фойдаланиб, асарларни тўлақонли ўзлаштириш мотивацияларини кучайтириш учун асарларни видео ёзувлари, тасмаларини эшитиб таҳлил қиладилар,

Талаба ҳар семестрда бериладиган дастур материални самарали ва изчил ўзлаштириши учун оддийдан мураккабга йўналтирилган ҳолда услубий тавсиялар берилади. Тавсия этилган асарлар асосан содда, мураккаб ва аралаш ўлчовдаги ўзбек композиторлари ҳамда чет эл классиклари намуналаридан иборат бўлади. Талаба асарларни енгил ва чуқур ўзлаштириши учун ўқитувчи янги яратилган, таниш ва фан дастурига киритилган намуналарни танлайди.

Юқоридаги фанларни ўзлаштирмай туриб талабалар олдларидаги вазифа ва талабларни аниқ тасаввур эта олмайдилар ҳамда фаолиятларида қийинчиликларга дуч келадилар.

Дирижёрлик ўзи қандай касб? У қачон пайдо бўлган? – деган савол тугилади. Дирижёр французча Дирижер ва лотинча Дуриго сўзларидан олинган бўлиб – “бошқарувчи, йўлга солувчи”, муסיқий асар ижросида оркестр, куйловчиларнинг барчасига, яъни яккагон, хор, жўр бўлувчилар, ансамбль ва бошқаларга раҳбарлик қилувчи санъаткордир.

Дирижёрликнинг тарихий ривожланиш йўли бирмунча мураккаб бўлган. Дирижёрлик – энг ёш муסיқий ижрочилик турларидан бири саналиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидагина мустақил муסיқий жамоани бошқариш санъати даражасига кўтарилди. Унинг илдизлари узоқ ўтмишдан бизгача етиб келган қадимий тасвирларнинг

гувоҳлик беришича, Қадимги Миср ва Қадимги Греция давридаги дастлабки мусиқий жамоа бошқарувчиси қўл ҳамда бармоқ ҳаракатлари асосида метро-ритм (мусиқий ўлчов)ни, усул, куй йўналишини кўрсатиб беришини “хейрономия” деб номлаган[6].

XVI асрда эса дирижёр баттут (ёғоч) ёрдамида пултга уриб, мусиқий ўлчов ҳиссаларини кўрсатиш усулидан фойдаланган. Нота ёзувининг ўйлаб топиллиши, янги жанрлар – опера, ораторияларнинг пайдо бўлиши, дирижёрлик тарихида муҳим рол ўйнади. XVI-XVII асрларда ижрога раҳбарлик қилиш ва бошқариш мусиқачи – клавесинчига юклатилиб, у асосан қўл ҳаракати билан ижрони бошлаш, ўз чолғусида чалиб, мусиқа усули ва ритм (ўлчовини) бир маромда ушлашга кўмаклашган. Шундай дирижёрлик қилишнинг моҳир мутахассиси, Италия композитори, капелленинг раҳбари Клаудио Монтеверди (1566–1643) бўлган. Бир мунча кейинроқ, асосан Германияда ижрони бошқариш органчига топширилган, шулар қаторида И.С.Бах, Г.Ф.Гендел ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

XVII аср охири XVIII аср бошларига келиб опера амалиётига икки система (тизимли) дирижёрлик – клавесинчи ва скрипкачи – концертмейстер, сўнгра эса уч тимизли дирижёрлик – учинчи раҳбар, ижрочилар қаршида туриб, ижрони қўл ҳаракатлари ва қоғоз тутамини ёки темир (жезл) чўп ушлаган ҳолда бошқаришга ўтилди. XVIII асрга келиб жамоа ижросини бошқариш бир кишига топширилиши билан яқка мустақил дирижёрлик санъатининг вужудга келишига асос солинди. XIX аср охири ва XX аср бошларида концерт сахналарида, сўнгра опера театрларида биринчи дирижёрлар фаолият юрита бошладилар.

XIX асрнинг ўрталарида дирижёрлик санъатини буюк композиторлар Ф.Менделсон, Г.Берлиоз, Ф.Лист, Р.Вагнерлар бошқардилар. Биринчи дирижёр-композиторлар Г.Спонтини, К.М.Вебер ва Л.Шпор номлари дирижёрлик таёқчасини амалиётга киритишлари билан боғлиқ. Рус дирижёрлик санъатининг илк қадамлари XVI-XVII асрларда хор ижрочилиги билан бошланган. Хор жамоасига раҳбарликни ва бошлашни овоз билан кўрсатиш “головщик”(бошчи)лар амалга оширган. XVIII асрда шоҳ саройида биринчи опера труппалари(жамоалари) ташкил этилиб, унда чет эл композиторлари билан бир қаторда рус композиторлари ҳам фаолият юритдилар. Улар қаторида Э.Фомин, В.Пашкевич, С.Дегтяров ва бошқалар бор. Дирижёрлик санъати тарихида асосий ўрин Петербургдаги император театри капелмейстери К.А.Кафоси(1775-1840)га мансубдир. Биринчи рус классик операси, М.И.Глинканинг “Иван Сусанин” операсининг

сахнага қўйилиши унинг номи билан боғлиқ. XIX аср охири – XX аср бошларида буюк рус композиторлари М.Балакирев, П.И.Чайковский, Н.А.Римский-Корсаков, А.Глазунов, С.Танеев, А.Лядов, А.Аренский, С.Рахманинов, М.Ипполитов-Ивановлар ижод қилдилар.

Рус дирижёрлик санъатининг шаклланишига буюк дирижёр ва композитор Э.Ф.Направник (1839-1916) катта ҳисса қўшди, Петербургдаги Мариинск театри раҳбари сифатида дирижёрлар гуруҳини тарбиялашда унинг хизмати салмоқли бўлди. Москва Катта театрида ижод қилган моҳир ва тажрибали санъаткор И.К.Алтани (1846-1919) ва хормейстер У.И.Аврамека (1853-1937) дирижёрлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

30-40-йилларда мусиқали ҳаёт кенг қулоқ ёйди, симфоник оркестрлар қаторида кўплаб профессионал хор жамоалари ташкил топди. Уларни истеъдодли мусиқачи-хормейстерлар, дирижёрлик санъати арбоблари М.К.Климов, Г.А.Дмитриевский бошқардилар, Петербург хор (певческий) капелласи билан Н.М.Данилин, В.Г.Соколов, К.Б.Птица ва бошқаларнинг раҳбарлик фаолиятлари тахсинга лойиқ. Замонамиз дирижёрлари-хормейстерлар фаолиятлари жўшқин ва сермахсул, уларнинг қаторига А.Чернушенко, В. Минин, Б.Тевлина, В.Попов ва бошқаларни киритиш мумкин.

“Маълумки, ўзбек халқида хор бошқа халқларга ўхшаш касбий мусиқа тури бўлмаса-да, узоқ ўтмиш ва тарихимиз анъаналарида кўпчилик бўлиб куйлаш, ансамбль бўлиб бирга ижро этишлар расм бўлган” (Зардуштилилик динида хотлар, мадҳияларни кўпчилик бўлиб куйлаганлар) [2]. Ўзбек хор санъатига рус композиторлари ва рус дирижёрлик санъати мактаби катта таъсир кўрсатди. Композиторлар Р.М.Глиэр, С.Василенко, В.Успенский ва бошқаларнинг ижодий фаолиятлари айнан XX асрнинг 30-40-йилларига тўғри келади ва улар ўз йўналишларида муҳим из қолдирдилар. Ўзбекистоннинг биринчи дирижёрлари қаторига аввало Т.Содиқов, М.Ашрафий, Ф.Шамсутдинов, Б.Иноятов, Н.Қаюмов, Д.Абдурахмонова ва бошқаларни киритиш мумкин. Симфоник дирижёрлар билан бир қаторда истеъдодли ўзбек моҳир-хормейстерлар С.А.Валенков, А.Султонов, Р.Э.Хубларов, В.А.Калтман, Б.Умиджонов, А.Хамидов, Б.Лутфуллаев, Ж.Шукуров, С.Шодмонов, Д.Қурбонова, Л.Шамшина, Ф.Файзи, Қ.Мирзаев, Ш.Ёрматовлар профессионал хор жамоаларини ташкил этиш билан шуғулланиб келдилар. Айни вақтда уларнинг ишларини ёш мутахассис-хормейстерлар давом эттирмоқдалар.

Фарб мамлакатларида дирижёрни маэстро деб аташади.

Маэстро италянча сўз бўлиб – ўргатувчи, уста, устоз, бошқарувчи, раҳбар деган маъноларни англатади. Тўғри

шаклланган, билимдон, пухта дирижёргина мана шу даражага, яъни маэстро даражасига эришиши мумкин. Шунингдек, дирижёрнинг нотўғри шаклланиши эса, жамоа ижодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг иш жарёнини зерикарли бўлишига, ҳамда судралишига олиб келади. Дирижёр энг аввало яхши овоз соҳиби бўлиб, аъло эшитиш, муסיқий хотира, иқтидорли куйлай олиш, муסיқий усулларни яхши ҳис эта олиш қобилиятларига, овоз санъатига хос билимга, қолаверса, яхши кўриниш, тетик қадди-қоматга эга бўлиб, ижрочи ва тингловчи-томошабинларга ўзининг чиройли қўл ҳаракатлари билан эстетик завқ ҳам бахшида эта олиш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Дирижёрларга хос яна бир муҳим томон шундан иборатки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам ижрочи, ҳам ижрочи жамоанинг бошқарувчиси, педагог-раҳбар сифатида фаолият кўрсатади. Пульгга чиққан дирижёр, ташқи кўриниши ва ўзини туттиши билан ижрочи ва томошабинлар диққат-эътиборини ўзига жалб эта олиш хусусиятларига ҳам эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Дирижёр муסיқа асарини оммавий ижросига қадар ижрочи жамоа билан бўладиган барча машғулотларини олиб боради. Асосий ижро, яъни концерт пайтида эса асарни кўпчилик ёки якка ижрочиларини тўхташ ёхуд ижро этиш вақтларини кўрсатиб туради, ижрочи жамоани бирлаштиради, руҳлантиради ва шахсан асарни бадий ижроси учун маъсулдир. Дирижёр юз, кўз, қўл, бош, гавда ҳаракатлари ва имо-ишоралари билан асар мағзини очиб, ижрони бошқариб боради.

Дирижёр мураккаб фаолият турларини ҳам эгаллаган бўлиши лозим, жумладан дирижёрлик ифода ҳаракатидан фойдалана олиш, муסיқий асар ижросида санъаткор ижрочиларга – кўшиқчиларга суръат, нюанс (тусланиш), бошлаш, жумла (фразировка), ансамблга риоя этиш, соз (строй) ва пировард натижада ижрочилар орқали асар мазмуни ҳамда ғоясини етказа олиши лозим. Бу вазифаларни амалга оширишда бўлажак дирижёрдан эшитиш, ритм ҳисси, соф ва аниқ ижро, яхши овоз, вокал ижрочилик қобилияти, ички эшитиш ҳиссини ривожлантириш – тиниқ ва бир неча вокал партияларини ансамбль бўлиб ижросини уйғунликда эшита олиш (вертикал соз) ва ҳ.к талаб этилади. Яъни у табиий муסיқий қобилият эгаси бўлиб, ўз устида мунтазам шуғулланиши, дирижёрлик маҳоратини юқори даражада ўзлаштириши – бу билан дирижёрлик қилаётган асарларида қўл ифодалари орқали асар моҳиятини кўрсатиши, мазмунига ижодий ёндашиб фаолият юритиш малакаларини ошириши зарур.


“Дирижёрлик” фанининг 1-машғулотидан бошлаб талаба жисмоний қобилият ва умумий тайёргарлик ҳақида

тушунча, касбга йўналиш ва мутахассислиги вазифаси, мақсади, дастур талаблари ва кўплаб бошқалар ҳақида маълумотларга эга бўлиб, “дирижёрлик ҳаракати, ифодалаш” билан боғлиқ масалаларни ўзлаштиради. “Дирижёрлик” ва “дирижёрлик ҳаракати” (жест) бу аввало ауфтакт (яъни, тактдан аввалги қўл ҳаракат) ларни ўзлаштириш, дирижёрлик схема (чизгиларини), ўлчовлар тизимини англаб олишдир. Дирижёр қўл ҳаракатларининг вазифаси тактдаги ҳиссалар сони, яъни ёзилган асарнинг ўлчовини белгилаш ва кўрсатишдан иборат. Дирижёрлик чизмаси бўйлаб ўнг қўлнинг ҳаракати пастга, чапга (танага), ўнгга (танадан), юқорига сингари тўрт асосий йўналишни ўз ичига олади. Бу ҳаракатлар муסיқанинг муҳим белгисини акс эттириб, кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг кетма-кетлигини кўрсатади. Биринчи – тактнинг энг кучли ҳиссаси қўлнинг пастга қараб ҳаракатланиши билан ифодаланса, сўнгги – энг кучсиз ҳиссаси қўлнинг юқорига ҳаракатланишида кўринади. Оралиқ ҳиссалар эса ўзининг ўлчовига қараб такт узунлиги бўйлаб тақсимланади.

Ўлчовларнинг кучли ҳиссалари сонига қараб оддий ва мураккабга бўлинади:

- оддий ўлчов (икки ва уч ҳиссали) бир кучли ҳиссадан ташкил топади;
- мураккаб ўлчов, икки (ва ундан ортиқ) оддий ўлчовлар қўшилишидан (йиғиндисидан) ташкил топиб, унда икки ( ва ундан ортиқ) кучли ҳисса, аниқроғи бир кучли ва нисбатан кучли ҳиссаларни ўз ичига олади.

Дирижёр ижрочиларни дирижёрлик аппарати



Дирижёрлик ўлчовлари

орқали бошқаради. Талабанинг дирижёрлик аппарати постановкаси (қўйилиш) ўта муҳим вазифадир.

**Дирижёрлик аппарати**га қўл, бош(юзи, кўзи), гав-




да (қўкрак қафаси ва тана) ва оёқ қисмлари киради. Дирижёрлик аппаратни ўрнатиш ва уни шакллантиришдан бошланади. Дирижёрнинг эркин тарздаги фаолияти, енгил



Ўзбекистонда таниқли хор дирижёрларидан бири профессор Жўра Шукуров

иш олиб бориши аппаратни тўғри шаклланишига боғлиқдир.

Профессор Gordon Lamb “Choral techniques” номли китобида дирижёрлик таёқча билан ишлашнинг афзаллик томонлари ҳақида сўз юритади: “Қўшиқчининг туриш ҳолати қанчалик муҳим бўлса, дирижёрнинг туриш (аппарати) ҳолати ҳам жуда муҳим, лекин бирмунча эркиндир. Бу ҳолат муқим ҳолат бўлиши мумкин эмас. Хонандадек дирижёрнинг дирижёрлик ҳаракатлари ҳам эркин ва шу билан бирга бўшашган бўлиши мумкин эмас, аксинча дирижёр сергак туриб, ҳаракатлари аниқ ва фаол бўлиши керак. Хонанданинг овози эркин, қўйилиб чиқиши қанчалик муҳим бўлса, дирижёрнинг ҳаракатлари ҳам ўта қаттиқ бўлмай, мушаклари бўш, гавдаси эса ишга тайёр бўлиши лозим. Ҳар бир дирижёр доимо амалиётда қўлламас ва таёқча билан дирижёрлик қилишни ўрганиши керак. Хор дирижёрлари кўп ҳолатларда “12”х “14” ҳажмидаги




Дирижёр қўлларининг ҳолати

таёқчани хор фестиваллари, катта хор ва оркестр билан ишлаганда қўллашлари мақсадга мувофиқдир. Оркестр дирижёрларидан фарқли ўлароқ, хор дирижёрлари таёқчани негадир иш жараёнида жуда кам қўллайдилар. Нима сабабдандир хор дирижёрлари таёқчадан фойдаланишлари мумкин эмас? Жўрли ёки жўрсиз репертуар ижросида, таёқчадан фойдаланиш дирижёрга катта қулайлик ва имкониятлар беради. Таёқча билан қўллар ортиқча, керак бўлмаган ҳаракатлар қилмайди. Таёқча ёрдамида дирижёрлик техникаси сезиларли даражада яхшиланади[3].

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатида устоз санъаткорлардан бири ёки хонанданинг ўзи, доирачи, кайроқчи ( фольклор ансамблларида), қарсақ чалиб ёхуд оёқ билан ер териб, ликобчани ангишвона билан шақиллатиб, бармоқларни қарсиллатиб, қошиқларни бир-бирига урган тарзда усулни ушлаб туриб куйлашлар ҳам бизга тарихдан маълум.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, юртимизнинг профессионал ашула ва рақс ансамблларида асосан чангчилар етакчилик қилган. Булардан фарқли ўлароқ дирижёрнинг чолғуси – бутун бир ижрочи жамоадир ва ижро сифати учун фақат у жавобгардир. Дирижёр ишораларида диққат, сурат, мувофиқлаштириш, эгилувчанлик ва қулоч ёзиш каби асосий хусусиятлар мавжуд. Дирижёр бошқарувчи бўлишидан ташқари, талқин этувчи ҳамдир. Бирон-бир асарни яқка тарзда талқин эта олиш, ижрочиларни бирлаштириб жамоага айлантира олишга эришишлар дирижёрдан мустақкам ирода, ғайрат ва шижоат, матонат ва маҳорат, ҳамда ижодий тафаккур талаб этади.



**Ирода (дирижёрликда)** – бу руҳий қобилият, онгли равишда мақсад сари йўналтирилган ҳаракат ва ҳолат, ахлоқ ифодасидир. Ҳар бир бўлажак муסיқачи-талабада ирода бўлиши лозим. Хусусан дирижёр асарнинг бадиий ғоясини юзага чиқариши учун зарур бўлган хор жамоасига сингдирадиган таъсир кучида ўз аксини топади. Ирода дирижёрнинг муҳим хусусияти бўлиб, муסיқий асарни яхши билиш ва уни ижрода яхлит гавдалантириш йўллари тўлалигича англашида, ўз талқинига ишончни тарбиялашда акс этади.

**Хор дирижёрининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:**

- куйлаш жараёнини бир қадар бошқариш (нафас миқдори – нафас олиш чуқурлиги, уни атака олдидан тутиб туриш, атака хусусияти, товушнинг ярим ёпиқлик даражаси, унинг таянчиқлиги);
- созни асосан ауфтакт (огоҳлантирувчи имо-ишоралар) ёрдамида бошқариш;
- матн талаффузи(унинг аниқлиги, анланганлиги, ундош товушларни якунланишида аниқ узилиши)га таъсир.
- Дирижёр нозик эшитиш қобилияти, бенуқсон ритм, муסיқий хотира, шаклни ҳис қилиш қобилияти ва дидга эга бўлган талқинчи –муסיқачидир. Дирижёрлик касбини эгаллашда талабадан:
  - жуда катта сабот билан меҳнат қилиш ҳаракатлари;
  - асарларни фортепианода чалиб овозларни мелодик ва гармоник куйлаш малакаларини мукамал эгаллашга интилиши;
  - жамоа билан биргаликда куйлаш ва улар билан ишлаши;
  - саҳнада ўзини тута билиб, жамоага раҳбарлик қилиш қобилиятларини ўзлаштириши талаб қилинади.

**Гавданинг қўйилиши** – талабанинг биринчи галдаги вазифаси дирижёрликни ўрганишнинг бошланғич давридаёқ гавданинг қисилиб (кучаниб) туришини олдини олиш ва гавдани эркинлаштиришдир. Бироқ бу гавдани бўшаштириш дегани эмас, балки ташқи кўриниш жиҳатидан гавданинг ифодалилиги, мулойим ва нафис ҳаракатланиши ҳамда латофатли бўлишидир. Бунинг учун дирижёрнинг гавда(тана)си хотиржам, ишончли ва эркин ҳолда, қулай тарзда жойлашиб, тана эркин ва эгилувчан бўлиш билан бир қаторда тетик ва босиқ ҳам бўлиши шарт. Тананинг букчайиб, мункиллаб туриши дирижёрнинг ҳаракатчанлиги ва иродасига путур етказида. Бундай ҳолат ижрочиларни ҳам, томошабинларни ҳам зериктириб, совутиши муқаррар. Шунинг учун талаба аввало ўз гавдасини тўғри ва текис ушлаб туришига алоҳида эътибор бериши керак. Дирижёр қўлнинг елка

олди, тирсақдан юқори қисмини эркин тута олиши лозим. Шундагина билак ҳам ўз навбатида енгил, юмшоқ ва эгилувчан бўлади. Акс ҳолда елка мушаклари таранглашиб дирижёрнинг қўл ҳаракатини оғирлаштиради.

Гавданинг қўйилишида оёқлар ҳолати ҳам муҳимдир. Дирижёр ўз гавдасини эркин тутиб, енгил ва табиий ҳаракат қилиши, бунинг учун эса албатта кўкрак қафасини кенг, елкаларини текис ва табиий ҳолда, мушакларни эса эркин тута билиши шарт. Шундагина дирижёр ишонч билан дадил ишлай олиш шарафига муяссар бўлиши мумкин. Дирижёр қиёфасини ижрочи ва томошабинга ёқимли ва кўркем этиб кўрсатувчи омил бу ғайрату шижоатидир ва шу билан бирга ундаги қатъиятлик ва ташаббускорлик қирралари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Дирижёр ўз режасини амалга ошира олиши учун жамоа онгига ўз фикрини сингдира олиши, бунинг учун эса жамоани ишонтира олиши ва уларнинг ишончини оқлай олиши зарур. Буларга эришишга эса дирижёр учун топқирлик, дадиллик, сабот ва матонат ҳам зарур. У турли шароитларга тайёр туриши, ноқулай вазиятларга тушганда эса муаммолар ечимини эпчиллик билан топа олишга қодир бўлиши керак.



**Оёқларнинг ҳолати** – дирижёрнинг оёқлари эгилувчанликка хос, мустаҳкам ўрнашиб олиши, яъни бир оёқни бўшаштириб, бошқа бир оёққа таянган ҳолда эмас, балки иккала оёққа ҳам бараварига таянади. Бунинг учун дирижёрнинг оёқлари оралиғи 15-20 см. масофада бўлиб, чап ёхуд ўнг оёғи нисбатан олдинроқда жойлашган бўлиши керак, чунки дирижёр асар давомида гоҳо чапга, гоҳо эса ўнг томонларга бурилиши, асар билан боғлиқ бўлган зарурат туфайли сал олдинроққа интилиши ёки бироз орқароққа тисарилиш ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин.

Мувозанатни ушлаб тура олиш учун дирижёрни бутун танаси иккала оёқда ҳам баровар мустаҳкам ўрнашиб олиши шарт. Акс ҳолда унинг оёқлари нотурғунликка дучор бўлади ва мувозанатни сақлай олмайди. Дирижёрлик пайтида – иккиламчи дирижёрликлар (ишоралари)га, яъни қўл зарбли биринчи ҳиссага тушаётганда оёқларнинг букилиши содир бўлишига, оёқ билан ер депсиниб ижрони бошқаришига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Бу ҳақда профессор Gordon Lamb “Choral techniques” китобида дирижёр гавдасини туттиши ва позиция бўйича қуйидаги кўрсатмаларни тавсия этади: “Оёқлар елка кенглигида бўлиши керак. Тиззалар мослашувчан бўлиб, вазн иккала оёққа бир хил тақсимланади. Дирижёр хор томонга бироз эгилиб туриши керак (тананинг тепа қисми юқорига интилиши лозим). Бош бироз елкалар олдида бўлади, лекин букчайган ҳолда эмас. Бу хорни бошқариш учун жуда ноқулай ҳисобланади”[10].

1-курсда “Дирижёрлик” фанининг 1–машғулотида бошлаб талаба жисмоний қобилият ва умумий тайёргарлик ҳақида тушунча, касбга йўналтирилиш ва мутахассисликни эгаллашдаги мақсад ва вазифалари, дастур талаблари ва кўплаб бошқа ўзлаштириши керак бўлган ўқув ва кўникмалар, вазифалар ҳақида маълумотларга эга бўлади.

“Дирижёрлик” фани юқори малакали мутахассис педагогларни тайёрлашда асосий касбий фанлардан дедик ва у барча мусиқий-назарий фанлар мажмуи билан

узвий боғлиқда олиб борилгандагина самарали натижага эришилади. Бўлажак дирижёр-педагоглар дастлабки босқичдан бошлаб:

- фортепианода турли асарлар (а`капелла ва жўрли асарлар партитураси) ни эркин ва ёддан чалишлари;
- асарларни мусиқий-назарий (тоналлиги, темпоритми, агогик ўзгаришлар ва б.) ва вокал-хор (овозлар диапазони, тесситураси, нюанслар) хусусиятларини таҳлил этишлари;
- овозларни мелодик ва гармоник қуйлашлари;
- асарларнинг яратилган даври, стили (йўналиши), ёзувини билишлари;
- муаллифлар ҳаёти ва ижодини билиш ва таҳлил қилишлари;
- жамоага асар ўргатиш жараёнида хонандалар билан мулоқот қилиш маданиятини;
- репертуар орқали жамоанинг эстетик дидлари, қобилиятлари, интилишларини тарбиялашни;
- ватанпарварлик, она юртга садоқат, табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш вазифасини ҳам ўзлаштиришлари керак.

Шу сабабдан ҳам юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб талабаларга “Дирижёрлик” фанининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳозирги замон талаблари асосида ўргатиб, пухта ва мукамал билим бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусика в санъат мактабларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури тўғрисида”ги қарори . Халқ сўзи. 2008.-8 июль.
2. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув”идаги маърузаси. Маърифат, 2017. 5 август.
5. Абдурауф Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. –Тошкент: 1993й.
6. Багирова Ф.Т. Дирижёрлик, 2010.
7. Матёкубов И., Хор ижрочилиги-қадимий ёхуд замонавий? ЎзДСМИ хабарлар 1-сон, илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журнали. –Тошкент: 2017 –64-68 б.
8. Педагогикадан атамалар луғати. –Тошкент: Фан, 2008. –1966.
9. Фаробий. Қуй ва қўшиқ сеҳри. Методик-библиографик қўлланма, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. –46.
10. Choral techniques By: Gordon Lamb Online: <<http://cnx.org/content/col11191/1.1/>> Connexions Rice University, – Houston: Texas, 2010.
11. Шамахмудова Б.В. Хор луғати. –Тошкент: 2009.
12. Шукуров Ж. Дирижёрлик, ўқув қўлланма, –Тошкент: 2009.
13. XXI аср мусика таълими: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2-жилд, –Тошкент: 2014.



# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

*Аннотация.* Мақолада ўзбек миллий мусиқа санъатининг вужудга келиши жараёнлари, ривожлантириши босқичлари ҳамда мусиқанинг ёшлар маънавияти ва тафаккурига таъсири ҳақида фикр юритилади.

*Калит сўзлар:* мақом, соз, ансамбль, дуэт, фольклор, наво, оркестр, кўшиқ.

*Аннотация.* В статье освещаются особенности процесса развития национального музыкального искусства, этапы его эволюции и воздействие на сознание и духовность молодого поколения.

*Ключевые слова:* маком, ансамбль, дуэт, фольклор, мелодия, оркестр, песня.

*Annotation.* The article highlights the features of the development of national musical art, the stages of its evolution and the impact on the consciousness and spirituality of the younger generation.

*Key words:* poppy, ensemble, duet, folklore, melody, orchestra, song.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва ранго-ранг, айни пайтда янги замон аъналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда аввало беназир халқ мусиқаси, мумтоз мусиқий мерос, миллий бастакорлик ҳозирги замон бастакорлиги, шунингдек халқ ҳаваскорлиги ҳамда жўшқин оммабоп эстрада ижодиёти каби шаклан ва услубан ниҳоятда сержило жабҳалар намоён бўлади. Истиқлол шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган диққат-этибор, унутилаёзган аъналаримизни тарихан қисқа муддат ичида қайта тикланиши, муттасил тараққий эттириш мақсадидаги янгиланиш, ислоҳ этиш жараёнларида устуворлик касб этди. Шунингдек кўшни ва узоқ хорижий мамлакатлар билан маданий-мусиқий алоқаларни ўзаро бойитиш йўлида ривожлантириш саъй-ҳаракатлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Собиқ шўро даври мафкураси исканжасида бўлган ўзбек мусиқа меросининг Шарқ халқлари аъналари билан тарихий алоқалари янги босқичга кўтарилди ва ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйила бошланди. Айнан шу маданий алоқалар, мусиқанинг илоҳий таъсир кучи ва ўзбек халқининг бой мусиқа меросининг аҳамияти ва мавқеини, унинг Шарқ мусиқаси билан муштараклигини назарда тутган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни

руҳан юксалтириб келмоқда», деган сўзлари юқоридаги фикрлар исботидир [1.Б.140].

Ўзбек халқининг турмуш тарзи кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Эндиликда, бугунги кун кишиси яхши ҳаёт кечириш, мулоқотнинг гўзал намуналарини намоён этиш, энг муҳими, воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига мос йўлидан бормоқда. Бу айни пайтда, мусиқий маданият ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мусиқа жамият маънавий тараққиётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиш хусусиятига эга. Бунга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: «Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади... Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда», деган фикрни билдирган эдилар [1.Б.140-141].

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадий инъикосини топган. Уламоларимиз берган таърифлардан бирига кўра, мусиқа – инсон руҳининг озиғидир. Бинобарин, миллий мусиқа кўп асрлар давомида аждодларимиз бой маънавиятининг, теран тафаккурининг, баркамол руҳиятининг садолардаги

жонли ифодаси ва, айна пайтда, янги, буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғидир.

Мустақиллик йиллари ўзбек анъанавий мусиқасига эътибор янада кучайди. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг тикланиши мусиқа соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Қадимий миллий мусиқамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, янги жанр ва турларини ўзлаштириш натижасида ўзбек мусиқа санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Шу боисдан республика миқёсида кўплаб кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда.

Турфа маҳаллий анъаналар ва хилма-хил кўринишларни ўз ичига олган ўзбек мусиқа мероси шу кунга қадар икки асосий қатламда етиб келган бўлиб, бири «халқ мусиқаси» ёки «музикий фольклор», яна бири эса «мумтоз-касбий» ёки «устозона» мусиқа деб юритилади. Уларнинг ҳар қайсиси кўп ва ҳўп бадиий баркамол айтим ҳамда чолғу намуналаридан иборат. Айна вақтда қадимий ва бой музикий меросимиз янги даврларда қарор топган бастакорлик анъаналарини ҳам ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда аввало беназир музикий фольклорнинг сержило ва ранг-баранг турлари намоён бўлади.

Республикамизнинг истиқлолга эришиши муносабати билан азалий халқчил қадриятлари тикланди, шу жумладан бадиий-музикий меросимизни атрофлича ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун етарлича имкониятлар вужудга келди. Эндиликда эски мафкура тобелиги остида эътиборсизлик оқибатида анчайин сусайиб қолган, айрим ҳолларда эса унутилаёзган ўзига хос миллий музикий қадриятларимиз қаддини ростламоқда. Турфа маҳаллий анъаналар, бадиий баркамол айтим ҳамда чолғу куйларидан иборат халқ мусиқа ижодиёти дурдоналари нуфузли халқ тантаналари ва муҳим саналарга бағишланган байрамларда тараннум этилмоқда.

Миллий ва маънавий меросимиз асрлар мобайнида халқимизнинг бебаҳо хазинаси сифатида кўнглимизни нурафшон этади, бизни ҳаётнинг ғам-андухларидан йироқ этиб, гўзал ва ёқимли хатти-ҳаракатларга чорлайди.

Мумтоз куйлар, миллий музикий дурдоналар инсонни руҳий камолотга, гўзал туйғуларни қалбан ҳис этишга, маънавий баркамол бўлишга ўргатади.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш учун уларда эстетик тарбияни юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа дурдоналаридан баҳраманд этиш мақсадида Давлатимиз томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Мусиқанинг тарбиявийлик хусусиятига одатда икки хил ёндашилади. Биринчидан, мусиқа ҳаракатлантирувчи ва покловчи маънавий ҳодиса. Иккинчидан, мусиқа – кўнгилочар ва эрмакка асосланган манфаатдорлик манбаи. Ҳар иккала ёндашувда ҳам мусиқанинг тарбия жараёнларидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга. Чунки масалага рационал ёндашадиган бўлсак, ҳар қандай мусиқа маънавий ҳодисага айланмагани каби барча мусиқалар ҳам оддийгина манфаатдорлик манбаи бўлавермайди. Чинакам мусиқа маданият ва маънавият мулки сифатида тарбия жараёнларига янада яқинлашади. Мусиқанинг тарбиявийлик хусусияти уни тинглаш, ҳис

**Ҳозирги давр ультра мусиқасининг айрим турлари (“бит”, “рок”, “реп”, “поп”) ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай бемаъни ва беҳаё мусиқаларнинг баъзи «намуналари» бизга ҳам етиб келган. Фарб мусиқасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаётганлиги бор гапдир.**

этиш, муносабат билдириш каби эстетик маданият тизими орқали изоҳланади.

Бугунги кун мусиқаси дунёдаги содир бўлаётган ҳамма жараёнларнинг акси, инсоннинг ва инсониятнинг турли ташқи таъсирлардан, баъзан ўз-ўзидан маънавий, руҳий, ижтимоий ва жисмоний тарафлардан озод бўлишда ягона йўли ҳамда инсон маданиятининг тадрижий ривожини берувчи имкониятидир. Янги мусиқа янги санъат каби маълум бир вақтда пайдо бўлмаган, у аввалгиларнинг давоми. Лекин баъзи бир ҳолларда айрим эстрада мусиқа намуналари ёшларнинг ахлоқий оламига зўрлик билан таъсир кўрсатишга уринмоқда. Улар асосан Фарб мусиқаси намуналари ёки уларга тақлиддир. Ҳозирги давр ультра мусиқасининг айрим турлари (“бит”, “рок”, “реп”, “поп”) ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай бемаъни ва беҳаё мусиқаларнинг баъзи «намуналари» бизга ҳам етиб келган. Фарб мусиқасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул

қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаётганлиги бор гапдир. Фарб муסיқий жанрларининг ёшлар тарбияси, яшаш тарзига мос келаётганини инкор эта олмаймиз. Уларнинг таъби, диди шуни талаб қилапти. Лекин жазавага тортувчи, бир хил сўзларни кўп такрорлайверадиган, бир хил ритмга асосланган муסיқани кўп тинглайдиган ёшлар, шубҳасиз миллийликдан йироқлашади. Уларнинг онгу шуурига шовқин-суронли муסיқа шу даражада ўрнашади-ки, натижада юриш-туриши ҳам ўзгара бошлайди. Шу боисдан ёшларда тўғри эстетик дидни, инсоннинг маънавий дунёсини бойитувчи ҳақиқий гўзал муסיқага муҳаббатни тарбиялаш, янги

**Буюк файласуфлардан бири Платон муסיқанинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида тўхталиб, “Яхши муסיқа бутун дунёни жонлантиради, қалбни қанот билан таъминлайди, тасаввурот ва янги ғоялар туғилишига ёрдам беради”, – деган эди. Ҳаётбахш куй-қўшиқ эшитган, гўзал ва ёқимли оҳанг тинглаган кекса-ю ёш руҳиятида мамнунлик акс этади, қалбида эзгу туйғулар шаклланади.**

инсон – мустақил давлат қурувчисини камол топтириш учун кураш жамиятимизнинг муҳим вазифасидир. Чунки кишилар онги ва маънавий оламига муסיқа санъатининг таъсир кучи ниҳоятда каттадир.

Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор муסיқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Хўш, миллий муסיқанинг тарбиявий таъсир кучини, аҳамиятини ошириш учун қандай иш кўриш керак, деган савол кўндаланг бўлади. Унга Ўзбекистон халқ ҳофизини Ҳасан Ражабий куйидагича жавоб беради: “Миллий қадриятларимизни, тилимизни, муסיқий асарларни боланинг энг кичик ёшидан қулоғига сингдириб борилса, у мактаб ёшига етган пайтда ўз онгини анча бойитган ҳисобланади. Боғча ёшидаги болаларга овқатланиш, ўйнаш маҳалида дам-бадам қулоққа малол келмайдиган

тарзда миллий муסיқий оҳанглар эшиттирилиб борилиши керак. Ҳатто эски ўзбек адабий тили, яъни мумтоз шоирларимиз ишлатган сўзлардан бир қанчасини ўрганиб олиш йўллари ҳам бор. Болаларда нарса-ҳодисани ўзига тез қабул қилувчи ақл-идрок аста-секин ривожланиб боради. Биз нима учун А.Навоийни тушунмаймиз, чунки шоир ижодига мурожатни 11-12 ёшларда бошлаймиз. Агар болага 2-3, 4-5 ёшидан бошлаб мумтоз муסיқамизни сингдириб борсак, у ёши улғайган лаҳзада мақомни, лирик қўшиқларни энсаси қотиб қабул қилмас эди. Шу алфозда мактабни битириб олгунча онги, тафаккури ривожланиб боради. Мактаб ёшидаги болаларга муסיқани тинглаш соатларини жорий қилиш лозим. Тинглаш маданияти, ҳис қилиш малакаси шаклланган бола ҳеч қачон ўз миллий муסיқасини четга суриб қўйиб, ажнабийлар санъатига меҳр қўймайди. Бу анъана мактабдан коллеж ва лицейларга, олий ўқув юртиларига ўтса дейман” [З.Б.177].

Муסיқа санъати бошқа санъат турлари каби ўзида ҳаётни акс эттиради. Ёшларга муסיқа сирларини, мазмун-моҳиятини теран ўргатиб бориш уларнинг етук санъат дарғалари бўлиб ҳар томонлама уйғун камол топишларида беқиёс аҳамият касб этади. Куй-қўшиққа меҳр-муҳаббат болалиқдан бошланиши лозим. Муסיқа ва санъатнинг ҳаётбахш таъсири ёшлар ҳаётида ўзгача ўрин тутди. Бола дарсдан бўш вақтида ўзи хоҳлаган муסיқа тури билан шуғулланиши натижасида келгуси касби учун замин тайёрлайди, қалбида одамийлик, эзгулик каби олижаноб фазилатлар бўй кўрсатади. Муסיқани нафақат махсус ўқув масканлари, муסיқа мактаблари ва тўгарак машғулотларида, балки оилада ҳам ўрганиш учун яхши муҳит яратиш лозим. Буюк файласуфлардан бири Платон муסיқанинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида тўхталиб, “Яхши муסיқа бутун дунёни жонлантиради, қалбни қанот билан таъминлайди, тасаввурот ва янги ғоялар туғилишига ёрдам беради”, – деган эди. Ҳаётбахш куй-қўшиқ эшитган, гўзал ва ёқимли оҳанг тинглаган кекса-ю ёш руҳиятида мамнунлик акс этади, қалбида эзгу туйғулар шаклланади.

Ахлоқ, одоб тарбиясида ўтиб кетган имкониятларни қайта, кўнгилдагидек тиклаб бўлмайди. Яхши тарбия кўрган болаларгина билим олишга ихлоси бўлади, жамиятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топа олади. Жамиятимиз учун билимли, фан асосларини чуқур эгаллашга виждонан интиладиган ёшлар керак. Бундай фазилатлар етук ахлоқ ва одоб заминидагина шаклланиши мумкин. Ўқувчи ёшларда бурч, ватан ва миллат олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, қонунларга риоя этиш сингари фазилатларни ҳам шакллантириш керак. Ёшларнинг шахс сифатида камол топишига салбий таъсир этадиган муҳитни бартараф этиш ҳам тарбиявий ишлар тизимига киради. Ёшларни тарбиялаш

– бутун жамоатчилик манфаатдор бўлган умумдавлат ишидир. Тарбия, таълим ишлари давлат томонидан бажарилиши ҳам истиқбол эҳтиёжлари билан тақозо этган объектив заруратдир. Болалик чоғидан фарздаларимизга тўғри мусиқий таълим бериш ва ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялаш учун республика бўйича кўп сонли мусиқа мактаблари, этнографик жамоалар, хор тўгараклари ташкил қилинган. Улардан бири нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни давлатларда ва узоқ хорижда ҳам машҳур бўлган “Булбулча” болалар мусиқий дастасидир. Кейинги йилларда Республикада ёш истеъодларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган кўплаб кўрик танловлар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, кўргазмалар ва фестиваллар бўлиб ўтди. Жумладан, “Санъат ғунчалари”, “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Янги авлод”, “Ниҳол” каби кўрик-танловларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим олувчи ўқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, 1995 йил Ўзбекистонда бундай мактаблар сони 309 та, ўқувчилар сони 68,8 минг бўлса, 2001 йил мактаблар сони 311 та, ўқувчилар сони эса 70,0 мингга етди [5.Б.116]. Шунингдек, 5 та ўрта махсус мусиқа мактаби ва лицейлари, 14 та мусиқа коллежлари ва Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолият олиб бориб, уларда 6398 нафар педагог кадр ёшларга мусиқа санъатидан сабоқ берди [6.Б.571].

Мусиқа таълим тизимини замон талабларига мослаштиришга давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш” бўйича қарорларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Соҳа ривожини учун қабул қилинган қарорларда ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларни миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, болалар мусиқа ва санъати мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш борасида қатъий чора-тадбирлар белгиланганлиги билан эътиборли бўлди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиз: “Мустақиллик йилларида, улуг боболаримизнинг ана

шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимиз мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда” [1.Б.140].

Глобаллашув даврининг меваси бўлган электрон мусиқа асбоблари миллий мусиқий маданиятимизга ҳам сингиб бормоқда. Афғон рубоби, синтезаторлар, пианино ва аккордионлар, микрофонлар мусиқий маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Бундай мусиқий асбоблардаги интеграцион жараёнлар, айниқса, эстрада жанрида кенг тарқалган. Ўзбек эстрадасида қатор гуруҳлар пайдо бўлдики, масалан, Муҳриддин Холиқов, Нуриддин Ҳайдаров, Маҳмуд Намозовлар «Ялла»дан кейинги ўзбек халқ мусиқий маданиятини замонавий тамойиллар билан бойитдилар. Натижада, айниқса, мустақиллик йиллари мусиқий маданиятимизда янги, замонавий эстетик қадриятлар таркиб топди.

Биобарин, ҳозирги замонда мусиқа мактабларида, ҳаваскорлик тўгаракларида, маданий-маърифий муассасаларида таълим-тарбия ва профессионал маҳорат масалаларини тўғри ҳал қилишда жаҳон андозаларини ҳам эътиборга олиш талаб қилинмоқда.

Жамиятдаги ўзгаришларнинг тезкор суръати ахборотларнинг улкан оқимини келтириб чиқарадики, бу нарса ўқув тизимида янги технологияларни қўллашни тақозо этади. Шунинг учун компьютер инсон фаолиятининг турли соҳаларида, жумладан, мусиқа-бадиий соҳада ҳам кенг қўлланилмоқда. Таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланиш мавжуд тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, эскирган схемаларидан воз кечиш, баъзи услубий қарашларни ўзгартиришга олиб боради.

Мусиқий дастурнинг тузилиши мезонлари (принциплар), асосан, қуйидаги шаклда бўлиши керак: а) электрон техника, компьютер ўқитувчи ўрнини боса олмайди, чунки ўқув материалнинг асосий қисмини талаба компьютерсиз, бевосита ўқитувчи раҳбарлиги остида ўрганadi; б) ўқув жараёнида компьютернинг қўлланиши конкрет-амалий (ашула, нота дафтари билан ишлаш) ва абстракт-назарий фаолиятнинг алоқасини амалга ошириш имконини яратади; в) компьютер дастурлари барча ўқув материални такрорлаши шарт эмас. Балки ўрганилаётган мавзунинг мантиқий-маънавий туташ томонлари компьютер имкониятлар даражасида ўрганилиши керак [2.Б.81].

Бир нарса аёнки, машина ёрдамидаги таълим ҳеч

қачон фортепиано, чанг ёки дуторда ишлаш ўрнини боса олмайди. Бироқ шу билан бирга, ёшларнинг мантикий фикрлаш қобилиятини оширади ва таъсир этишнинг ифодали воситалари (расм, ранг, овоз, графика, ҳаракат, композиция) билан узвий боғланиб кетади.

Ўзбекистон муסיқа санъати республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган туб ислохотлар билан боғлиқ ҳолда раванқ топмоқда. Албатта, бунинг учун даврнинг ўзига хос қийинчиликларини енгиб ўтиш, айна пайтда халқимизнинг кўп асрлик миллий муסיқий мероси дурдоналарига теран боғланиш лозим бўлади. Зотан, муסיқий мерос намуналарининг маънавий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, ёш авлод тарбияси, қолаверса, бутун халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнида ҳам аҳамияти беқиёсдир.

Миллий мафкураимизнинг энг муҳим нуқталаридан бирини ташкил этаётган муסיқий мерос намуналарини

тарғиб-ташвиқ этиш ишларига эътибор бериш, улар асосида тузилган янги ўқув дастурларини таълим тизимида жорий этишни таъминлаш зарур.

Хуллас, мустақиллик йилларида таълим тизимида чуқур ислохотлар амалга ошириш, махсус муסיқа мактаблар фаолиятига жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Миллий муסיқа санъатимизни тўлалигича ёш авлод онгига етказиш, муסיқий таълим тизимини такомиллашириш, ўқувчи ёшлар маданий савиясини юксалтириш, улар орасидан истеъдодли ёшларни танлаб олиш, ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан, ёшларнинг турли халқаро танловларда иштирокини таъминлаш вазифалари бугунги куннинг долзарб масалалари қаторидан жой олди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -140 б
2. Аскар Фериуза. Муסיқа ва инсон маънавияти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий Энциклопедияси, 2000. -81 б
3. Аҳмедова З. Миллий муסיқа маданияти ва унинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги роли. Автореф. дис. ... фалс. фан номз. –Тошкент: ЎзМУ. 2005. -177 б
4. Иномова М. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. –Тошкент: Фан, 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2004. –Тошкент: 2005. -116 б.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. –Тошкент: 2006. -571 б



# НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ФОРТЕПИАННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** Данная статья посвящена проблеме формирования и развития фортепианного образования в Узбекистане. В ней рассматриваются вопросы фортепианной педагогики, исполнительского творчества, поэтапное образование по специальности фортепиано, а также состояние узбекской фортепианной исполнительской школы на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** фортепиано, образование, педагогика, консерватория, конкурс, лауреат, фортепианное исполнительство.

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўзбекистонда фортепиано таълимини шаклланиши ва ривожланиши муаммосига бағишланган. Унда фортепиано педагогикаси, ижрочилик ижодиёти, махсус фортепиано мутахассислиги бўйича таълими, шунингдек ўзбек фортепиано ижрочилик мактабининг бугунги кундаги ҳолати каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** фортепиано, таълим, педагогика, консерватория, танлов, луреат, фортепиано ижрочилиги.

**Annotation.** This article is devoted to the problem of the formation and development of piano education in Uzbekistan. There are questions on piano pedagogy, performing creation and the state of Uzbek piano performing school nowadays.

**Key words:** piano, education, pedagogy, conservatory, competition, laureate, piano performing.

Узбекистан является признанным в регионе центром музыкального искусства Средней Азии, многонациональной республикой, интересной, вместе с тем богатой своею национальной культурой, неотъемлемую часть которой составляет своеобразное по своей природе композиторское творчество и фортепианное искусство, достигшие на рубеже XX-XXI веков значительных художественных результатов. «Возникновение собственной композиторской школы и новых форм исполнительства – одно из важнейших достижений нашего недавнего прошлого и специфический знак XX века в общем контексте истории узбекской музыки» [8.С.225].

Исторически сложившаяся в Узбекистане система фортепианного образования постоянно развивается и обновляется в соответствии с требованиями и запросами времени. «Система музыкального образования, – отмечают Л.Красуцкая и А.Хакимова, – следует за распространенными в обществе формами музыкальной деятельности, обеспечивая кадрами их функционирование. Она должна чутко реагировать и влиять на тенденции развития общества, ориентировать на те или иные художественные ценности, и тем проектировать будущую творческую деятельность, отвечающую требованиям нашей государственности» [5.С.149].

Обращаясь к истории фортепианного образования в Узбекистане, необходимо обратить внимание на

открытие первого высшего музыкального учебного заведения в регионе Средней Азии и Казахстана – Ташкентской консерватории (с 2002 года Государственной консерватории Узбекистана), создавшее благоприятные предпосылки развития исполнительского, в частности, фортепианного искусства. Государственной консерватории Узбекистана исполнилось 80 лет (1936-2016), и сейчас это методический центр национальной, мировой классической и современной музыки в республике.

В Ташкентской консерватории одним из первых был открыт фортепианный факультет. Его педагогические и исполнительские принципы складывались под влиянием традиций Московской и Санкт-Петербургской фортепианных школ, ибо у истоков кафедры стояли замечательные музыканты, прибывшие из Москвы С.А.Козловский, Н.М.Яблоновский, Ш.И.Рохлина, А.М.Литвинов; из Санкт-Петербурга Т.М.Котляревская, А.С.Лисовский, А.В.Бирмак, А.Г.Гольдберг и другие. Это были талантливые пианисты-педагоги, оставившие значительный след в истории кафедры.

Вторая половина XX века богата интенсивной концертной жизнью, связанной с именами ярких музыкантов Н.М.Яблоновского, З.Ш.Тамаркиной, В.И.Слонима и других. В середине 60-х годов заявил о себе один из самых самобытных пианистов А.М.Геккельман, исполнитель, открывший новые горизонты в искусстве интерпретации как известных, так и редко исполняемых сочинений,

чуткий и мудрый педагог, пылкий исследователь проблем пианизма. Его выпускники – первые узбекские пианисты исполнители, в дальнейшем педагоги кафедры специального фортепиано: А.Вахидов, Н.Гиенко, Г.Гулямова, Д.Данияр-Ходжаева, Д.Джахангирова, С.Гафурова[3]. В историю фортепианного исполнительства Узбекистана вписали свои имена такие корифеи фортепианного искусства как Р.Р.Керер – «мастер крупной формы в исполнительском искусстве» [10.С.136], победитель Всесоюзного конкурса пианистов в 1961 году, народный артист России, профессор; Н.Б.Рецкер – «уникальный музыкант, пианистка с феноменальной памятью, огромным репертуаром. До сих пор ташкентцы вспоминают исполнение ею всех фортепианных сонат и концертов Бетховена»[7]. Все эти музыканты сыграли важную роль в становлении фортепианного искусства Узбекистана, их исполнительская и педагогико-просветительская деятельность была плодотворно продолжена музыкантами следующего поколения, чье профессиональное образование связано с Ташкентской консерваторией.

Первая известная узбекская пианистка, удостоенная звания Заслуженного деятеля искусств Узбекистана, Каракалпакстана и ученого звания профессора, ведущий специалист Офелия Юсупова является первой исполнительницей многих сочинений узбекских композиторов, представившая фортепианное искусство страны за рубежом – в Польше, Канаде, Монголии, Египте, Финляндии, Германии, Таиланде. В её исполнительстве главенствует интеллектуальное начало: ощущается продуманность музыкальной концепции, логичная творческая расчетливость, сдержанность в выражении чувств.

Основной задачей педагогики О.Ю.Юсуповой является воспитание высококультурного исполнителя, способного самостоятельно, бережно и точно прочитывать авторский текст и проникнуть в сущность поэтического замысла исполняемых произведений. Она воспитала большое количество пианистов, некоторые из них преподают на кафедре специального фортепиано. Говоря о преемственности педагогических принципов О.Ю.Юсуповой, следует упомянуть имя её ученицы и дочери, талантливой пианистки, регулярно выступающей с серьёзными концертными программами, инициатора интересных музыкальных проектов, профессора Сайёры Гафуровой. Приобретенный солидный исполнительский опыт нашел отражение в её педагогической деятельности. Она воспитывает в своих учениках высокую исполнительскую культуру, интеллектуально-художественное прочтение текста, яркость и масштабность исполнения.

В своей педагогике О.Ю.Юсупова уделяет большое

внимание творческим и человеческим качествам будущего преподавателя. Этими качествами отличается Марат Гумаров, окончивший класс специального фортепиано у профессора Г.Б.Калмыковой и ассистентуру-стажировку под руководством О.Ю.Юсуповой. В настоящее время М.В.Гумаров – признанный мастер фортепианного искусства, профессор, заведующий кафедрой специального фортепиано, член жюри республиканских и международных конкурсов. В его классе воспитаны многочисленные лауреаты международных и республиканских конкурсов, многие из них представляют фортепианную школу Узбекистана в разных странах мира (И.Гульзарова, Р.Ханбеков, Э.Котлыбулатова, В.Косьминов и многие другие).

О жизни и творчестве О.Ю.Юсуповой в 2001 году создана монография «Офелия Юсупова». Автор этой работы Галина Калмыкова сама имеет значительный вес в истории фортепианного исполнительства и педагогики Узбекистана конца XX века. «Это педагог-психолог, с 50-летним педагогическим стажем, бесконечно преданный музыке, постоянно ищущий новые тонкости в методике преподавания. Г.Б.Калмыкова воспитывает в своих учениках способность к аналитическому мышлению и расширению кругозора. Она умеет находить кратчайшие пути и наилучшие средства для раскрытия и истолкования музыкального сочинения и всегда объясняет, почему именно этот путь является целесообразным». [1.С.166]. Г.Б.Калмыкова провела большую научно-исследовательскую работу. Она автор интересных статей по фортепианной педагогике, исполнительству, интерпретации, а также соавтор коллективного труда «История фортепианного, камерного и ансамблевого исполнительства в Узбекистане».

Яркими представителями узбекской фортепианной школы являются выпускницы Московской консерватории, продолжившие педагогическую и концертно-исполнительскую деятельность в Узбекистане. Среди них Адиба Шарипова (ученица Л.Оборина) – Заслуженная артистка Узбекистана, профессор, бессменный исполнитель современной, зарубежной и узбекской музыки, любимица композиторов Узбекистана, всегда ищущая, инициативная, переполненная творческими идеями и проектами. Её неиссякаемая энергия воплощается в многогранной деятельности в качестве солистки, ансамблистки, педагога, организатора и научного исследователя.

Эльмира Миркасымова (ученица Э.Вирсаладзэ) – лауреат международных конкурсов, доцент, ведущий преподаватель РСМАЛ имени Успенского и Государственной консерватории Узбекистана, яркий интерпретатор произведений всех стилей – от барокко до современной музыки. Это мудрая наставница, воспитавшая свыше 50

студентов, многие из них представляют фортепианную школу Узбекистана в различных странах мира, среди них немалое количество лауреатов: Н.Алимова, К.Пинхасова, Ш.Ажиметов, А.Пак и другие. Э.Миркасымова, которым он отдает много энергии, «заряжает» и вдохновляет их.

Наряду с вышеперечисленными именами педагогическим ядром кафедры специального фортепиано являются профессор Н.Полатханова (ученица А.Геккельмана), доценты Н.Лебедева (ученица Н.Рецкер), Г.Гулямова (ученица А.Геккельмана) и М.Файзиева (ученица Г.Калмыковой и М.Гумарова). Каждый из этих пианистов имеет индивидуальный исполнительский почерк и педагогический подход, но их объединяет одно – слияние исполнительской культуры Востока и Запада, многообразие фортепианных красок, «идуших от манеры игры на узбекских народных инструментах и национального традиционного пения, от принципов звукоизвлечения на национальных инструментах, используемых в фортепианном исполнительстве» [3.С.116]. Все эти черты придают узбекской фортепианной школе облик неповторимой самобытности.

Как известно, фортепианное искусство является одним из самых сложных видов творческой деятельности. Пианистическая деятельность требует неустанного труда, во время которого «формируется пианизм, складываются такие черты характера, как целеустремленность, трудолюбие, способность сосредоточения, настойчивость и страстность в борьбе с трудностями» [9.С.5]. Несмотря на долгий и сложный путь, интерес к профессиональному обучению фортепианному искусству в Узбекистане все время возрастает. Это во многом благодаря тому, что в нашем государстве созданы все условия для качественного обучения юных талантов, наиболее полного раскрытия их творческого потенциала, глубокого понимания и любви к музыке. По указу Первого Президента Республики Узбекистан И.Каримова детские школы музыки и искусства оборудованы новыми инструментами, учебной литературой и методическими пособиями, в том числе в мультимедийной форме, сборниками нот и клавирами произведений отечественных и зарубежных композиторов, а также концертными залами, с современно оборудованными сценами для выступлений учащихся и педагогов [6]. Дети с малых лет занимаются музыкой профессионально, принимают участие на различных концертах и фестивалях, а самые стойкие и талантливые продолжают обучение в лицеях.

В истории музыкального образования Узбекистана значительное место занимает Республиканский Специализированный Музыкальный Академический Лицей имени В. Успенского. «Здесь проводились региональные конкурсы, республиканские конкурсы средних специальных учебных заведений, республиканские конкурсы «Санъат

гунчалари», Республиканский конкурс имени М.Ашрафи, Республиканский конкурс им. Г.Мушеля» [4.С.19]. В этой школе получили образование видные деятели искусства и культуры, композиторы, дирижеры, музыковеды. Школа известна фортепианным отделом, большим количеством лауреатов республиканских и международных конкурсов. Говоря об этой школе, невозможно не упомянуть имя маститого педагога, заслуженного учителя Узбекистана Т.А.Попович, воспитавшей не одно поколение талантливых пианистов, получивших широкое призвание во всем мире. Среди них лауреаты международных конкурсов, известные пианисты А.Султанов, С.Мурский, У.Палванов, Б.Абдураимов и многие другие.

В РСМАЛ имени Успенского проводились региональные конкурсы, республиканские конкурсы ССУЗов, республиканские конкурсы «Санъат гунчалари», Республиканский конкурс ДМШ им. М.Ашрафи, Республиканский конкурс им. Г.Мушеля. А в ноябре 2015 года впервые в Узбекистане был проведен Международный конкурс «Истеъдод», в котором участвовали юные исполнители из Республики Корея, России, Азербайджана, Беларуси, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана. Этот конкурс дал молодым исполнителям возможность продемонстрировать свои таланты, познакомиться с жемчужинами узбекского и зарубежного музыкального искусства, обменяться опытом исполнительской культуры различных стран. Вместе с тем, гости смогли познакомиться с условиями, созданными у нас в стране для одаренной творческой молодежи, результатами реформ в сфере обучения музыке и искусству.

Наряду с РСМАЛ имени В.Успенского РСМАЛ имени Р.Глиэра также является очагом фортепианного образования. За последние десятилетия фортепианный отдел этого учебного заведения показал плодотворную работу, воспитанники школы стали успешно выходить на мировую музыкальную арену и завоевывать призовые места на различных международных конкурсах.

Надо сказать, что фортепианные отделы существуют во всех средних специальных учебных заведениях страны, таких как колледжи и лицеи искусств городов Фергана, Наманган, Коканд, Самарканд, Карши, Ургенч, Нукус и др. Их воспитанники принимают участие в республиканских конкурсах, многие из них продолжают профессиональное обучение в консерватории.

Среди средних учебных заведений столицы важно отметить и совсем юный, организованный в 2002 году Академический лицей одаренных детей при консерватории. Он отличается тем, что «специальное фортепиано» преподают педагоги консерватории. Несмотря на небольшой срок существования, учащиеся фортепианного отдела успешно проявляют себя на

разнообразных концертах, конкурсах и фестивалях в республике и за рубежом.

Безусловно, исполнительские конкурсы являются отличной школой и способствуют несомненному росту и развитию профессионализма, как молодых пианистов, так и их педагогов. Необходимость овладения большим количеством произведений, публичные выступления с серьезной программой дают возможность молодому музыканту приобретать навыки концертного исполнительства. Надо отметить, что за последние годы на международные конкурсы стали выезжать молодые пианисты не только из столичных музыкальных учебных заведений искусств, но и из областей республики. За годы независимости юными талантливыми музыкантами Узбекистана на престижных международных конкурсах исполнительского мастерства завоевано свыше 400 призовых мест. Успехи молодых исполнителей Узбекистана на международных конкурсах – это замечательно, но не только ими определяется задача воспитания и подготовки кадров. Ведь в них участвуют часто одни и те же лица, а основная масса учащихся – это средний уровень, от их профессионализма, широты знаний и культуры зависит развитие следующих поколений музыкантов.

Достоинства системы музыкального образования в нашей стране, и, в частности, достижения узбекской

фортепианной педагогики, широко известны и неоспоримы.

Но состояние фортепианного исполнительства на сегодняшний день свидетельствует о том, что есть еще несколько нерешенных вопросов, осуществление которых возможно при совместных усилиях музыкальной общественности республики. Среди них: организация или, точнее, установление взаимного контакта между профессорско-педагогическим составом консерватории и педагогами областных колледжей и лицеев; «интеграция научно-педагогического потенциала отраслевых учебных заведений» [2], регулярные выезды в области с концертами и «мастер-классами»; выпуск учебной музыкальной литературы на государственном языке, перевод необходимой научно-методической литературы на узбекский язык; внедрение в систему образования современных электронных форм обучения и другие нерешенные задачи. Для совершенствования музыкального образования в Узбекистане, необходимо изучение этой системы в других странах, взаимообмен студентами консерваторий и вузов искусств среднеазиатского региона. Думается, что тесное общение и творческий взаимообмен будут способствовать интенсивному обновлению и обогащению музыкального искусства страны.

#### Список литературы

1. Гафурова С. «Калмыкова Г.Б. – музыкант и педагог» // Вопросы музыкального исполнительства и педагогики. Вып. IV. –Ташкент: 2003.
2. Гофурбеков Т. Муסיқа-менинг борлигим. Музыка – моя Вселенная. –Ташкент:2015 .
3. Калмыкова Г., Юсупова О., Гилян В. и др. История фортепианного, камерного и ансамблевого исполнительства в Узбекистане. –Ташкент: 1989.
4. Ким А. Творческая деятельность фортепианного отдела РСМШИ им.Успенского// РСМШИ 60 лет. –Ташкент: 2001.
5. Красуцкая Л., Хакимова А. «Современные проблемы музыкального образования» //Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.): тенденции, проблемы. –Ташкент: 2008.
6. Постановление Президента Республики Узбекистан о Государственной программе по дальнейшему совершенствованию деятельности детских школ музыки и искусства на 2016-2020 (Собрание законодательства РУз, 2015 г., № 47, ст.594)
7. Юсупова О., Гафурова С. Из истории кафедры специального фортепиано Государственной консерватории Узбекистана // Муסיқа санъати ва педагогикаси масалалари. –Тошкент: 2010.
8. Янов-Яновская Н. Одна культура – две традиции//Узбекская музыка и XX век. –Ташкент: 2007.
9. Савшинский С. Режим и гигиена работы пианиста. –Ленинград: 1963.
10. Цыпин Г. Портреты советских пианистов. –Москва: 1990.



# МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Аннотация.* Мақолада Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, мустақиллик йилларида тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида фикр юритилади.

*Калит сўзлар:* тарихий, маънавий, маданий мерос, ҳуқуқ, тартибга солиш, ҳимоя қилиш.

*Аннотация.* В статье речь идёт о вопросах правового регулирования отношений, связанных с сохранением исторического, духовного и культурного наследия народов Узбекистана и об осуществляемых работ по их сохранению в годы независимости.

*Ключевые слова:* исторические, духовное, культурное наследие, право, правовое регулирование, защита.

*Annotation.* The issues on legal regulation of the relations connected with saving historical, spiritual, and cultural heritage of Uzbek people and activities carried out in independence years on saving and protecting historical, spiritual, cultural heritage are discussed in the article.

*Keywords:* historical, spiritual, cultural heritage, right, regulating, protecting.

Ҳар бир миллат тараққиётини унинг тарихисиз, маънавий қадриятларисиз ва маданий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”[1]. Юксак маънавият энгилмас куч бўлиб, бундай кучга эга бўлган давлат ва миллатни энгиб бўлмайди. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунларида тарихий, маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз тарихий, маънавий ва маданий мерос масаласида бой тарихий илдизларга эга. Аждодларимиз маданият ва маънавият масаласида цивилизация тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Унинг ифодасини “Авесто”дек жаҳон цивилизацияси ва сиёсий маънавиятига катта ҳисса қўшган тарихий меросимизда кўриш мумкин. Шунингдек, Темур тузуклари, “Бобурнома”, Бухорийнинг ҳадислари катта тарихий, маънавий ва маданий мерос ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда ёш авлодни буюк аждодларимиз яратган бой тарихий, маънавий ва маданий меросга таяниб тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз

мустақилликка эришган дастлабки кунларданок халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини қайта тиклаш ва ундан жамиятни маънавий янгилашда унумли фойдаланиш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалага айланди.

Ушбу сиёсатнинг натижаси ўлароқ халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий мероси тикланди ва уни авлодларга безавол етказиш борасидаги эзгу ҳаракатлар боис қанчадан-қанча алломаларимизнинг номлари тикланди, тарихий обидалар таъмирланди, улугларимиз зиёратгоҳлари ободонлаштирилди. Минглаб қадамжолар халқнинг тарихий, маънавий ва маданий мероси сифатида ўзига қайтарилди.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати ва ролини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Фикримизнинг далили сифатида Қашқадарё замида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили, исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб муаллифи Абу Муин Насафий, Шеробод туманида буюк ҳадисшунос аллома Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбаралари каби кўплаб зиёратгоҳларни обод қилиш борасидаги эзгу ишларни қайд этиш мумкин.

Шунингдек, Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг

тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга ғамхўрлигининг яққол намунаси сифатида 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[2]ги ПФ-4956-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[3]ги ПҚ-2995-сонли қарори, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”[4]ги ПҚ-3074-сонли қарори, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”[5]ги ПҚ-3105-сонли қарорлари халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга олиб келиш каби ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва топшириғи асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Иброт номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”[6]ги, 2017 йил 14 апрелдаги “Хоразм Маъмур академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[7]ги 211-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[8]ги 376-сонли қарорлари маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Демак, бугунги кунда Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, сақлаш ҳамда келажак авлодга бус-бутунлигича етказиш давлатимиз тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш

фуқароларнинг конституциявий бурчларидан бири сифатида белгиланди.

Ушбу мавзу бўйича фикр юритганда, аввало, тарихий, маънавий ва маданий мерос тушунчаларининг мазмунини очиб бериш лозим.

Маънавий мерос аждодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадий ва санъат асарлари мажмуидир. Ҳозирга қадар Ўзбекистон номоддий маданий меросининг миллий рўйхатида 74 та объект мавжуд. Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт қадимий шаҳар – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган [9], Наврўз байрами, Катта ашула, “Шашмақом”, Аския, Ўзбек палови билан боғлиқ аънавлари инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида тўпланган нодир қўлёзмалар “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилган.

Тарихий мерос тўғрисида гап кетганда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон археологик ёдгорликлар сони жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон ҳудудидаги дунё цивилизацияси тараққиётида катта ўрин тутган 7,5 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари, шундан 4308 та археология объектлари, 2079 та архитектура объектлари, 694 та маҳобатли санъат объектлари, 395 та диққатга сазовор жойлар[10]ни сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, таъмирлаш, дунё миқёсида тарғиб қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилиб, улар давлат муҳофазасига олинди.

Маданий мерос объектлари Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, моддий ва номоддий маданий мерос объектларига бўлинади. Моддий маданий мерос объектлари ўз навбатида тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлардан иборат бўлади.

Ансамбллар деганда тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ кўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўқув-таълим, истеҳком, сарой, турар-жой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак

санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гуруҳлари, шунингдек тарихий шаҳарларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар) назарда тутилади.

Диққатга сазовор жойлар – инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар, шу жумладан халқ хунармандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тарихи марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар, ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар, хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек кўҳна шаҳарлар, шаҳристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлардир.

Ёдгорликлар тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио, видео ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, қўлёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги қўлёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликларидан иборат бўлади.

Номоддий маданий мерос объектлари деганда тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар тушунилади. Демак, маданий мерос кенг тушунча бўлиб, у юртимизнинг археологик ва меъморий обидалари, музейларда сақланаётган юзлаб турдаги ноёб топилмалар, қадимий китоблар ва бошқа манбалар ҳамда қўлёзмаларни ўзида мужассам этади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг нодир ва

бебаҳо тарихий, маънавий ва маданий меросини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Амур Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги, Абдуллоҳиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилеи, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини кенг нишонланганлиги фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимизда мавжуд маданият ёдгорликларини реставрация қилиш ва консервациялашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, ушбу дастурлар асосида мустабид тузум даврида хароб аҳволга тушиб қолган дунёга машхур Самарқанддаги 14-15 аср ёдгорликлари – Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибиҳоним масжиди, Бухородаги 10-12 аср ёдгорликлари – Сомонийлар мақбараси, Калон масжиди, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Шаҳрисабздаги 14-15 аср ёдгорликлари – Оқсарой арки, Дорус-Саодат мажмуаси, Хивадаги 14-17 аср ёдгорликлари – Пахлавон Махмуд мақбараси, Тош ҳовли, Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси, Қаршидаги Кўк Гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари таъмирланиб келажак авлодлар учун сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Фарғона ва Кувада Аҳмад ал-Фарғоний, Тошкентда Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг ҳайкаллари, Марғилонда Бурхониддин ал-Марғиноний мақбараси курилди. Ушбу мақсадларда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2016 йилда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга 2008 йилга нисбатан 10 баробар кўп маблағ ажратилди [10].

Мустақиллик йилларида тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Моддий бойликларни олиб чиқилиши ва олиб кирилиши

тўғрисида”ги, 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ҳуқуқий асос сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳуқуқий асослар мамлакатимизда тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлайди. Унга кўра, тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириши, уларга хўжасизларча муносабатда бўлиш мумкин эмас, тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилмайди, улар давлат музейларида, архивларда, кутубхоналарда сақланади.

Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш”

деб номланган 64-моддасига кўра, бу талабларни бузган фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга, Жиноят кодексининг 32-моддасига биноан давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин. Худди шундай ҳаракатлар натижасида кўп миқдорда зарар етказилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тарихий, маънавий ва маданий мерос объектлари Ўзбекистон халқининг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган хазинаси ва бойлиги ҳисобланади. Ушбу бойлик нафақат хозирги авлоднинг, балки келажак авлоднинг ҳам мулкидир. Шу сабабдан, уларни асраб-авайлаб сақлаш ҳамда бус-бутунлигича фарзандларимизга етказиш барча фуқароларнинг конституциявий бурчи ҳисобланади.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -139 б
2. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 8-сон, 105-модда
3. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 21-сон, 389-модда
4. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 26-сон, 583-модда
5. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 15-сон, 258-модда
6. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 16-сон, 275-модда
7. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 24-сон, 503-модда
8. [Http://whc.unesco.org/en/list](http://whc.unesco.org/en/list)
9. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг маълумотлари. –Тошкент: 2017.
10. Миллий тикланиш газетаси, 2016 йил 10 авг.





## ИСЛОМ КАРИМОВ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, мустақиллик йилларида миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантиришида Ислам Каримовнинг хизматлари катта эканлиги ва бугунги кунда ёшлар тарбиясида улар қолдирган мактабнинг аҳамияти назарий, методологик ва илмий нуқтаи назардан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ислам Каримов, тинчлик, мустақиллик, тараққиёт, истиқлол, жасорат, маънавият, мустақил давлатчилик, ўзликни англаш, Ватан туйғуси, санъат, маданият.

**Аннотация.** В данной статье, основываясь на концепцию национально-духовного развития Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова и значении необходимости поддержки национальной независимости, освещается роль духовного учения Ислама Каримова в построении Независимого Узбекистан дальнейшего развития и процветания страны.

**Ключевые слова:** Ислам Каримов, спокойствие, независимость, развитие, отвага, духовность, независимая государственность, самосознание, чувство Родины, искусство, культура.

**Annotation.** This article, based on the concept of national and spiritual development of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov and the importance of supporting national independence, highlights the role of labor in building the Independence of the Republic and the importance of Islam Karimov's spiritual teachings for the further development and prosperity of the country.

**Key words:** Islam Karimov, calmness, independence, development, courage, spirituality, independent statehood, self-consciousness, the sense of the Motherland, art, culture.

Тинчлик, мустақиллик, тараққиёт. Бу улуг тушунчалар бир-бири билан мудом ёнма-ён. Зеро, айнан шу неъматлар эл-юрт фаровонлигини, унинг истиқболи ва ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Ўзбекистон эришган ва эришадиган бетимсол ютуқлар, улкан ислохотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуши, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод – мана шу улуг неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган. Ана шундай ўз тақдирини халқ тақдири билан боғлаган буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида – миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодий чуқур инқирозга учраб, республикаимиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир

шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш маъсулиятини ўз зиммасига олди.

Машхур ёзувчи, киши руҳиятининг нозик билимдони Чингиз Айтматов ўзининг Ислам Каримовга бағишланган “Машхур суратга чизгилар” номли эссесига шундай ёзиб қолдирган: “У мамлакатнинг сиёсий қувватига куч бағишлаган ҳолда қанчалик кўзга ташланмасин, у ҳақда қанчалик кўп гапирилмасин, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовдек киши ҳақида даврдан бошқача айтганда, ҳозирги замон манзарасини ташкил этиб турган долзарб муаммолар ва бўҳронли ҳолатлардан айри ҳолда фикр юритиб бўлмайди”.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Ислам Каримов мана шу қалтис даврнинг етакчиси. Унинг тутган ўрни ҳам, у орттирган тажрибанинг қимматлиги ҳам мана шунда. Собиқ совет тузумидан кейин пайдо бўлган беқарор, нотинч

даврда у Ўзбекистон жамиятида барқарорлик ва ишончни пайдо қила олди, ўз халқи олдига миллатни юксакларга кўтарадиган улкан мақсад ва вазифалар қўя олди. Бундан кўриниб турибдики, тарихий давр ва ижтимоий вазиятнинг ўзи улкан фазилатларга эга бўлган буюк шахсни майдонга чиқарар экан. Ана шундай буюк шахслардан бўлган Ислом Каримовнинг майдонга келиши ва халқ орзу-умиди ва келажаги йўлида ўзини фидо қилишининг ўзи буюк жасоратдир.

Ислом Каримов ўз умри давомида ибратли ҳаёт мактабини босиб ўтди. Уни ҳеч ким “етақлагани, мансаб пиллапояларига кўтаргани йўқ”. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий вазият оқимида шаклланди, тоталитар режимнинг бутун моҳиятини, Ўзбек халқининг тарихий қадр-қимматини чуқур англаган ҳолда олдинга қараб илдам қадам ташлади ва миллат шаънини тиклаш мақсади билан яшади. Бундай шижоатни биз Ислом Каримовнинг мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида қабул қилган қарорларни ва режаларни амалга ошириш жараёнларида ҳар қандай хавф-хатарни ўз зиммасига олиш ҳолатидан яққол кўришимиз мумкин.

**Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорлар қабул қилиши мумкин эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётини маслағи, олий инсоний бурчи, деб билди.**

Бундан 20 йил олдин Ислом Каримов шундай сўзларни айтган эди: “Бизнинг ўз кемамиз, унинг елкани, бошқариладиган рули бор. Белгиланган йўл ҳам бор”. [1] Ушбу сўзлар бугунги тезкор жараёнда, минтақавий хавфсизликлар кучайган бир даврда Ватанини севган, халқ манфаатларини муқаддас деб билган ҳар қандай инсоннинг шиорига айланиши керак.

Республикада вужудга келган ўта мураккаб ва фожиали шароитда ўзини йўқотмасдан босиқлик, чидам ва бардош

билан иш тутган, қатъий сиёсий иродани намоён этиш, мамлакатни чуқур таназулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш ғоят муҳим аҳамият касб этишини англаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келади. “Биз бундан буюн эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”, – деб янги лавозимга қандай улғу мақсад ва масъулият билан киришаётгани, ўз фаолиятида ислохотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қилади. “Сен-менга тегма, мен-сенга тегмайман” қабилида ишлашга ўрганиб қолган аксарият расмий шахслар учун бундай ўткир сўзлар баъмисоли булутли осмонда чақмоқ чақнагандек таъсир этди. Янги раҳбарнинг мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, республикани чуқур инқироз ҳолатидан олиб чиқиш борасидаги азму қарори, шижоати нақадар жиддий ва қатъий экани яна бир бор намоён бўлди.

Халқ тинчлиги ва фаровонлиги учун ҳар бир кун ғанимат бўлиб турган бир пайтда, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июнь ойининг охирига келиб ниҳоятда авж олади. 25 июнь куни Ислом Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олди. У ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳару қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб борди. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашди. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юрагидан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйди, кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғота олди. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишини олдини олиш бўйича бутун маъсулиятини ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўрди.

Албатта, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорлар қабул қилиши мумкин эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётини маслағи, олий инсоний бурчи, деб билди.

Агар ўша йиллар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожиа ҳисобидан сохта обрў топиш, ўзининг ғаразли

манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар ҳам бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қилиб, фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқди ва изчил амалга оширди. Республика раҳбари Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек матбуотдаги чиқишларида бу масалада қатъий позицияда туриб куйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: “Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади, бу воқеаларга тутуриқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган”[2].

Бундай ҳаққоний ва ҳароратли сўзлар миллатимиз дардига дармон бўлди, унинг тухмат ва маломатлардан эгилган руҳини кўтарди. Ана шундай тарихий мисоллар асосида айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг барча муаммолар ҳақида, улар қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин очик гапириши, ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараши унга нисбатан халқимизнинг эътирофи ва эҳтиромини уйғотди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти шаънига ифвогарликлар уюштирилиб, турли-туман ҳийлаю найрангларни ишга солиб, собиқ тузумни қўмсаб миллатимиз шаънига тош отувчилар бўлди. Бундай оғир, зиддиятли бир шароитда Ислом Каримов барча оғирликларни ўз гарданига олиб, рақиблар фикрини диққат билан эшитиш, зарур бўлса улардан ижобий хулосалар чиқариш, халқ ва мамлакат манфаати учун ҳар қандай ифвогарликлар, тазйиқлару, зўравонликларга қарши фақат ақл-идроқка таяниб иш тутиш намунасини кўрсатди. Бу билан Биринчи Президентимиз халқимизнинг сабр-бардошли, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида ҳам тарбиялади ва эртанги кунга ишонч уйғота олди.

Ана шундай шароитда мамлакатимиз етакчисининг бутун ҳаёти ва фаолияти ягона мақсадга – ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қаратилганлигидадир. Бу борада Президентимиз халқимизнинг тарихий тақдири, унинг кечинмалари, изтироб ва қувончлари ҳақида қайғуриб, Мустақиллик тўғрисида қонун қабул қилиш, энди СССР таркибида ортиқ қолиб

бўлмаслигини, чинакам миллий равнақ ва миллий тараққиётга замин яратиш зарурлигини уқтириб, бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топиши кераклигини уқтириб: “Халқимизнинг бу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир”, – деб таъкидлади [2].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ислом Каримов энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди.

Айни пайтда мустақиллик йўли ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий-етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар йўлдир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни ҳам бунга ишонттира олди: “Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтиш, бўйнимизни яна ўша бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна такрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга ҳиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади”, [3] деб ўз мақсадларини қатъий ифода эта олди.

Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунидеҳ бутун маърифий дунёда ўз нуқтаи назарини қатъий ҳимоя қилиб, олдида қўйилган мақсадга эриша оладиган сиёсатчи сифатида танилган. Бу борада фахр туйғуси билан эътироф этиш мумкинки, Ислом Каримовнинг Афғонистондаги биродарқушлик урушини тўхтатиш ва Тожикистонда барқарорликни тиклаш борасидаги нуқтаи назари ўнлаб мамлакатларда қўллаб-қувватланган бўлса, 1997 йил кузида Тошкентда “Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона” халқаро конференциясини ўтказиш ташаббускори бўлганида, дунё ҳамжамияти уни нафақат ўз мамлакатининг, балки бутун дунё халқини хавфсизлигини ўйлайдиган доно сиёсатчи сифатида яна бир бор эътироф этди. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун куйидаги сўзларга эътибор қаратайлик: “Мен тарихни зиддият ва душманлик эмас, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонччи олға силжитишига аминман”

Бугунги Ўзбекистон янгидан-янги имкониятларни намоеън этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакат, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, бугунги Ўзбекистон барча қийинчиликларни енгиб, мустақиллик йўлидан ёруғ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган давлат. Бу халқ билан давлат бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан Республика Биринчи Президенти сиёсий йўлининг нақадар халқчиллигидан

далолат беради. Кўнгил, ният ва вужуднинг поклиги инсонни комилликка етказди. Моҳиятан эса баркамол, ахлоқан, руҳан, маънан покиза инсон ҳар қандай жамиятнинг ҳам бебаҳо бойлигидир.

Ислом Каримов умри давомида Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлигини қалбига жо қилиб, мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, ватан ва буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди. Миллий қадриятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда санъатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Унинг инсон тарбияси, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Айнан ўзбек халқи санъати ижтимоий мазмун касб этиб, коммунистик мафқура қуллигидан озод бўлишида Ислом Каримовнинг хизматлари каттадир. “Шу мақсадда, – дейди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов, – мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафқуравий тазйиқдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси, бадий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафқура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар ўтмишга айланди. Эркин ижод учун миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди”.

Бугунги кунда бизнинг энг буюк вазифамиз мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлашдан иборат экан, воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида инъикос этишда санъатнинг алоҳида ўрни бор. Чунки санъатнинг бош мавзуси – Инсон. “Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, – дейди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов, – ҳаммамиз яхши тушунамизки ҳар қайси исьтедод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган,

янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир”[4].

Ана шундай буюк мақсадлар сари одимлаб бораётган, Муҳтарам раҳнамо Президентимиз бошлаб берган йўлда оғишмай бориб, замонавий интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш борасида кўплаб муваффақиятларга эришаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таваллуд кунини нишонлашга бағишланган “Ислом Каримов – ўзликни англаган буюк арбоб” мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди.

Ўтган тарихан қисқа ва сермазмун давр мобайнида жаҳон сиёсатида, давлатчилик ва бошқарувчилик тажрибасида, айтиш мумкинки, Ислом Каримов мактаби вужудга келди. Бугун мамлакатимизда минг-минглаб турли тоифадаги раҳбарлар ана шу мактаб сабоғини олмоқда. Ишлаб чиқилган Концепциялар, стратегик мақсадлар, сиёсий йўл-йўриқлар асосида институтимиз жамоаси фаол меҳнат қилиб, Биринчи Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигида амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли тарихида ўчмас саҳифа бўлиб қолишини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишда ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 31 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалин очишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган нутқида шундай дейди:

“Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу даъват барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. У киши “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак” деган ўзининг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар”[5].

Бугунги кунда Ислом Каримов томонидан пухта давом эттирилган, ўйланиб, амалга оширилган сиёсат Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланиб, юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилга айланди.

Муҳтарам Президентимиз доимо ёшларни “Менинг азиз фарзандларим!” дер эдилар. “Мен ёшларимизга,

менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди”, – дейди “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир” китобида.

Давлатимизнинг янги раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловолди дастурлари, жойларда юртдошларимиз билан бўлган учрашувларда адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, Юртимиз раҳнамоси Ислом Каримов бошлаб берган йўлдан оғишмай бориш ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, бадий дидини шакллантириш устувор йўналиш эканлигини ўз нутқларида бот-бот такрорламоқда. Президентимиз юртимизнинг ижодкор зиёлилари, адабиёт ва санъат намоянадалари билан бўлган учрашувда, бевосита ижодий соҳаларда йиғилиб қолган муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, – [6] деган фикрни қатъият билан таъкидлади. Юқоридаги фикр эса раҳнамо Президентимиз Ислом Каримовнинг орзуси ҳамда биз авлодларга билдирилган юксак ишончи ҳам эди.

Дейдиларки, инсон – илоҳ илмининг гултожидир. Президентимиз Ислом Каримов айнан шу илм булоқларидан бахра олиб, халқ дарди билан яшаган, халқ

қалбида мангу қолган комил инсондир. Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлабоқ, ўзбек халқининг тарихий қадр қимматини чуқур англаган ҳолда, миллат шаънини тиклаш дарди билан яшади ва шу муқаддас йўлда жонини фидо қилди.

**“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”**

Ўз ҳаётининг асосий қисмини минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга бағишлаган, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга ошириш йўлида жонини фидо қилган доно сиёсатчи, атоқли давлат арбоби Президент Ислом Каримовнинг номи Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган бўлиб, хотираси халқимиз қалбида мангу қолади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат йилиш – энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
7. Адабиёт, санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017. 4 авг.





Тягьяна РАСУЛОВА  
кандидат философских наук, и.о. профессора  
кафедры “Социально-гуманитарных наук”  
Государственной консерватории Узбекистана

## Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур – царь и поэт

**Аннотация.** Статья посвящена одному из выдающихся потомков Амира Тимура – Захир-ал-Дину Мухаммаду Бабуру, который стал основателем династии Бабуридов (Великих Моголов) в Индии. Оставшись сиротой в юном, почти детском возрасте, Бабур сумел консолидировать вокруг себя родственников и армию, чтобы отстоять свое право на престол. Однако борьба Бабура за наследство не всегда была успешной из-за его юного возраста и превосходящих сил Шейбани-хана. Но это обстоятельство позволило Бабуру завоевать Индию, и способствовало развитию его писательского и поэтического дарования, благодаря которому «Бабур-наме» и стихи Бабура стали известны во всем мире.

**Ключевые слова:** «Бабур-наме», «Акбар-наме», Тимуриды, Бабуриды, Мавераннахр, Индия, Великие Моголы, Шейбани-хан, Алишер Навои.

**Аннотация.** Мазкур мақола Амир Темур авлодидан саналмиш буюк саркарда, Ҳиндистонда равнақ топган Бобурийлар сулоласи асосчиси ва раҳнамози Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган. Ёшлигидан етим қолган ёш саркарда Бобур ўз атрофига яқин инсонлар ва ҳарбий кўшинни жам эта олди ва олдинга интилди. Аммо Бобурнинг тахтга ўтириши кўпгина ўша даврдаги сиёсий ўзгаришлар, Шайбонийхонларнинг кириб келиши, қолаверса ёш бўлганлиги унга панд беради. Мазкур воқеликлар ўз навбатида Бобурнинг Ҳиндистонни эгаллаши, у ерда Бобурийлар сулоласини шаклланишига туртки бўлди ва ушбу тарихий воқеликлар “Бобурнома” асарида батафсил ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** «Бобурнома», «Акбарнома», Темурийлар, Бобурийлар, Маверауннахр, Ҳиндистон, Буюк Мўғиллар, Шайбонийхон, Алишер Навоий.

**Annotation.** The article is dedicated to one of the greatest descendent of Amir Timur – Zakhir-ad-Din Mukhammad Babur, who himself became progenitor of Baburids’ dynasty (Great Mogul) in India. Becoming an orphan from the young almost child’s age, Babur could consolidate his relatives and army to defend his right to sit on a throne. However Babur’s struggle for the heritage wasn’t always successful because of his young age and superior forces of Sheibani-khan. But this circumstance made it possible to conquer India and promoted to development his writing and poetical talent; thanks to “Babur-name” and Babur’s verses are known all over the world.

**Key words:** “Babur-name”, “Akbar-name”, Timuriids, Baburiids, Maverannakhr, India, the Great Mogul, Sheibani-khan, Alisher Navoi.

Тверди – “Красота”, даже со слезами,  
пока дойдешь до назначенного. (Зов, Май 1)  
Если человек не будет развивать в себе  
стремления к самому прекрасному,  
то он закроет глаза свои, но самое  
Высшее не представить и не вообразить  
(Мир Огненный. Часть II, §129)

Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур родился 14 февраля 1483 года. По линии своего отца, он был прямым потомком Амира Тимура в пятом поколении, а по линии своей матери – прямым потомком Чингисхана, не то в двенадцатом, не то в четырнадцатом поколении. Сам Бабур гораздо больше гордился своей принадлежностью к дому Тимуридов, считая себя тюрком, нежели родством с домом Чингисхана. Это было связано с тем, что на тот

момент само слово «монгол» воспринималось так же, как сейчас воспринимается слово «дикарь» или «варвар».

В этой связи Л.Н.Гумилев писал, что по дурной традиции, начавшейся еще в средние века, все плохое приписывалось монголам, несмотря на то, что «...вина за запустение культурных земель Азии лежит не на монголах, а на изменении климата...» [1.С.38]. Вероятно, Бабура был бы просто-таки потрясен тем обстоятельством, что основанная им династия Бабуридов в Индии впоследствии в западноевропейской исторической науке получила название Великих Моголов, а не Великих Тюрков, или Великих Бабуридов, например.

Из-за нелепой и преждевременной смерти его отца Омар Шейха мирзы, Бабура был провозглашен правителем Ферганы, когда ему было всего 11 с половиной лет. Будучи старшим сыном Омар Шейха мирзы и его наследником, Бабура, несмотря на свой юный, даже детский возраст, сумел с редким мужеством и достоинством перенести личную горе, вытереть непрсохшие слезы, и, не убоившись тяжелой ноши, взять на себя это бремя ответственности за всех своих родных, объединив их вокруг себя. Как в этой связи писал близкий друг и советник Акбара Абу-л Фазл Аллами в своей знаменитой «Акбар-наме»: «Немногим правителям довелось преодолевать такие трудности, какие выпали на его (т.е. Бабура. – Т.Р.) долю. Ему пришлось проявить сверхчеловеческую смелость, уверенность в своих силах и стойкость на поле битвы и в других опасностях» [2.С.142]. Если в приведенных словах и имеется некая доля преувеличения, то она вполне естественна для придворного советника восточного правителя. Тем не менее, полагаем, что Бабура должен был обладать определенными качествами характера, чтобы было, что восхвалять и преувеличивать.

В силу целого ряда обстоятельств, неожиданных поворотов и превратностей Судьбы, Бабура потерял свое ханство, став правителем без государства и царем без царства.... Как в этой связи писал сам Захир-ад-Дин Бабура в своей «Бабура-наме»: «Мне не раз приходилось, вследствие жестокости и неблагоприятности судьбы, лишаться престола, царства, слуг и нукеров и искать у них убежища...» [3.С.206]. Однако на этот раз ему было гораздо тяжелее, чем прежде. Ибо теперь Бабура был семейным человеком, и вынужден был нести бремя ответственности не только за свой двор, но и за жену, которая еще не оправилась от родов и потери своего первого ребенка.

Предчувствуя войну всеми фибрами своей утонченной души, Бабура решил покинуть Ташкент, где он находился у своих родственников, даже невзирая на то, что его жена отказалась разделить судьбу своего мужа.

Вероятно, тонкой, артистической натуре Бабура было нелегко сознавать, что его собственная жена, которая в день свадьбы клялась ему в вечной любви, называя его «шахиншахом», когда он был правителем Самарканда, так резко изменила свое отношение к бесприютному мужу, оставшемуся не только без своего царства, но даже без собственного дома! К этому периоду жизни Бабура относится целый ряд написанных им стихотворений. Вот одно из них:

Каких страданий не терпел и тяжких бед Бабура?  
Каких не знал измен, обид, каких клевет Бабура?  
Но кто прочтет «Бабура-наме», увидит, сколько мук  
И сколько горя перенес царь и поэт Бабура! [4.С.59].

Но, как говорится: «Лучше чаша горькая, нежели жизнь с горчинкой» [5, Апрель 10]. Иначе говоря, лучше испытать всю чашу страданий, кармически выпавших на долю человека, и проходя этот тяжкий процесс испытаний становится крепче и сильнее, поднимаясь в своем развитии по бесконечным ступеням Духовной Эволюции, нежели поступать несправедливо и всю жизнь об этом сожалеть. Именно в этом смысле и было сказано: «Будьте благословенны, препятствия, вами мы растем!» [6.С.12]. И еще: «...Отягощение обстоятельствами усиливается по мере роста духа. По силе и испытания. Чем сильнее дух, тем труднее испытания. Рост трудностей указывает на рост духа» [7.С. 98].

Прозорливость Бабура относительно военных аппетитов Шейбани-хана оказалась непогрешимо точной, и к 1504 году Мухаммад Шейбани-хан объединил под своим началом не только Самарканд и Бухару, но также Фергану, Ташкент и близлежащие области. Бабура было горько сознавать, что его мечты о воссоздании Мавераннахра в том виде, как он существовал при Сахибкиране, развеялись, как дымка утреннего тумана. Горечь его усиливалась от того, что эти мечты не дано было осуществить не только ему, Захир-ад-Дину Мухаммаду Бабуру, но и ни одному представителю дома Тимуридов! Вместо этого, какой-то кочевник, дикарь, который хотя и принадлежал к ханскому роду, но не был потомком Сахибкирана, сумел сделать то, что оказалось не под силу ни Бабуру, ни его родным. Действительно, «О, мяч судьбы! Куда попадешь, и куда отскочишь?» [8.С.8].

Положение Бабура становилось все более серьезным и даже опасным, ибо нукеры Шейбани-хана, в надежде отхватить назначенную за его голову награду, шныряли повсюду. И хотя Бабура в его скромном наряде, пока что никто не узнал, рисковать не стоило. Вот почему Бабура с его соратниками и сподвижниками, которых становилось все больше и больше, пришлось покинуть свою любимую Родину, и направиться в Кабул, тем более что волею все

той же непостоянной Судьбы, кабульский трон оказался вакантным. У Бабура есть четверостишие, которое ярко отражает данный период его жизни:

Бродягой стань, но не рабом домашнего хлама.

Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.

Бродяжничество – не позор, и нищенство – не срам,

Уйти куда глаза глядят – давно мечта моя! [4.С.57].

Вероятно, именно трудность пути, проделанного Бабуrom через высокие горы Гиндукуша, подвигла его на то, чтобы он в мельчайших подробностях описал все дороги, ведущие в Кабул, останавливаясь на удобствах и неудобствах конкретных путей, чтобы помочь тем, кто будет идти после него. Поэтому его описание стало бесценным руководством для путешественников, паломников и торговцев, как того времени, так и последующих эпох!

Ко времени описываемых событий имелся только один продолжавший существовать двор Тимуридов, который был даже более пышным, нежели кабульский двор самого Бабура – это Герат. Тот самый Герат, которым некогда правил младший сын Амира Тимура – Шахрух, и который стал городом искусства, науки и культуры, украшенный замечательными дворцами, медресе, мечетями, больницами и тенистыми садами. Герат, который достиг пика в своем развитии при Султানে Хусейне Байкаре, и в который Бабур с детских лет мечтал попасть. Ибо именно в Герате жил боготворимый Захир-ад-Дином, прославленный поэт Алишер Навои, которому Бабур и хотел, и боялся показать свои собственные стихи.

Казалось, мечта Бабура вот-вот осуществится, т.к. властитель Герата – Тимурид Хусейн Байкара, признал Бабура правителем Кабула, и предложил ему встретиться на берегу Мургаба, чтобы объединенными военными силами противостоять надвигающейся угрозе все того же Шейбани-хана, продолжавший захватывая все новые земли. Бабур немедленно принял это предложение, понимая, что Шейбани-хан представляет собой слишком грозную силу, чтобы ее игнорировать. Даже неприступные горы Гиндукуша оказались недостаточно высокими, чтобы послужить непреодолимой преградой между ним, Бабуrom, и ненавистным Шейбани-ханом, завоевательные аппетиты которого продолжали только расти.

Однако, как это уже неоднократно бывало в жизни Бабура, Судьба вновь посмеялась над ним, т.к. приехав в Герат, он не застал в живых ни Хусейна Байкару, ни Алишера Навои. И хотя несколько недель, проведенных в Герате, остались в памяти Бабура, как наиболее счастливые дни в его жизни, тем не менее, как и в Ташкенте, он не нашел понимания у потомков Хусейна Байкары в необходимости объединить все силы против угрозы, идущей от Шейбани-хана.

В 1510 году Мухаммад Шейбани-хан совершил трагическую для себя ошибку. Вместо того, чтобы пойти на Кабул для окончательной расправы с Бабуrom, он решил прежде расправиться с персидским шахом Исмаилом, основателем династии Сефевидов. Эта ошибка Шейбани-хана приведет к тому, что он будет наголову разбит, а сам загнан на скотобойню и убит, а его расчлененное тело разошлют по разным областям Персии для всеобщего обозрения. Из черепа жестокого Шейбани-хана сделают золотой кубок для питья, которым будет пользоваться сам Исмаил-шах!

Мы коснулись этого факта только потому, что бесславное поражение Шейбани-хана позволило Бабуру в последний раз побывать на своей исторической родине. Ибо именно гибель Шейбани-хана изменила расклад политических сил, дав возможность Бабуру отвоевать Бухару у наследников Шейбани-хана, и в 1511 году войти в Самарканд на правах законного наследника престола и правителя.

Однако в силу целого ряда обстоятельств, этот триумф Бабура длился недолго. Ему пришлось снова вернуться в Кабул, ставший уже, действительно, родным и близким, т.к. именно здесь, в Кабуле Бабур нашел свое личное счастье. И именно здесь, в Кабуле Бабур, на основе арабской и старотюркской письменности создаст свой собственный алфавит «Хатт-и Бабури», т.е. «Алфавит Бабура», который будет очень простым и удобным для освоения и чтения художественной и научной литературы. Неудивительно, что по «Хатт-и Бабури» будут учиться его дети, для которых каллиграфы Бабура впоследствии переписут «Бабур-наме», благодаря чему этот уникальный документ эпохи средневековья дошел до наших дней. Хотя мы не знаем, когда именно и где Бабур начал писать «Бабур-наме», но вполне возможно, что идея книги и даже первые главы были созданы именно здесь, в Кабуле.

Однако Бабур не мог долго усидеть на одном месте. Так, в одном из своих стихотворений он не случайно написал:

Не жертва скопидомства я, не пленник серебра,

В добре домашнем для себя не вижу я добра,

Не говорите, что Бабур не завершил пути, –

На месте долго не стою. Мне снова в путь пора [4.С.57]

И действительно, ко времени описываемых событий пришла просьба афганских феодалов прийти в Индию и сразиться с Делийским Султаном Ибрахимом Лоди, чтобы стать их правителем. Поскольку Бабур проявил себя как удачливый полководец, а также оказался наиболее значимой фигурой Тимуридского дома после смерти Султана Хусейна Байкары, и уже много лет был правителем Кабула, то неудивительно, что афганские феодалы в поисках защиты от тирании Ибрахима Лоди,



обратились именно к нему. Бабур с радостью принял это приглашение, направив все свои думы на Индию, о которой мечтал много лет.

Сражение, которое произошло между армией Султана Ибрахима Лоди и армией Бабура, состоялось 21 апреля 1526 года на том же поле Панипате, на котором и Амир Тимур выиграл свою битву в далеком 1399 году. Армия Ибрахима Лоди, несмотря на численное превосходство и наличие большого количества слонов, которых боялись и воины, и даже лошади армии Бабура, понесла сокрушительное поражение. Погиб и Ибрахим Лоди. Узнав об этом, Бабур распорядился найти тело Султана и с почестями его похоронить на месте битвы в знак уважения и признания его заслуг. А в знак увековечивания своей собственной победы Бабур, по Тимуридской традиции, велел посадить тенистый сад, который получил название «Кабул-бахт».

Бабур был, безусловно, очень тонким, устремленным к Свету человеком, причем его тонкость проявилась не только в поэтическом таланте, в страстной, всепоглощающей любви к книгам, которые он приобретал повсюду, даже в осажденном Самарканде, но также в особой чуткости ко всему прекрасному. Не случайно он, как настоящий Тимурид, насаждал сады, строил архитектурные ансамбли и сооружения, некоторые из которых дошли до наших дней, а другие были разрушены в «просвещенном» XX столетии. Так, например, в 1494 году, будучи одиннадцатилетним ребенком, только что провозглашенным правителем Ферганы, Бабур распорядился построить хужру [9] в Оше, которая по недоразумению, точнее, по темному невежеству, была снесена в 1963 году, простояв без малого пятьсот лет!

Более того, только духовный человек, т.е. человек, который обладает тонкой чуткостью ко всему прекрасному, который находится в постоянном поиске знания, поиске Света на Пути познания Тайн Бытия, понимает, что мы являемся пожизненными учениками в этом мире и в том. И только такой человек мог написать следующие строки:

Тому, кто свет искал и знания постиг,

Достойный ученик нужнее всяких книг.

Я многое постиг, но нищ учениками,

Быть может потому, что сам я ученик [4.С.67].

К 1530 году «Бабур-наме» была практически закончена, хотя в то же время, она не была закончена никогда, т.к. возникает ощущение, что она обрывается буквально на полуслове. Это и неудивительно, ибо «Бабур-наме», т.е. «Книга Бабура» или «Книга о Бабуре» и не могла быть закончена в общепринятом смысле этого слова. Ибо только смерть автора может завершить историю описываемой им собственной жизни, только смерть может поставить точку

там, где хотелось бы поставить многоточие....

Как раз к этому периоду относится странная, необъяснимая болезнь Хумаюна, от которого отказались даже лучшие придворные врачи, полагая, что дни царевича сочтены. Бабур ужасно переживал болезнь своего первенца и наследника, и тогда ему посоветовали выкупить у капризной Судьбы жизнь сына, отдав самое дорогое, что у него есть.

Скорее всего, Бабуру намекали, чтобы он передал им знаменитый алмаз Кох-и-Нур в качестве выкупа за жизнь сына. Однако Бабур, либо не захотел понять намек, либо понял буквально, т.е. что за жизнь одного человека нужно отдать другую жизнь – свою собственную, ибо, что может быть ценнее жизни?! Так, Аллами вкладывает в уста Бабура следующие слова, сказанные им: «Я – наиценнейшее из того, чем обладает Хумаюн; лучше меня у него ничего нет; я принесу себя в жертву ради него» [2.С.176].

Бабур, согласно восточному обычаю, трижды обошел вокруг ложа больного сына, громко взывая к Богу с предложением взять его жизнь за жизнь Хумаюна. Подействовало ли обращение Бабура, или просто молодой организм Хумаюна превозмог свою болезнь, трудно сказать. Но, как бы там ни было, после проведенного ритуала Бабур, по словам Аллами, громко вскричал: «Мы преодолели это! Мы преодолели это!» [2.С.176]. Через некоторое время Насир-ад – Дин Мухаммад Хумаюн стал поправляться, в то время как Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур занемог...

Вместе с тем, известно, что Бабур был не очень здоровым человеком, страдая от постоянных нарывов, гнойных выделений из ушей и проч., что объясняется его нелегкой жизнью в молодости, а также постоянными стрессовыми ситуациями, которые он переживал очень эмоционально и тяжело. Известно также, что мать поверженного и погибшего Султана Ибрахима Лоди, несмотря на то, что Бабур назвал ее своей матерью, – это высокая честь на Востоке, – пыталась отравить Бабура через подкупленных слуг и повара. Табибы с трудом справились с ядом, проникшим в организм Бабура, но это не могло не сказаться на его состоянии здоровья в целом.

Поэтому когда вскоре после обряда выкупа жизни сына, Бабур почувствовал себя плохо, мы не можем ни утверждать, ни опровергнуть явилось ли это результатом проведенного ритуала, хорошо известного на Востоке, либо жизненные силы нашего героя были исчерпаны и он должен был отойти в мир иной в назначенный срок.

Это печальное событие произошло в понедельник 26 декабря 1530 года. Однако прежде, чем перейти Великие Границы, отделяющие наш мир от другого, Бабур призвал своего старшего сына Хумаюна, дав ему последние

наставления относительно управления государством, взаимоотношений с придворными беками и нукерами, а также с родственниками. В этой связи у Бабура имеется даже подходящее стихотворение:

«Страною правя, чти людей труда, от них не отделяясь никогда.

Забудь свои пристрастья и обиды, внимай их бедам, а не то – беда» [4.С.77].

Таким образом, Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур ушел из жизни в возрасте 47 лет, процарствовав на Индийском престоле около четырех лет, и оставив после себя не только царство, но и свои бессмертные произведения. Среди его трудов можно назвать такие, как трактат по мусульманскому законоведению «Мубайин», который он написал в стихотворной форме на староузбекском языке, приблизительно в 1521 году. Бабур оставил стихи, которые он писал в жанре газелей и рубаи, а также неоднократно цитировавшуюся «Бабур-наме», написанную на староузбекском языке. Кроме того, Бабур написал трактат по поэтике «Аруз рисоласи», а также трактаты по музыке и военному делу. Известно, что Бабур был не только прекрасным писателем и поэтом, но и музыкантом!

Уникальность «Бабур-наме» состоит не только в том, что в книге правдиво описаны исторические события, охватывающие самый разнообразный круг вопросов, лиц и стран, но и в том, что, по мнению исследователей, она принадлежит руке самого Бабура. Иными словами, эта книга писалась не придворными летописцами, а самим основателем династии Великих Моголов, хотя не сохранилось никаких указаний, когда именно и где Бабур начал свой бессмертный труд. То, что «Бабур-наме», действительно, бессмертная книга убеждает тот факт, что она была переведена и продолжает переводиться на многие современные иностранные языки, а творчество

Бабура по-прежнему изучают не только в Узбекистане, но и во всех крупных востоковедческих центрах Западной Европы, Соединенных Штатах Америки и Востока.

Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур после своей смерти сначала был похоронен в Агре на берегу Джамны. Однако в промежутке между 1540 и 1544 годами его останки были перевезены в полюбившийся ему Кабул и, согласно его завещанию, перезахоронены в «Баг-и Бабури», т.е. «Саду Бабура», где он любил бывать, наслаждаясь красотой окружающего ландшафта, и желая, чтобы посаженный им сад стал местом его последнего упокоения. Впоследствии некоторые из родственников Бабура были похоронены возле его могилы.

Таким образом, Захир-ад-Дин Мухаммад Бабур оказался не только достойным потомком Амира Тимура, но и волею все той же, неисповедимой Судьбы основал династию Великих Моголов, или Бабуридов в Индии. Династия Бабуридов просуществовала вплоть до середины XIX века. При этом не только сам Бабур, но и многие его потомки внесли свой весомый вклад в культуру и искусство Индии, смешав тюркские, персидские и индийские художественные традиции. Это привело к возникновению особого стиля в искусстве живописи, который получил название Могольской школы.

Не случайно Джавахарлал Неру в своей книге «Открытие Индии» целый ряд страниц посвящает Захир-ад-Дину Мухаммаду Бабуру, считая его не только и не столько формальным основателем династии, сколько человеком, который заложил фундамент для дальнейшего расцвета Индии. Именно на этом фундаменте расцвела Империя Акбара, внука Захир-ад-Дина Бабура, и выдающегося представителя династии Бабуридов, без которого невозможна была бы история современной Индии с ее стремлением к дальнейшему обновлению и совершенствованию, процветанию и Духовному Развитию.

#### Список литературы

1. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. –Москва: Айрис-пресс, 2003. (Выделено нами. – Т.Р.)
2. Абу-л Фазл Аллами. Акбар-наме. Кн.1. -Самара: Издательский дом Агни, 2003.
3. Бабур. Бабур-наме. (Записки Бабура). //Общая редакция и доработка – член-корреспондента АН Республики Узбекистан, лауреата премии им. Беруни и международной премии им. Джавахарлала Неру С.А.Азимджановой; перевод М.Салье. Издание второе, доработанное. –Ташкент: Институт Востоковедения Академии Наук Республики Узбекистана, 1993.
4. Бабур. Лирика //Составитель и автор предисловия С.Хасанов; Отв. ред. А.Каюмов. –Ташкент: 1982.
5. Живая Этика. Листы Сада Мории: Книга 1, Зов. (Выделено нами. – Т.Р.)
6. Живая Этика. Листы Сада Мории: Озарение, Часть Третья, VI. (Выделено нами. – Т.Р.)
7. Грани Агни Йоги. 1955 г. //Записи Б.Н.Абрамова. -Новосибирск: Предприятие Алгим, 2010. (Выделено нами. –Т.Р.)
8. Живая Этика. Листы Сада Мории: Озарение, Часть I, IX. (Выделено нами. – Т.Р.)
9. Худжра – в переводе с арабского языка – келья, маленькая комната, жилое помещение для учащихся и педагогов в медресе, или внутренний двор. В данном случае, небольшое по размерам помещение для уединенных занятий, раздумий и проч.



# ТАБИАТ ВА КОИНОТГА ОИД БИЛИМ ВА УРФ-ОДАТЛАРНИ ИЛМИЙ ТАЛҚИНЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада фольклоршунос олимларнинг номоддий маданий меросининг табиат ва коинотга оид билим, урф-одатларга билвосита ва бевосита тааллуқли илмий изланишлари назарий жиҳатдан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** номоддий маданий мерос, фольклор, урф-одат, эътиқод, табиат, коинот, тақвим, чилла, тулпор.

**Аннотация.** В данной статье теоретически изучены изыскания ученых фольклороведов, касающиеся природы и вселенной нематериального культурного наследия и научные изыскания, непосредственно и опосредственно связанные с обычаями народа.

**Ключевые слова:** нематериальное культурное наследие, фольклор, обычай и привычки, вера, природа, вселенное, календарь, сорокадневье, скакун.

**Annotation:** The article deals with theoretical analyses of folklore learning scientists, scientific searches on knowledge and traditions belonging to the nature and universe of intangible cultural heritage.

**Key words:** intangible cultural heritage, folklore, tradition, belief, nature, universe, calendar, forty-day period, thoroughbred horse.

Ҳаёт абадийлигининг доимий шартларидан бири ҳар бир халқ, умуман, башарият ақлу заковати, тажрибаси янги наслларда барқарор давом этиши зарурати, ворисийликка нисбатан мангу эҳтиёждир. Қаерда узилиш рўй берса, бўшлиқ юзага келса, у ерда, албатта, таназзулга йўл очилади. Шунинг учун Юртбошимиз бундай хавфдан бизни ҳамиша огоҳ этиб, ажодлар даҳосининг муносиб давомчилари бўлишга ўргатиб келмоқда. Дарҳақиқат, “Дунёда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади.

Ҳеч қачон бўм-бўш жойда улуғ зотлар пайдо бўлмайди. Агарки қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглари, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой албатта вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади” [1. Б.118].

Зотан, одамзоднинг олам тўғрисидаги тасаввурлари, билимлари ҳаётининг тажриба ва илм-фан ютуқлари асосида бойиб, мукаммаллашиб боради.

Олимларимизнинг номоддий маданий меросининг табиат ва коинотга оид билимлар, урф-одатларга билвосита ва бевосита тааллуқли баъзи ишларига эътиборни қаратсак, бунга яна бир марта гувоҳ бўлаемиз.

Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси профессор

Ҳоди Зариф (1905 – 1972) тадқиқотларида халқимизнинг оғзаки поэтик ижоди бағрида асрлар оша яшаб келаётган табиат ва коинот билан боғлиқ билимлар, урф-одатлар ҳаётининг илдизларини очиб берувчи фикрлар эътиборни тортади. “Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар” мақоласидаги талқинлар шу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Муаллиф қадимий диний эътиқодлар ва мифларни ҳисобга олмасдан, ўзбек халқ эртақлари, топишмоқлари ва достонларидаги от образларини тўғри тушуниш ва тўғри талқин этиш мумкин эмаслигини уқтиради. Ўзбек фольклорида, шу жумладан, достонларда насли от ҳам сув билан, ҳам юлдуз билан боғланишини таъкидлаган. Отнинг сув билан боғланиши жуда қадимий тушунчаларга бориб тақалишини фольклорнинг энг қадимий жанрларидан бўлмиш топишмоқларда ҳам кўриш мумкинлигини айтиб, қуйидаги топишмоқни келтиради:

Сувдай чопайди,

Манзилга элтади.

Бу топишмоқнинг жавоби – от эканини, айтиш ҳол сув ҳақидаги топишмоқларда ҳам равшан акс этганини эслатади:

Тоғдан келар тошдай,

Ариллаган отдай.

(Сув).

Варианти:

Тоғдан келар тошлар каби,

Эгарланган отлар каби.

(Сув).

Отаси эгри-бугри,

Боласи чопқин йўрға.

(Дарё).

Бизнинг, бизнинг, бизнинг от,

Безанглайди бизнинг от,

Оёғида гул-кишан,

Гулдирайди бизнинг от.

(Дарё).

Бир отим бор, бўз,

Қора кўрса, кишнаб келар,

Ажриқ кўрса, тишлаб келар.

(Қор).

Бултур кетган бўз отим,

Бу йил келармикан-да,

Оёғида қирқ кишан,

Кишнаб келармикан-да,

Ажриқ, қамиш кўрганда,

Тишлаб келармикан-да.

(Қор, ёмғирнинг туман, ел билан келиши).

### Халқимизнинг от тўғрисидаги

**тасавурларининг ўзиёқ у ўн саккиз минг олам билан мустаҳкам боғланган ҳолда тафаккур қилишга интилганини, ҳаёти учун зарур нарсаларни – узоғини яқин қилувчи улов, умри, соғлиги гарови – егулик, ичкулик, кийимлик, бошпана ва ҳоказоларни ақлу фаросати, машаққатли меҳнати эвазига қўлга киритиб борганини тасдиқлайди.**

Мазкур мисоллардан сўнг, олим қуйидагиларни баён қилади: “Шу муносабат билан қадимги Балх дарёсининг эрамиздан олдинги номи Зариасп эканлигини эслатиб ўтиш керак бўлади. Бу мисоллар ва от ҳақидаги мифга кўра, барча тулпорларнинг отаси сув айғиридир. Демак, тулпор от сув маъбуди ёки сув маъбуди билан яқин муносабатда бўлган илоҳий кучлардан бири бўлиб, яхшиликларни ҳимоя қилишда, ёмонлик ҳамда ёвузликларга қарши курашда ёрдам беради.

От образининг бу хусусиятлари унинг сув худоси Анахит (Нохит) билан алоқаси борлигидан дарак беради. Балх дарёси – бир компоненти “асп” сўзидан иборат – Зариасп аталганидек, Зарафшон дарёси Анахит, Дайтя деб қайд этилади. Амударё туркий тилда Ўкуз (қадим грек авторларининг қайдида Уксус), “Авесто”да Анахит дейилган. II-III асрларда ижод этган Климент Александрийский Бақтрияда Афродит – Танаис номли хотин маъбуданинг ҳайкалини кўрганини ёзган. Танаис эса, қадим грек авторларининг ёзганларига кўра Сирдарёдир.

Олимларнинг текширишларига кўра, Нохит Ўрта Осиёдаги қадимий маҳаллий худолар орасида жуда катта ўрин тутган. У барча мавжудотнинг онаси бўлиб, ер ва сув маъбуди ҳисобланади. Экин ва яйловларни сув билан таъминлаш, ҳосилнинг кўпайиши, фаровонлик Нохитнинг марҳаматига боғлиқ деб тушунилган. Нохит қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқлар билан безанган гўзал хотин қиёфасида тасаввур этилган[4. Б. 76-79.].

Халқимизнинг от тўғрисидаги тасаввурларининг ўзиёқ у ўн саккиз минг олам билан мустаҳкам боғланган ҳолда тафаккур қилишга интилганини, ҳаёти учун зарур нарсаларни – узоғини яқин қилувчи улов, умри, соғлиги гарови – егулик, ичкулик, кийимлик, бошпана ва ҳоказоларни ақлу фаросати, машаққатли меҳнати эвазига қўлга киритиб борганини тасдиқлайди. Чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, балиқчилик, халқ меъморлиги, халқ табobati, пазандалик ва бошқалар ривожланиб борар экан, турмуш фаровонлигини таъминлашга имкон берган.

Халқ тулпор отлар етиштиришни ҳам, ўз ризқ-рўзи, тўй-ҳашами учун зарур ноз-неъматларни ҳам, инсоний ҳуснига файз бағишловчи кийим-кечагини ҳам бадастир қилишни билган, уддалаган.

Бу донолик ва узоқни кўзлаган меҳнатсеварлик халқ тақвимларида ҳам мужассам.

Фалакшунос С.Азизов бир мақоласида [5.] “Чилла” тушунчасининг асосини халқимизнинг “қирқ” сони билан боғлиқ анъанавий тушунчалари ташкил этишини, у қирқ кунлик муддат атамаси эканини, диний, этнографик ва тақвимий сингари уч хил талқинга эғалигини, тақвимий талқин нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, чилла ёз ва қиш фаслларининг энг иссиқ ҳамда энг совуқ қирқ кунлик вақтини англатишини, бу муддатлар ёз ва қиш “чилласи” деб аталишини таъкидлаб, “чилла” тушунчаси ва у билан боғлиқ ҳолда юзага келган анъанавий тақвимнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун ўзбек фольклоридаги рақамлар билан алоқадор халқ мақолларининг маъносини таҳлил қилиш мақсадида йил фасллари билан боғлиқ бир қатор мақоллар ва айтимларни келтиради:

“Чилла суви – тилла суви”, “Чилла – ҳар дами тилла”, “Ёз чилласин ҳар они олтиндан қиммат”, “Чилла кирса, нор туялар маст бўлар”, “Саратонда совуқ урган ҳўкизнинг шохини кўрдим, қиш чилласида пишган тариқнинг чўпини кўрдим”, “Эрта пишар навлар, қиш қирқига чидамас”, “Ёзнинг куни – юз турли, қишнинг куни – қирқ турли”, “Тўқсон тўлмай, ёз (бўлмас) чиқмас”, “Тўқсон – бир кунимча йўқсан” (аямажуз), “Тўқсон кирса, тўрғай қадамича кун узаяр”, “Мевани тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади”, “Тўқсон изғирини ўтмагунча, ток очилмайди”, “Бугун мартнинг ўн куни ўтди – сади пок бўлди”, “Саксон кун – савоқда, тўқсон кун – товоқда”, “Азиз момо олти кун, Қалтираса – қаттиқ кун, Сакранса – саккиз кун, Тўқранса – тўққиз кун, Ўқранса – ўн кун”, “Аямажуз олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун”, “Етмиш, етмишдан кейин кетмиш”, “Ёз – ёзил, қиш – қисил”, “Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир”.

Муаллиф халқ мақол ва айтимларидан келиб чиқиб, аждодларимиз вақт ҳисоби амалларини яратишда само ёритгичлари ҳаракатини кузатиш асосида орттирилган тажрибаларига суяниб иш кўрганлар, табиатда кечадиган муайян мавсумий-иқлимий қонуниятларга асосланиб, чорвадор ва деҳқон тақвимларини тузишга интилганлар, дейди.

“Агар биз юқорида келтирилган мақолларга фалакий нуқтаи назардан ёндашиб таҳлил қиладиган бўлсак, сирли бир ҳолга дуч келамиз, – деб ёзади С.Азизов. – Маълумки, самода Ой Қуёшга нисбатан терс томонда турганида, бизнинг кўз ўнгимизда тўлин ой фазода Қуёш билан бир хил катталиқда намён бўлади. Шу сабабли ҳам аждодларимиз Қуёш билан Ойни бамисоли фалакнинг икки кўзига менгашганлар. Абу Райҳон Беруний томонидан келтирилган “Қуёш билан Ой фалакнинг икки кўзи бўлгани сингари, Наврўз ва Меҳржон вақтнинг икки кўзи” деган халқ ҳикматининг моҳиятини англаймиз: кўз ўнгимизда фалакнинг бир томонидан порлоқ Қуёш ҳамда унга терс бўлган иккинчи тарафида эса тўлиной тасвири жонланади. Икки ёнида эса Наврўз билан Меҳржон шаклланади” [5. Б.43-44].

Фалакшунос мақоласи якунида қуйидаги хулосаларни баён қилади:

1. Бешлик саноқ тизими асосига қурилган мазкур тақвим йили 365 кундан иборат бўлиб, 5 га қолдиқсиз бўлинади. Ушбу тақвимнинг қисмлари 180 ва 185 кун, шунингдек, тақвим даврлари (чилла – 40, тўқсон – 90, сади пок – 100) ҳам қолдиқсиз 5 га бўлинади. Тақвимнинг ёзги ўтиш давридаги 2 кун ва деҳқон ҳисобидаги 3 куннинг умумий йиғиндиси 5 ни ҳосил қилади.

2. Маълумки, тропик йил 365,25 кундан иборат

бўлганлиги учун ҳам йилнинг қўшимча 0,25 куни кабисани келтириб чиқаради. “Чилла тақвими” эса Қуёш туриш кунлари ҳисобига ҳар қандай “хато”дан холисланиб олади ва кейинги Қуёш туришигача равон ҳисоб давом этаверади. Навбатдаги Қуёш туришида тақвим яна йиғилаётган “хато”дан холис бўлиб, йил ҳисоби тўғри ва бехато давом эттирилаверади. Мана шу тақвим ҳисобидаги “хато”дан холис бўлиш ҳодисаси, яъни илмий тилда “нул пункти” деб аталадиган жараён мавжудлиги “чилла тақвими”нинг ўзига хослигини, ноёблигини кўрсатади (таъкид бизники – О.А.).

3. Чилла тақвим ниҳоятда содда, фойдаланиш учун қулай. У мукамал, кабисасиз, мангу ва ҳисоблидир. “Чилла тақвими” кабисали тақвимлардан анча илгари пайдо бўлиб, чорвадор ҳам деҳқонларнинг тақвими сифатида амалда кенг қўлланилган. Айни пайтда бошқа тақвимлар билан бирга фаол амалда бўлган” [5. Б.47].

Фольклоршунос Ш.Турдимов С.Азизовнинг “Чилла тақвими” мақоласини шарҳлар экан, Марказий Осиё, хусусан, бизнинг аждодларимиз қадим-қадимдан яшаб келаётган икки дарё – Аму ва Сир оралиғида бу кун фан оламига маълум тақвим ва коинот ҳодисаларини кузатувчи жойлар, расадхоналардан: Зоминдаги ҳужжот, Нурота тоғларидаги қуёш тақвими билан боғлиқ қадамжолар, Қўй қирилган қалъа, Фаллаоролдаги сак тақвими ва Тошкентнинг Қўкчасидаги чиллаҳона расадхоналарининг мавжудлиги ҳам ўлкамизда йил ҳисобини аниқлаш, тақвим тузиш аънасининг қадимдан келаётганлигига гувоҳлик беришини, архиастрономия халқларнинг ана шундай фалакий билим ва тажрибаларини мавжуд оғзаки, ёзма ва ашёвий манбалар асосида ўрганишни, ҳозирги кунда амал қилаётган баъзи тақвимлар бўйича кун, ҳафта ва йил ҳамиша ҳам осмон ёритқичларининг ҳолатига мувофиқ келавермаслигини, бу эса ўз навбатида маълум қийинчиликлар, ноаниқликларни келтириб чиқаришини, халқимиз орасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган “чилла” каби тақвимлар, аввало, йил ҳисобига табиий ёндашганлиги билан ажралиб туришини таъкидлаб, шундай дейди: “Аслини олганда, “чилла” ҳисоби аждодларимизнинг кун, ҳафта, ой, йил ва бошқа даврий ўлчамлар ҳақидаги улкан тасаввурлари оламини жамловчи яхлит ҳисоб тизимининг бир қисмидир. Чилла, бурж (зодиак), мучал ва бошқа ўлчамларни жамловчи ушбу тизим аниқ тадқиқ этилиб, бу кунги фан ютуқлари, тажрибалари асосида кенг ўрганилса, бизга бобомерос бўлиб келаётган аънавий халқ тақвими ва вақт ҳисобидан унумли фойдаланиш имконига эга бўламиз. Зеро, аждодларимиз неча минг-минг йиллар давомида ана шу тизим асосида иш олиб борган” [6. Б.46-47].

Зотан, миллий тақвимларимизни яхлит, тизимли (системали) ўрганиш уларнинг асл моҳиятини, жаҳон халқлари тақвимлари билан уйғун ва ўзига хос жиҳатларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Олимларимиз шу тариқа бадиий ҳақиқатлар замиридаги ҳаётий ҳақиқатларни тобора тўла-тўкис намоён этишга имкон яратишмоқда. Профессор М.Жўраев “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” ўқув қўлланмасида (2008) анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ бўлган мавсумий маросим фольклорининг маънавий қадриятлар силсиласидаги аҳамиятини тадқиқ этган. Биз унинг умумий мазмуни қисқача баённи келтирамиз:

Ўлкамизда деҳқончилик маданияти ва чорвачилик анъаналари юксак даражада тараққий қилган, шунинг учун ҳам халқ тақвимининг бир неча хил усуллари келиб чиққан. “Ҳисобдонларнинг маълумотларига қараганда, илгарилари ота-боболаримиз вақт ҳисобини юритишда қуйидаги усуллардан фойдаланишган: 1) Ернинг қуёш атрофидаги даврий айланишига асосланган шамсий тақвим; 2) Ой фазаларининг ўзгариши ва ҳаракатига асосланган қамарий тақвим; 3) мавсумий қушларнинг кўкламги учиб келиши ва кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетиш муддатларига асосланган “қуш қайи” ёки “долға ҳисоби”; 4) Хулқар юлдузи билан ойнанинг ҳаракат йўналишидаги муайян кесишув муддатларига асосланган “тўғал” ёки “тўқуш ҳисоби”; 5) ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиши муддатларини ўз ичига олган “тошув ҳисоби”; 6) деҳқончилик йилидаги экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йиғиб олиш муддатларини англлатувчи “деҳқон ҳисоби”; 7) чорвадорларнинг чорва йили давомида бажарадиган дудум ва амалларини ўзида мужассамлаштирган “чорва ҳисоби”; 8) ёз ва қишнинг энг иссиқ ҳамда энг совуқ қирқ кунлик муддатлари билан боғлиқ халқ қарашлари асосида келиб чиққан “чилла ҳисоби”; 9) Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий шароитида экинларнинг пишиб етилиш муддатларини белгиловчи “юз ҳисоби”; 10) фасллар алмашинувидаги фенологик кузатувлар маҳсули бўлган “тўқсон ҳисоби”; 11) юлдузлар ҳаракатини кузатиш асносида келиб чиққан “юлдуз ҳисоби”; 12) “мучал ҳисоби” [7. Б.5].

Айни пайтда эл орасида фасллар билан боғлиқ “Қор хат”, “Шерда”, “Бойчечак хабари”, “Қозон тўлди”, “Наврўз”, “Шохмойлар”, “Лола сайли”, “Обло барака”, “Суст хотин”, “Чоймомо”, “Ё Ҳайдар” каби табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар негизи бўлмиш маросимлар шаклланган.

Аждодларимиз календарь-тақвим яратиш учун самовий жисмлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини асос қилиб олганлар. Халқимизнинг жуда қадимий тақвимлари

табиат ҳодисаларини узоқ вақт давомида муттасил кузатиб бориш, катта ҳаётий тажриба ва турмуш кўникмалари мажмуасидир.

Халқимиз йил фасллари ва ойлари, ўлкамизнинг табиий-иқлимий шароити ҳақида жуда кўп мақоллар, маталлар ва эътиқодий қарашлар яратганлар. Бу ҳикматлар ҳаётда ўз ўрнида қўлланилган.

Қадимги аждодларимиз тафаккури учун хос бўлган хусусиятлардан бири барча жонсиз нарсалар, табиат ҳодисаларини жонлантириш, уларга инсонларга хос ижобий ёки салбий хусусиятларни нисбат бериш бўлган. Шу сабабли мифлар, афсоналарда қуёш ҳам, ой ҳам инсонлардек ҳаракат қилади. Ака шамол – катта чилла қила олмаган ишни ўйинқароқ ука шамол – кичик чилла бажаришга уринади. Севишганлар Худо иродаси билан балиққа айланиб, Хут буржиги абадий жойлашиб оладилар. Аямажунинг болалари унинг шамол қопи билан ўйнайдилар ва ҳ.

Жонлантирилган табиат ҳодисаларининг ҳам одамлардан ўз талаблари бор. Бу талаблар эса иримларни келтириб чиқарган.

Ҳисобдонлар табиат ҳодисаларини аввалдан билишга, ўз турмушларида улардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Халқ тақвимларини яхши билиш ва уларни зарур вақтда қўллаш фойдадан холи эмас. “Биз ҳар қандай маросим, урф-одат, ирим-сиримлар, ишончлар таркибида у ёки бу даражада архаик ёки замонавий диний элементлар мавжудлигини маъқуллаб, ўзбек маросим фольклори жанрларини тасниф қилиш билан боғлиқ илмий қарашлар орасида профессор Т.Мирзаев томонидан илгари сурилган классификация ҳар жиҳатдан асосли деб ўйлаймиз. Олимнинг қайд қилишича, ўзбек маросим фольклори “мавсумий маросимлар фольклори”, “оилавий-маиший маросимлар фольклори” ва “диний-ибодат маросимлар фольклори”га бўлинади... Халқ тақвими ва у билан боғлиқ фольклор жанрларининг мукамал таснифини яратиш ҳамда ҳар бир жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини, тарихий-генетик илдизлари, ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш ўзбек маросим фольклорининг поэтик табиатини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади”, – дейди муаллиф ва ўзбек халқ тақвимининг тарихий асослари, деҳқон ва чорва ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда йил фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар фольклорининг жанрлар тизими хусусида сўз юритади [3. Б.8-9.].

Албатта, олимларимизнинг бу каби таҳлиллари, илмий хулосалари кенг ҳаётий миқёсда амал қилгандагина чинакам қадрга эришади. Мамлакатимизда чинакам

маънавий ворисларни, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш йўлида олиб борилаётган улугвор хайрли ишлар ўз эзгу самараларини бераётгани эса айна ҳақиқатдир.

Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури [2.] ижроси давомида, номоддий маданий меросни, жумладан, табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларни илмий ўрганиш ва илмий талқин қилиш ёшларимиз инсонпарварлик, ватанпарварлик, ворислик, меҳнаткашлик, садоқат руҳида тобора камол касб этиши учун имкон беради. Бу эса айна муддаодир. Зеро, “Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин” [1. Б.75].

Бундай инсоний камолга эришиш ҳозирда бутун жаҳон ҳамжамиятининг юксак мақсадига айланган. “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция”да белгиланганидек, “Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англа-тади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар

томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади” [3. Б.4].

Номоддий маданий мероснинг ушбу қонуний мақоми Ҳукуматимиз қарорларида, маълум меъёрий ҳужжатларда, шунингдек, илмий тадқиқот ишларида, унинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари, жумладан, вақтли матбуот, радио, телевидение, интернет тармоқлари орқали кенг омма ва жаҳон ҳамжамияти диққатига етказишида дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикаимиз оммавий ахборот воситалари номоддий маданий меросни, жумладан, унинг илмий талқинларини ёритиш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Аммо бу эзгу фаолият янада миқёсли, теран бўлишига эришиш ниҳоятда зарурдир. Зеро, барча соҳаларда, чунончи, номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишлар ҳам оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага тўғри етказилгандагина, жамоатчилик фикри уйғонади, шаклланади, катта кучга айланади. Бу ижодий жараёни ўрганиш, ўзига хосликларни аниқлаш, келгусидаги фаолият самараларини башорат қилиш муҳим эканлиги сир эмас. Ушбу эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиш барчамизни хушнуд этади, айна пайтда ўз зиммамиздаги катта масъулиятни бир зум бўлсин унутмасликни тақозо этади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -304 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 – 2020 – йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 7 октябрь, 222-сонли қарори.
3. Номоддий маданий мерос бўйича меъёрий ҳужжатлар (тўплам) // –Тошкент: Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, 2012. -108 б.
4. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир. (Редколлегия: Т.Мирзаев (маъсул муҳаррир) ва бошқ.) –Тошкент: Фан, 1976. -164 б.
5. Азизов С. Чилла таквими // Соғлом авлод учун, 2002, №3. -42-47 б
6. Турдимов Ш. Изланишлар давом этади. // Соғлом авлод учун, 2002, №3. -46-47 б
7. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори: ўқув қўлланма. –Тошкент: Фан, 2008. -292 б.



# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТОМОША САНЪАТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** Ушбу мақола Ўзбек халқ томоша санъати ривожига миллий ғоянинг ўрнига бағишланган. Унда кейинги йилларда халқ томошалари, байрамлар ва маданий тадбирлардаги трансформацион ўзгаришлар масаласи батафсил ўрганган.

**Калим сўзлар:** миллий ғоя, томоша санъати, байрам, фольклор, трансформация.

**Аннотация:** В данной статье основное внимание уделяется значению национальной идеи в развитии народного творчества в Узбекистане. Рассматриваются трансформационные изменения, происходящих в общественных мероприятиях, праздниках и культурных мероприятиях.

**Ключевые слова:** национальная идея, полевое искусство, праздник, фольклор, трансформация.

**Summary:** In this article the main attention is paid to the national idea of development of folk art in Uzbekistan. In recent years it has been studied in details concerning to transformations in public actions, holidays and cultural events.

**Keywords:** national idea, field art, holiday, folklore, transformation.

Мустақиллик даврида ўзбек халқининг томоша санъати соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар юзага келди. Томоша санъатининг назарияси масаласи ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, миллий ғоя ва миллий мафқураси асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, миллий ғоянинг томоша санъатига таъсирини кенгайтириш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳозирда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида коммунистик ғоя тарғиботида томоша санъатидан унумли фойдаланилган. Жумладан, “Коммунистик педагогика”, “социалистик томошалар, маросимлар”, “Қизил тўй”, “Комсомол тўй” каби тушунчалар ёшлар онги ва дунёқарашига сингдириш билан бирга, уларнинг кундалик турмушига ҳам олиб кирдилар. Шу билан бирга, ўзбек миллий аънавалари, урф-одатлари, миллий тарихи ва миллий ўзликни англашга хизмат қилувчи барча соҳа ва йўналишларга қарши фаол тарғибот ишлари олиб борилди. Оқибатда, ўзбек халқининг миллий томоша санъатининг ривожига жиддий тўсиқлар қўйилди, турли дабдабаозликлар юзага келтирилди.

Мустақиллик ўзбек халқининг ушбу тўсиқлардан ҳам руҳан, ҳам жисмонан озод қилди. Миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва миллий ўзликни англашда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, миллий тилимиз бўлган ўзбек тилининг обрўси қайтарилди, Ўзбекистон тарихини ҳаққоний яратиш бўйича кўрсатмалар берилди, миллий байрамимиз бўлган “Наврўз” байрамини нишонлаш тўғрисида фармон эълон қилинди, диний

қадриятлар тикланди, тарихий шаҳарларимиз ва буюк алломаларимиз юбилейлари нишонлана бошланди. Шу билан бирга, ўзбек халқининг миллий томошалари замон руҳи ва аждодлар мероси асосида қайта ўтказила бошланди.

Халқ томошалари орасида “тарғибот характерига эга бўлган бадиий тантаналар” бевосита миллий ғоя билан боғлиқ ҳисобланади. “Театрлаштирилган майдон томошалари тарғибот қилиш мақсадида ўтказиладиган турлари асосан ғоялар, қарашлар, назариялар, билимлар ва концепцияларни тарғиб қилиш, аҳолининг турли қатламлари орасида кенг оммалаштиришни кўзда тутуди” [7.Б.96]. Бу каби тадбирларда мамлакат миқёсида амалга оширилган улкан янгиланишлар, яратувчилик ва бунёдкорлик борасида амалга оширилган ишлар, иқтисодий ва маънавий ҳаётда қўлга киритилган ютуқлар тарғиб этилади. Мустақиллик туфайли амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилиш мақсадида собиқ Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маънавий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ташкил этилган “Халқ ижоди поезди” томонидан ўтказилган тадбирлар театрлаштирилган майдон томошаларининг ана шу типига мансуб дейиш мумкин. Мазкур “Халқ ижоди поезди” таркибидаги санъаткорлар, ижодкорлар, журналистлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари (2005), Фарғона водийси (2007), Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари (2008), Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига (2009) ижодий



сафар қилиб, шаҳар ва қишлоқлардаги ўйингоҳларда, сайилгоҳларда бадиий-маърифий тадбирларда иштирок этишди. 2017 йилда “Наврўз” байрами Республиканинг 200 дан ортиқ ҳудудларида нишонланди.

Тарғибот мақсадидаги театрлаштирилган томошаларда муайян ғояни бадиий чиқишлар орқали оммалаштириш билан бир қаторда мусиқа ва сўз санъати, қўшиқчилик, рақс, замонавий техника воситалари, декорацияси (плакатлар, панорамалар, паннолар, стендлар, кўргазмалар)дан ҳам фойдаланилади.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафқуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимизнинг жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда миллий аъналаримизни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабазликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу урф-одат ва аъналарнинг асосий қисми оилада ва оила аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилавий аъналар мафқуравий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Масалан, инсонпарвар, юсак эътиқодли, бағрикенг, меҳр-оқибатли одамларни вояга етказишда кенг маънодаги толерантлик, оилавий муносабатлардаги инсонийлик тамойиллари муҳим ўрин тутди. Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус аъналарининг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган ҳашарлар, чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ ҳамма тадбирлар эзгуликка, яъни соғлом мафқуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Байрамлар маънавий соҳанинг таркибий қисми сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди, давлатнинг асосий эътиборидаги омилга айланди. Байрамлар ёшларни миллий ғоя ва мафқура руҳида тарбиялашда муҳим ўрин туртади. Профессор Б. Сайфуллаевнинг фикрича, “Байрамларга (жумладан, тадбир сценарийси ва режиссурасига) оид кўрик-танловлар ўтказиб туриш яхши натижа беради. Таълим муассасаларида байрам-маросимларни ўтказиш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда. Бунинг учун ёшлар ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш жуда муҳим. Таълим муассасаларида байрамларни ташкил этишда айнан ёшлар фаолиятдан кенг фойдаланишимиз

маънавий ишларнинг самарасини оширади”[6.Б.35].

Ўзбек халқ томоша санъатининг ёшлар маънавияти ва дунёқарашига таъсир даражаларини чуқур ва атрофлича ўрганиш лозим. Айниқса, миллий истиқлол ғояси асосида яратилган асарларни саҳнага олиб чиқишда ёш хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Маълумки, педагогик жиҳатдан ҳозирги ёшларнинг ёш хусусиятларига кўра уч гуруҳга ажратилади. Биринчиси, мактабгача тарбия ёшидаги болалар (2 – 7 ёш), иккинчиси мактаб ёшидаги кичик ёшли болалар (7 – 12 ёш), учинчиси ўрта ва катта ёшдаги болалар (12 – 20 ёш). Бунда албатта майдон томошаларининг сценарийсини ёзаётганда болаларнинг ёш жиҳатдан характери, психологияси, уларнинг тили, ўзига хос сюжетлари, конфликт моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус аъналарининг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган ҳашарлар, чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ ҳамма тадбирлар эзгуликка, яъни соғлом мафқуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.**

Ўзбек халқининг қадимдан шаклланиб келган майдон томошалари ёш хусусиятларига кўра ажратилмайди. Чунки бу томошаларнинг ташкил этувчиси, ижро этувчиси ҳам халқнинг ўзи ҳисобланади. Миллий истиқлол ғоясининг манбавий ва тарихий асосларидан бири бўлган бу халқ томоша санъати катталарга ҳам, ёш болаларга ҳам бирдек мос келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 50 ёшдан юқори бўлган авлод катта тажрибага эга бўлиб, уларда олдинги авлод ва ўзлари босиб ўтган йўл ва ҳаёт тажрибасига, шу асосда миллий ғояга ишонч ва ҳурмат кучли бўлади. Бу эътиқод ва тафаккур тарзида муайян консерватизмни юзага келтиради, аммо бу умуман салбий ҳолат ҳисобланмайди, балки жамият тараққиётининг муҳим бир зарурий омилидир. Буюк хитой файласуфи Конфуций айтганидек, “Ахлоқда консерватив бўлиш билан янгиликларга интилиш бир-

бирини тўлдирувчи жараёндин”. Бунёдкор “консерватив онг” [8.Б.25] мураккаб масалаларнинг оқибатини ўйламай шошма–шошарлик билан ҳал этиб, ишончли тўсиқ бўлади ва жамиятни реал имкониятлар билан боғлаб ўзига хос мувозанатлаштиради. Тараққиёт инсон ва жамият фаолиятига таянч ҳисобланган ғояларнинг такомиллашиб бориши асосида амалга ошади.

Миллий ғоянинг муҳим жиҳатларидан бири халқимизнинг тарихий хотираси, кишиларнинг ўз она–юрти ва халқининг ўтмишига бўлган чексиз хурмати,

**“Буюк соҳибқирон Амир Тему**  
**р бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда**  
**ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган**  
**чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун**  
**ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”, деган**  
**эзгу даъвати буюк бобокалонимизга юксак**  
**эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.**

ифтихоридир. Ўзбеклар кечмишида бу омил ҳам ҳар доим устувор бўлганки, унинг асосий сабаби Ўзбекистоннинг ягона ватанимиз эканлиги, шу тупроқда асрлар давомида аждодларимиз истиқомат қилганлиги ва унда келажак авлодларнинг ҳам яшаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ.

Тарихини асраш ва эъзозлаш, унга бўлган эҳтиром ўзбекистонликлар қадриятига айланиб, уларнинг қон–қонига сингиб кетган миллий анъана ҳисобланади. Шу боис, миллий қаҳрамонларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилейларини нишонлаш анъанага айланиб, уларнинг Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги ва Юрт тинчлиги учун қилган барча ишлари майдон томошаларида намойиш қилинади. Буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Имом ат Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Тему, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқаларнинг сиймоларини саҳна ёки майдон томошаларида яратиш драматург ва актёрларимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунда албатта тарихчи, рассом, ёзувчилар биргалиқда

ўз илмий изланишлари ва ижодий фаолиятларини олиб боришга тўғри келади.

Майдон томошалари саҳнасида Амир Темурунинг сиймосини олиб чиққан актёр Т. Мўминов режиссёр, рассом, пардозчи ёрдамида Амир Темурунинг қиёфасини топиш ва образини яратишга маъсулиятини чуқур ҳис этган холда жиддий ёндашган. Авваламбор, соҳибқироннинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилиб Амир Темурунинг руҳини ҳис этиш, ўша XIV аср муҳитига сингишга интилган. У сочини тақир қилиб олдирган, бир оёқда оқсоқланиб юришга ўрганган. Малик Набиевнинг портретидаги чеҳрага ўхшаб грим қилган, бирин–кетин либосларини кияр экан, актёр ўзини Амир Темуру қиёфасини ҳис қилган, яъни актёр ташқи кўринишини ички мазмун билан тўлдирди олган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов буюк аллома Аҳмад ал Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан унга ўрнатилган ҳайкални очиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Боғдода, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз кашфиётлари билан шухрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамиша туғилиб ўсган юртини соғиниб яшаган. Она ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли, ҳар бир одамга хос хусусиятдир” [4.Б.190]. Бу билан юртимиз ўз тарихига нисбатан чексиз эҳтиром барча фуқароларга хос бўлиши зарурлигини таъкидламоқда. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Буюк соҳибқирон Амир Темуру бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”, деган эзгу даъвати буюк бобокалонимизга юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир[3].

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, жоиз бўлса, ўзига хос “шарқона ахлоқ кодекси”ни ишлаб чиққан. Комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун–бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илхомлантирган[7.Б.56].

Халқ томошалари театр ва кино санъатидан фарқли ўлароқ кенг доирада, яъни майдонда олиб борилган. Уларда санъаткорлардан тортиб, оддий фуқаро ҳисобланган томошабинлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган. Мусиқа санъати намоёндалари эстрада ва мумтоз

мақом кўшиқчилари ҳам иштирок этадилар. Эстрада кўшиқчилари халқ маросимлар ва меҳнат кўшиқларини аранжировка асосида ижро этиб келмоқда.

Мустақиллик байрамлари ва маданий тадбирларда эстрада вакиллари Равшан Номозов, Маҳмуд Номозов, Сайёра Қозиева сурхон воҳасининг мусиқа оҳанглари, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Абдували Йўлдошев, Яҳёбек Мўминовлар Фарғона-Тошкент йўналишида, Оғабек Собиров, Хулкар Абдуллаева Хоразм услубида ижро этишган. Ушбу тадбирларда албатта Ватани мадҳ этувчи кўшиқлар, жумладан, Фаррух Зокировнинг “Юрт ишқида ёнаман”, Севара Назархоннинг “Улуғимсан Ватаним”, Юлдуз Усмонованинг “Элим”, Гулсанам Мамазоитованинг “Ўзбекистон” кўшиқлари кўпроқ ижро этилиши ёш авлод қалбида Ватан туйғусини шакллантириб боради. Шунингдек, турли фольклор-этнографик ансамблларнинг ижроси ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Саҳна санъати инсонларга нафақат завқ шавқ бахш этади, айни вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир”[4]. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори[2] га мувофиқ, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом фестивали ўтказиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг томоша санъати, театрлашган майдон томошалар ва уларнинг

таъсир кучи замирида маънавий тарбияни, миллий истиқлол ғояларини халқимиз онгига сингдириш асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини очиб бериш, бугунги ҳаёт воқелигини орзу-умидларимизни акс эттирадиган театрлаштирилган майдон томошалари ва санъат асарлари яратишга эътиборни қаратиш, ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, буюк аждодларимиз ва замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш, истиқлол мафқурасига зид бўлган ғояларнинг кирдикорларини очиб беришга қаратилган санъат асарлари яратиш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий ҳамкорлик каби умуминсоний ғоялар сингдирилган томоша санъати ва байрам тадбирларини ташкил қилиш, буларнинг барчаси миллий истиқлол ғоясини, маънавият сарчашмаларини сингдириш борасида асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Ўзбек халқининг миллий томоша санъатини ривожлантириш борасида қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим:

- ўзбек халқига оид томоша санъатининг назарияси борасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар сонини кўпайтириш лозим;

- ушбу тадқиқотларда миллий ғоя ва миллий мафкура асосида ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавиятини шакллантириш учун турли маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш керак.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Миллий театримиз – ифтихоримиз. Тошкент шаҳридаги Академий Драма театри янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи. -2001. 30 авг.
2. Каримов И.А. Миллий театримиз – ифтихоримиз. Тошкент шаҳрида Академик Драма театри янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи. -2001. 30 авг.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
4. Мирзиёев Ш.М. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи. - 2017. 16 февр.
5. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи. -2017. 17 ноя.
6. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси. -2016. 14 дек.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Академия, 2007.
8. Сайфуллаев Б. Томоша санъати тарихи ва назарияси. –Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти, 2014.
9. Френкин А. Уровни правового сознания // Вопросы философии. -2001. № 9. -С.25-35.
10. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // www. Lex.uz.



# МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ МАСАЛАСИ

**Аннотация:** Мақола мусиқа дарсларини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига асосий эътиборни қаратиш орқали ташкил этишига бағишланган.

**Калим сўзлар:** Ёш хусусиятлари, ёш даврлари, педагогик компетентлик, “Мен-концепция”, сензитив давр, ўсмирлик даври, педагогик мулоқот, мусиқий диагностика.

**Аннотация:** Статья посвящена организации учебного процесса с учетом возрастных особенностей детей.

**Ключевые слова:** Возрастные особенности, возрастной период, педагогическая компетентность, “Я-концепция”, сензитивный период, подростковый период, педагогическое общение, музыкальная диагностика.

**Annotation:** The Article is dedicated to organization of the scholastic process taking into consideration age particularities of children.

**Keywords:** the age particularities, age period, pedagogical competency, «I-concept», favourable period, teenager period, pedagogical contact, music diagnostics.

Умумий ўрта таълим мактаби мусиқа таълимида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълимни ташкил этиш орқали миллий ва умумжаҳон мусиқа маданияти борасида мушоҳада юрита оладиган, юксак дидли тингловчини тарбиялаш устувор вазифа сифатида илгари сурилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 8 августда имзоланган “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда ҳам юқоридаги вазифалар алоҳида таъкидланган [1].

Ўқитувчи болаларни мусиқа оламига жалб этар экан, дастлабки машғулотлардан бошлаб уларни тингланаётган ёки ижро этилаётган мусиқа асарининг матни ва оҳанг йўналишларига эътибор қаратишга, сўзларининг маъзани чақишга ўргатиб бориши лозим. Айниқса, мусиқанинг бадий мазмунига мос кечинма, кайфият ва ҳолатни яратиши, шунингдек, ижро жараёнида мусиқа асарида ифодаланган бадий кайфият ва кечинмаларни ўз эмоцияларида яққол намоён этиши ва шу орқали ўқувчиларда ҳам мақбул кайфият ва кечинмаларни ҳосил қилишга эришиши муҳимдир.

Замонавий мусиқа педагогикаси ва психологиясида мусиқийлик кўп қўлланилмоқда. Бунда – товуш баландлигини фарқлаш билан боғлиқ мусиқий эшитиш қобилияти ва ижро фаолияти назарда тутилади. Мусиқийликнинг асосида мусиқий қобилиятлар туради ва у махсус ривожлантирилганда интеллектуал имкониятларни ҳам шакллантиришга шарт-шароит яратади.

Мусиқий фаолиятда ўқувчиларнинг тактил-кинестетик (чолғу ижрочилигида бармоқлар сезгиси) ҳамда

мотор-ҳаракат (чолғу ижросида бош мия буйруғининг бармоқларда акс этиши) фаолияти хусусиятлари мусиқийликнинг муҳим характеристикаси бўлиб, уларнинг мусиқадаги асосий хусусият – унинг вақт билан боғлиқ табиатини идрок этиш ва сифатли ижрони таъминлайдиган суръат, метр-ритм қобилиятларининг намоён бўлишига шароит яратади.

Ушбу сифатлар мусиқий педагогик компетентликнинг дастлабки талаби бўлиб, мусиқа дарсини юқори савияда ташкил этишда кейинги босқич учун талаб бўлиб ҳисобланади ва анча мураккабдир.

Ижро жараёнидаги ўз-ўзини танқид ва ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти ўқитувчида “Мен-концепция”нинг шаклланиши билан ҳам боғлиқдир. У ўзига идрок объекти сифатида қараб, ижодий фаолияти йўналишини олдиндан тасаввур қилмас экан, аниқ педагогик натижаларга эришиши қийин. Шу боис, ўз ижросини тинглаб, назорат қила олиш қобилияти нафақат тинглай олиш имкониятлари билан, балки “Мен-концепция” шаклланиши орқали намоён бўладиган етуклик билан ҳам боғлиқ.

Мусиқий фаолиятда юқори самарадорликни таъминлаш учун ўқувчиларнинг темпераменти ва шахс тузилиши хусусиятларини аниқлаш муҳимдир. Бунинг учун ўқитувчига турли психологик тест ва саволномалар ёрдам беради. Айзенк, Кэттел, Люшер, Леонгард, Тейлор, Спильбергер тестлари қайта ишлаш учун энгил, ҳажм жиҳатидан ихчам бўлиб истиқболда ўқувчиларни касбга йўналтириш муаммосини ечишда ёрдам беради.

Ўқувчилардаги нейротизм (беқарорлик, кўзгалувчанлик, хавотирланиш ва ўзига ишончсизлик билан намоён бўладиган шахс характери белгиси) даражасини ва

экстраверсия-интроверсия (шахс хоссаларини ўлчаш кўрсаткичи ёки категориялаш мезони) омилини аниқлаш учун Айзенк тести қулайдир [2.Б.38, 97].

Юқори даражадаги нейротизм ифодаланган ўқувчилар нисбатан асабий, қизиққон, таъсирланувчанлик хусусиятларига эга бўлишади. Нейротизмнинг паст даражасини намоён этувчи ўқувчилар эса мувозанатли, муросасоз ва ўз-ўзини юқори баҳолайдиганлардир.

Экстравертлар мулоқотманд, ташқи оламга қаратилган, ижтимоий муҳитга тез мослашувчан бўлишади. Интровертлар эса, ўз ички дунёсига қаратилган ёпиқлик, ёлғизликка мойилликни намоён этишади. Ўқувчилар билан касб танлаш муаммолари хусусида фикр юритганда куйидагиларни ҳисобга олиш фойдалидир.

Табиий хусусиятлар боланинг муסיқа бўйича эгаллайдиган ютуқлари даражасига таъсир қилиши мумкин. Масалан, муסיқий қобилият куртакларида туғма индивидуал хусусиятлар намоён бўлади. Шу сабабли баъзи болалар бошқаларидан муסיқий фаолиятни амалга ошириш имконияти жиҳатидан устун туришади. Шу маънода олганда болалар ўз қобилиятларини бир хилда ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи табиий лаёқатлар (куртаклар) ўқувчиларнинг муסיқий ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам, улар ривожлантирилмаса ҳеч қандай изсиз йўқолиши мумкин.

Боланинг айрим ёш даврларида психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади. Ана шундай ёш даврлари психологияда сензитив даврлар деб аталади (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев). Сензитивлик даврига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти, айрим психик жараёнлар ва хусусиятлар, шунингдек, ҳаётий тажриба сабаб бўлади.

Муסיқа билан шуғулланиш махсус қобилиятлар асосида амалга оширилишини тақозо этганлиги боис, ушбу қобилиятларнинг кучли намоён этилиши 5-7 ёшларда кўзга ташланади. Бу ёш болаларнинг фаол муסיқий ривожланиш ёши бўлиб, қобилиятлари аниқланган болалар билан махсус машғуллотлар ташкил этилса, улардан келажакда яхши мутахассислар тайёрлаш мумкин. Бинобарин, “Боланинг муסיқий муваффақиятлари туғма имкониятлар ва муסיқий тажрибанинг натижасидир” [3.Б.22].

Кичик мактаб ёши даврида ёзма нутқ шакллана бошлайди. Бу орқали болаларда расм чизиш, тинглаган муסיқа асари борасида фикр билдириш, уни расмларда ифодалаш, кўрган расмларига таҳлилий баҳо бериш кўникма ва малакалари шакллана бошлайди. Муסיқий таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимлар кўлами кенгаяди, муסיқий қизиқишлари, бадиий тафаккурининг

фаоллиги ортади, бадиий-ижодий изланиши ривожланади. Мазкур ёшдаги болалар ўз муסיқий идрокининг аниқлиги, раволиги, ўткирлиги билан бошқа ёш даврдагилардан фарқ қилади.

Биринчи синфга келган бола кўшиқларни тинглаб ажрата олади, тинглаган нотаниш муסיқасидаги кайфиятни, темпни фарқлайди, уларни бошқа муסיқа намуналари билан таққослай олади. Шунинг учун ҳам кўшиқ ва куйларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола муסיқада реал ҳаёт бадиий образлар орқали тасвирланганлигини била бошлаши натижасида унда эстетик ва бадиий дид ривожланиб боради. Чунки, бола муסיқа оҳанглари орқали олам гўзаллигини, унинг ранг-баранглигини англайди, ажратади ва унга ўз муносабатини билдира бошлайди.

**Муסיқий тафаккур ривожланишини кичик мактаб ёшидаги бола руҳиятининг саломатлигида, унинг бадиий билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг муסיқий қизиқувчанлиги, асосан турли чолғу созлари товуши, муסיқа жанрларини билиши, ўрганишига қаратилган бўлади.**

Муסיқий тафаккур ривожланишини кичик мактаб ёшидаги бола руҳиятининг саломатлигида, унинг бадиий билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг муסיқий қизиқувчанлиги, асосан турли чолғу созлари товуши, муסיқа жанрларини билиши, ўрганишига қаратилган бўлади.

Бола муסיқага қанчалик қизиқса, шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар асосан хилма-хил бўлади. Болани торли, чертиб чалинадиган ёки клавишли чолғу асбоблар қандай ижро этилиши, улардан қандай қилиб товуш чиқарилиши қизиқтиради. Бу уларнинг “нима учун?”, “қандай қилиб?”, “нима орқали?” каби саволларга жавоб олишига қаратилган бўлади. Бу ёшдаги болалар асосан ўзлари кўриб турган нарса ҳақида чуқурроқ фикр юрита оладилар. “Н.Ф.Добринин диққатни киши психик фаолиятини бирон-бир объектга йўналтириш ва тўплаш

билан бошқа объектлардан чалғиш феномени орқали тушунтирди” [4.Б.329].

Болаларда ихтиёрсиз диққат кўпроқ ривожланади. Бошланғич синф мусиқа ўқув материалларининг жозибадорлиги ўқувчида беихтиёр ёрқин ҳис-туйғулар уйғотади. Бу эса уларда иродавий зўриқишсиз, осонгина мусиқа фани асосларини эгаллаш имконини яратади. 1-, 2-синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун ҳам улар ўз диққатини тинглаш ёки куйлаш жараёнида керагича бошқара олмайдилар, ўқитувчи бу ҳолатларни назарда тутган ҳолда педагогик фаолиятни амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Кичик мактаб ёши даврида тасаввур асосан болалар кўшиқ куйлаганида, расм чизганларида, эртақ ва ҳикоялар тўқиётганларида ривожланади. Бола тасаввур қилиб атроф-муҳитни чуқурроқ била бошлайди, шахсий тажрибасидан тасаввур ва фантазия ёрдамида четга чиқа олади, шу орқали ижодий лаёқати ривожланади.

**Ўсмирлик даврида етакчи фаолият – бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолияти бўлганлиги боис, мусиқа таълимида юқори самарадорликка эришиш имкони бор. Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатига имитация (тақлид) қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиладилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит – бу умумий фаолият билан шуғулланишдир.**

Ўқувчининг мусиқий билимларни эгаллашга қизиқиши ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис мусиқа ўқитувчисининг рағбатлантириши билан амалга оширилади ва ўқувчида янада кенгроқ мусиқий билимларга эга бўлиш истагини шакллантиради. Яхши ижроси натижасида рағбатлантирилган ўқувчида пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳисси мусиқий билимларни ўзлаштириш ва малакалар ривожланишига хизмат қилади. Бунда ўқитувчининг муомала ва муносабат услуби ўқувчининг

хатти-ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатади.

Болаларнинг индивидуаллиги (ўзига хослиги) уларнинг мусиқий билиш жараёнида яққол кўринади. Бу даврда болаларнинг мусиқий билимлари ошиб боради ва чуқурлашади, кўникма ва малакалари такомиллашади. 3, 4-синфларга келиб болаларда муваффақиятга эришиш мотиви мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болаларда идрок, диққат, хотира, тафаккур ва нутқ тўлиқ шаклланиб бўлгани учун ҳам уларга мусиқа таълими беришда қисман ўсмирларда қўлланиладиган услублардан фойдаланиш мумкин.

Ўсмирлик 10-11 ёшлардан 14-15 ёшларгача бўлган даврни ташкил этади. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш асосан 5-синфлардан бошланади. Ўсмирлар ўзларининг мусиқий лаёқат, қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ва ўқитувчиларига кўрсатишга интиладилар.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият – бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолияти бўлганлиги боис, мусиқа таълимида юқори самарадорликка эришиш имкони бор. Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатига имитация (тақлид) қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиладилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит – бу умумий фаолият билан шуғулланишдир. Умумий фаолият эса – хорда куйлаш, мактаб бадий тадбирига тайёрланиш кабилар бўлиши мумкин.

Ўсмирларга машғулотларнинг мустақил шакллари ёқади. Бошқа ёш даври болаларига нисбатан ўсмирларнинг мусиқа маданияти фанини муваффақиятли ўзлаштириши, қизиқишларининг ортиши ўқитувчининг мусиқа ўқув материални қанчалик тушунтира олиш маҳоратига боғлиқ.

Бу даврда ўқиш фаолиятининг янги мотивлари юзага келади. Бу мотивлар ўсмирнинг ҳаётий режалари, келажак касби ва идеали билан боғлиқ бўлади. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, болалар ҳаётий, илмий, бадий билимларни кенгайтиришга алоҳида эҳтиёж сезадилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Бу касб танлаш билан боғлиқ бўлиб, мусиқа фани ўқитувчиси ўқувчиларни мусиқа санъати соҳасига қизиқтириши муҳимдир.

Мусиқий диагностика замонавий умумий мусиқий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари негизда уларнинг мусиқий билимлари ҳажмини ўлчаш ва шу орқали тегишли таълим методларини танлашга эришишни кўзда туттади.

“Бугунги кун мусиқа педагогикаси амалиётида мусиқий диагностиканинг қуйидаги йўналишларидан изчил фойдаланиш имкони мавжуд.

1. Ўқувчининг индивидуал мусиқий имкониятлари ва мусиқий ривожланиши динамикасини объектив баҳолаш орқали илмий асосланган ва дифференциаллашган мусиқий таълимни ташкил этиш.

2. Психодиагностик методлар воситасида ўқувчилар билан махсус (иқтидорли ўқувчилар учун), умумий ёки коррекцион мусиқа таълимини амалга ошириш.

3. Мусиқий ривожланиш динамикасини ўлчашнинг стандартлаштирилган восита ва усулларини ишлаб чиқиш” [5.Б.21].

Бу иш усуллари ўсиб келаётган шахсни ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган самарали мусиқий-педагогик технологияларни яратиш ва қўллашдаги муҳим психодиагностик вазифалардан биридир.

Мусиқий қобилиятлар диагностикасини мунтазам тарзда амалга ошириш орқали ўқувчилардаги умумий ва мусиқий қобилиятлар даражасини аниқлаш ва шу орқали қобилияти нисбатан паст ифодаланган ўқувчилар билан алоҳида коррекцион ишларни ташкил этиш мумкин. Бу эса, ўқувчи–ёшларни юксак маънавиятли, нозик дидли тингловчилар этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшлар маънавиятини мусиқа орқали шакллантиришнинг психологик омилларини аниқлашда В.И.Петрушин методикасидан фойдаланиш мумкин. Бу методикани қўллаш орқали ўқувчиларда мусиқага нисбатан муносабат, қизиқиш ва установакаларнинг ифодаланиши даражасини ўрганиш имкони мавжуд. Шунингдек, В.Г.Касимов томонидан тақдим этилган “Ижрочилик фаолиятига муносабатни ўрганиш тести”дан фойдаланиш ҳам

самарали натижаларга олиб келиши мумкин [6.Б.289].

Ўқитувчининг касбий етуклиги – ўзлаштириши юқори бўлмаган ўқувчиларнинг юқори натижалар кўрсатишида намоён бўлади. Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи янги материални ўқувчиларга етказишнинг самарали йўллари мунтазам излаши ва кўргазмалиликка қаратиши мақсадга мувофиқ. Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаганда, уларга индивидуал ёндашган ҳолда мусиқа санъатига, мусиқий фаолиятларга қизиқтириш орқали мусиқий билимлари ҳажмини оширишга эришиш мумкин. Бу турли бадий савиядаги асарларни қиёсий тарзда тинглаш, таҳлил ва муҳокама қилиш орқали амалга оширилади.

Мусиқа таълимида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари муҳим педагогик-психологик мезонлардан бири бўлиб, ўзлаштириш, маълум билим захирасига эришиш айнан ушбу хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда педагогик ишни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Умумтаълим мактаби 1-7 синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган мусиқа дарсларида ҳар бир синф учун тузилган ўқув дастури биринчи навбатда ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари, ёш хусусиятлари, мусиқий билимларни ўзлаштириш ва мусиқий мазмунни англаш даражасидан келиб чиқиб, тингловчилик дидини шакллантиришга йўналтирилган ҳолда тузилиши зарур.

Демак, мусиқий таълим ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилса, ўқув машғулотларининг педагогик самараси юқори бўлади ва пировард натижада биз юқори даражадаги тингловчилик дидига эга бўлган ёшларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

#### Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган Қарор. Халқ сўзи. -2017. 9 авг.
2. Психология: словарь / Под общ. ред. А.В.Петровского, М.Г.Ярошевского. 2-е изд. – Москва: Политиздат, 1990. –С.494
3. Тарасова К.В. Онтогенез музыкальных способностей / НИИ дошк. восп. АПН СССР. – Москва: Педагогика, 1988. –С.176
4. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010. –434 б.
5. Технология слушания музыки: учеб. программа и методические блок-схемы спецкурса / Сост. В.П.Анисимов. – Тверь, 2000. –С.76
6. Петрушин В.И. Музыкальная психология. –Москва: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. –С. 384



# ТАЛАБА ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАР

**Аннотация.** Мазкур мақолада талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи маънавий омилларнинг ижтимоий-педагогик асослари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Талаба, маънавият, маданият, санъат, устоз-шогирд, санъатлар синтези, байналмилалчилик, тасаввур, фантазия, ижодкорлик, бадиҳагўйлик, импровизация, дилетантизм, адабий ўғрилик.

**Аннотация.** В данной статье освещены социально-педагогические основы духовных факторов, влияющих при формировании личности студента.

**Ключевые слова:** студент, духовность, культура, искусство, ученик-наставник, синтез искусств, интернационализм, воображение, фантазия, творчество, экспромт, импровизация, дилетантизм, художественный плагиат.

**Annotation.** The present article highlights the social pedagogical bases of spiritual factors influencing to the formation of a student's personality.

**Key words:** student, spirituality, culture, art, student-master art synthesis's, internationalism imagination, fantasy creativity improvising, dilentantism, artistic plagiarism.

Талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи маънавий омилларнинг ижтимоий-педагогик асосларини илмий таҳлил этиш ва ўрганиш талабанинг маънавий тарбиясини мустаҳкамлашда ўз самарасини беради. Талаба шахсини шакллантиришга эътибор бермаслик – маънавиятга, миллийликка, тарихга нисбатан бефарқликни юзага келтиради.

Маънавиятга нисбатан бефарқликнинг олдини олиш, лоқайдликка йўл қўймаслик бугунги таълимнинг асосий мақсади ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “... ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур” [1.Б.115].

Глобаллашув жараёнида шиддат билан кириб келаётган “Оммавий маданият” ва унинг салбий оқибатларига фақатгина биз юксак маънавият ва унинг таркибий қисми бўлмиш миллий қадриятлар, анъанавий ва замонавий тарбия усуллари билан қуролланишимиз мумкин.

“Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм

ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда” [1.Б.117].

Талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи маънавий омилларнинг ижтимоий-педагогик асосларини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби методологик асос бўлиб хизмат қилади. Биринчи Президентимиз томонидан маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар ва маънавий таҳдидлар (1-расм) реал далиллар асосида ёритилган ва маънавий таҳдидларни бартараф этиш ечимлари кўрсатилган [1].





1-расм. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида қайд этилган маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар ва маънавий таҳдидлар

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар

билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз [1.Б.112].

Тадқиқотчи Д.И.Рўзиева талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи сифатида 2-расмда қайд этилган омилларни тадқиқ этган [5.Б.147-150].



2-расм. Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи омиллар

Р.Ж.Ишмухамедов, А.А.Абдуқодиров, А.Х.Пардаевлар 3-расмда ифодаланган ёшлар тарбиясига таъсир этувчи таҳдидлар ва хатарларни кўрсатиб ўтади [4.Б.31].




3-расм. Ёшлар тарбиясига таъсир этувчи таҳдидлар ва хатарлар

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар ва маънавий таҳдидлар хусусидаги қарашлари ва тадқиқотчилар Д.И.Рўзиева, Р.Ж.Ишмухамедов, А.А.Абдуқодиров, А.Х.Пардаевлар томонидан ўрганилган талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи

омиллар ўрганилаётган муаммони таҳлил этишда методик кўрсатма бўлиб, ушбу фикрларни давом эттирган ҳолда талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар тадқиқ этилди [1; 5; 4].

Талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар 4-расмда қайд тилган.



4-расм. Талаба шахсини шакллантирувчи омиллар

Талаба шахсини шакллантиришга таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларнинг таҳлили қуйидагилардан иборат:

Устоз-шогирд аъналари – талаба шахсини шакллантиришда санъат жанрлари асосий омил саналиб, мазкур жанрларни ўргатиш, оммалаштириш, тарғиб қилиш ва муҳофаза қилишда устоз-шогирд аъналари муҳим саналади.

Маълумки, миллий қадриятларимизда устоз-шогирд одобига алоҳида бир инсоний амал, санъат сифатида қаралган, бу одобларда назарда тутилиши лозим бўлган фазилатлар бир қарашда майда амалларга ўхшаса-да, аслида яхши ҳунар соҳиби бўлишликнинг инсоний шартларидандир. Бу ўғитлар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган жуда ибратли ва долзарбдир [9.Б.11].

Маълумки, мақомлар, асосан, аъна тарзида устоздан шогирдга “оғзаки услуб” воситасида ўтади. Мазкур санъатни, энг аввало, шогирдлик мақоми одобларига риоя қилган ҳолда ўрганишлари талаб этилган. Яъни шогирдлар устозлари ижросидаги мақом намуналарини хотираларига муҳрлаб, амалий ижро жараёнида ўрганиб, ижодий ўзлаштирганлар. Мақом ҳофизлари ўз санъатларини намойиш этишда масъулият билан иш тутганлар, яъни ҳар бир мақомнинг айтим йўли пухта ишланиб, қиёмига етгач, тингловчи ҳукмига ҳавола этилган. Шогирдлар эса, устозларидан беижозат омма олдида куйламаганлар. Ижрочилиги етук даражага эришган шогирдларгина устозлар дуосини олиб, халқ хизматига бел боғлаганлар [3.Б.14-15].

Талаба шахсини шакллантиришда устоз-шогирд аъналари устоз иш фаолияти ёки ижро мактабининг ўзига хослиги, сир-асрорининг бардавомлигини таъминлайди.

Байналмилалчилик (араб. «байналмилал» – миллатлараро) – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг, маданиятлар, қадриятлар, билим ва технологияларни ўзаро сингиб боришининг асоси; миллатчиликнинг зидди [7].

Байналмилаллик ижтимоий сифати ватанпарварлик руҳи асосида шаклланиб, энг юқори фазилатлардан ҳисобланади. Одам миллатини ва ватанини севиш билан бирга бошқа миллат тарихини, маънавият ва қадриятларини ўргана бошлайди. Одам бошқа халқлар маданиятини ўрганиш жараёнида, уларда ҳам жуда кўп қадриятлар, адабиёт ва санъатлари бор эканини билиб олади. Шундан кейин яқин ва узоқ хориждаги халқлар маънавияти ва маданиятини чуқурроқ ўргана бошлайди. Ўрганиш жараёнида, уларга меҳри ошиб, секин-аста

уларни ҳам ўз миллати қаторида яхши кўрадиган бўлади. Байналмилал туйғуга эга одам комилликка етишган ҳисобланади [7].

Байналмилалчилик талабаларда миллатлараро тотувлик, дўстлик, ўзга халқларнинг миллий қадриятларига ҳурмат ҳиссини уйғотади, уларни ўрганиш орқали миллий қадрият ва урф-одатлар бўйича билим, малака ва кўникмаларини оширишга, турли миллатлар қадриятларининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатини қиёслай олишга имконият яратади.

Санъатлар синтези – бир бадий асар ёки яхлит ансамблни яратишда турли санъатлар ва санъат асарларининг ўзаро узвий боғланиши инсоннинг моддий ва маънавий муҳитини эстетик жиҳатдан тузишга хизмат қилади. Санъатлар синтези тушунчаси сифат жиҳатдан янги бадийлик яратишни назарда тутди [7].

Санъатлар синтези орқали талабаларда санъат жанрларининг уйғунлашуви асосида янги бадий асарнинг пайдо бўлиши ҳақида билимга эга бўлади. Масалан, олий таълим муассасаларида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган томошаларда драматург, режиссёр, актёр, хонанда, созанда, раққоса, қўғирчоқбоз, аскиячи ва бошқа санъат жанрлари иштирокида яхлит бадий санъат асари, яъни томоша санъати вужудга келиши натижасида талабаларнинг санъат синтези асосидаги назарий ва амалий билимларини оширишга, касбий маҳоратини такомиллаштиришга эришилади.

Маданият ва санъат тарихи – талаба шахсини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб, ўзбек халқининг бой ўтмиши, маънавий тараққиёти, маданият ва санъат соҳаси ривожига ҳисса қўшган тарихий шахслар, алломалар ва ижодкорлар, халқ ижодиёти асарлари, миллий қадриятлар ва маросимларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва турли тарихий даврлардаги ижтимоий-маданий муносабат масалаларини ўрганишда ҳамда уларда миллат менталитетига хос сифатларни тарбиялашда ёрдам беради.

Тасаввур ва фантазия – бу икки тушунча талабанинги ижодкорлик қобилиятини такомиллаштиришнинг муҳим асоси бўлиб, асар яратиш ва ижро этишнинг бадий савиясини мустаҳкамлашга таъсир кўрсатади.

Тасаввур – нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий ҳаёл суриш жараёни. Ҳаёл хотира шаклида ҳам намоен бўлади. Агар идрок ҳозирги дақиқаларни акс эттирсин, тасаввур ҳам ўтмишни, ҳам келажакни ўзида мужассамлаштиради, умумлашган хусусият касб этади [7].

Фантазия – ҳаёл – ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ва ҳаёлий ҳолатларнинг вужудга

келишидан иборат психик фаолият. У инсоннинг бадихагўйлик қобилияти, бадий тўқималарга усталиги, топағонлиги, ихтирога мойиллиги, антиқа, ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларни рўёбга чиқаришга укувчанлиги кабиларда намён бўлади. Фантазия инсон онгида вужудга келишидан эътиборан борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналган бўлади [7]. Тасаввур яратилажак ёки ижро этилиши режалаштирилган асарнинг саҳнавий макони ва замонини, берилган шарт-шароитини аниқлашга имкон берса, фантазия ана ўша асардаги персонажнинг хатти-ҳаракати ва характерини бадий воситалар орқали

**Ўсмирлик даврида етакчи фаолият – бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолияти бўлганлиги боис, мусиқа таълимида юқори самарадорликка эришиш имкони бор. Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатига имитация (тақлид) қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиладилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит – бу умумий фаолият билан шуғулланишдир.**

яратишга замин бўлади.

Ижодкорлик – бу хусусият ҳар бир касб-ҳунарнинг муҳим омили бўлиб, талаба маънавий оламида шакллантирилиши шарт бўлган омиллардан биридир.

Тадқиқотчи Ш.С.Шарипов ижодкорлик фаолиятини қуйидагича белгиларига кўра таснифлайди:

– ижод тури (техник, технологик, ташкилотчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, педагогик, дидактик, касбий, аралаш);

– ижод даражаси (моно ижод, мулти ижод, мега ижод);

– ижод қамрови (ихтисослик, мутахассислик, билим соҳаси, тармоқлараро, миллий, минтақавий, минтақалараро, халқаро);

– ижоднинг давомийлиги (қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли);

– ижоднинг шакли (инновацион, илмий-тадқиқотчилик, таълимий, инвестицион, аралаш);

– умумий жиҳатларига кўра (янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш; принципал жиҳатдан янги ечимларни илгари суриш; янгиликни амалий қўллаш);

– яратилган ижод маҳсули маъноси ва мураккаблигига кўра (рационализаторлик таклифи; ихтиро; кашфиёт) [8.Б.14].

Маданият ва санъат соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳар бир машғулоти ижодкорликка асосланган бўлиб, бу жараён талаба ўз устида тинимсиз ишлаши ва ўқитувчининг методик тавсияларига амал қилиши лозим. Ижодкорлик талабанинг шахсий ва касбий қобилиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бадихагўйлик – эркин тарзда ижро этилган ёки ижод қилинган бадий асарнинг ўзига хослиги. Муайян шакл, жанр, услуб ва бошқаларнинг ижодий тартиб-қоидалари асосида, яъни мавжуд элементларнинг янги тарзда ўзаро боғланиши натижасида вужудга келади. Турли санъат турлари (театр, рақс, мусиқа, поэзия)да мавжуд. Ижодкорлардан юқори маҳорат, бадий савияни талаб қилади [7]. Бадихагўйлик талабадан ижрогача ва ижро давомида кучли маҳорат, эркин ижро ва бадийликни талаб этади.

Импровизация (лот. Improvisus – кутилмаган, бехосдан) – шеър, мусиқа ва бошқаларни олдиндан тайёргарликсиз, ижро давомида ижод этиш; актёр ўйинида бехосдан пайдо бўладиган илҳом, ижодий фантазия, руҳий кўтаринчилик, фикр, сўз, оҳанг ва тасвирнинг эркинлиги. Актёр ўйинидаги импровизация ижро этилаётган ролни жонлантиради, унга янги маъно беради. Қадимги халқ театри актёрлари – скоморохлар, мимлар, бизда масхарабоз ва қизиқчилар, айниқса, итальян халқ комедия театри («Дель Арте») актёрларининг ўйинида импровизация асосий ўрин эгаллаган [7]. Импровизация талабадан кучли ва бадий маҳоратни, сўзга чечанлик ва “ҳолатни оқлаш” каби иқтидорини такомиллаштиради.

Талаба шахсини шакллантиришда шундай омиллар борки, мазкур жараённи бир оз нотўғри талқин қилиш оқибатида салбий натижаларга йўл қўйилиши мумкин. Булар қуйидагилардан иборат:

Дилетантизм – дилетант (лот. delecto – роҳатлантираман, завқлантираман сўздан) – фан ёки мусиқа, рассомлик, меъморлик каби санъат турларининг бирор соҳаси билан изчил қизиқиб шуғулланган, лекин шу соҳанинг профессионал мутахассиси бўлмаган шахс, маълум маънода – ҳаваскор [7]. Санъат соҳасида шуғулланувчилар ўз фаолиятини ҳаваскорликдан бошлаши табиий. Лекин, профессионал таълим ва устоз-шогирд анаъаналари асосида соҳа бўйича билим, кўникма ва малакаларининг ортиши натижасида ҳаваскорликдан профессионал даражага етишмоғи лозим.

Санъат соҳасининг бир қанча йирик намёндалари дилетантизмни кескин қоралайди. Жумладан,

Станиславский формалистик театр актёрларининг сохта маҳоратини шафқатсиз равишда фош қиларди. Формалистик актёрларнинг сахнада “ҳамма нарсани” ўйнашга қодирмиз, деб даъво қилишларини бемаъни дилетантизм “ҳаваскорлик”дан бошқа нарса эмас, дерди. Станиславский дилетантизмга ҳамиша нафрат билан қарарди. Ҳақиқий актёр даставвал ролни узвий равишда қандай ижод қилиш зарурлигини ўрганмоғи керак [6.Б.115].

Адабий ўғрилиқ, плагиат – бировнинг асарини кўчириб, ўзиники қилиб олиш. Бундай ўғрилиқ муаллиф ижозатисиз илмий, адабий, мусиқий ёки бадиий асарни ўз номидан тўла ёки қисман бостириб чиқаришдан, кашфиёт ёки ихтирочилик таклифларини ўзиники қилиб олишдан иборат. Айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, фуқаролик ёки жиноий тартибда жавобгарликка тортилади, бинобарин ҳақиқий муаллифнинг ҳуқуқи тикланади [7].

Замонавий ашула ва кўшиқчилик санъатида (мақомлар, катта ашула, аллалар, ўланлар, яллалар, лапарлар, термалар, “бахшичилик”, “халфачилик” асарлари ва ҳ.к.)нинг баъзи ҳолатларда нотўғри ижровий талқини, асардаги сўзлар ва ижро йўлларининг бузилиб ижро этилиши, халқ кўшиқларининг эстрада жанрларидаги нотўғри талқини, ўзга муаллифнинг асаридан бесўроқ фойдаланиш, ҳаттоки мазкур асарни ўз муаллифлигида ижро қилиш, хорижий асарларни “ўзбекчалаштириш” каби ҳолатлар учраб турибди. Бу ҳолат талабанинг касбий ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатиб, мумтоз ва халқ кўшиқларининг нотўғри талқини таъсирида уларнинг барқарорлигини таъминлай олмайди.

Талаба шахсини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов

таъкидлаган қуйидаги фикрларга эътиборимизни қаратмоғимиз лозим: “Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” [1.Б.115-116].

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани – бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эскича қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини белгиловчи муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегияси мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, шунингдек ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавий оламини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. –Тошкент: Tib-kitob, 2009. -184 б.
3. Иброҳимов О. Шашмақом. // Мозийдан садо. 2015, -№ 1. -14-15 б.
4. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Тарбияда инновацион технологиялар. –Тошкент: Истеъдод, 2010. 141 б.
5. Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари: Дис. пед. фан. док. – Тошкент; 2007. 274 б.
6. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А. Актёрлик маҳорат. –Тошкент: Фан ва технология, 2012. 388 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.
8. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Дис. автореф. ... пед. фан. док. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. -46 б.
9. Юлдашев Х.А. Кичик мутахассислар тайёрлашда “Устоз-шогирд одоби” анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари (амалий безак санъати мисолида): Дис. ... пед.фан.ном. (13.00.08) –Тошкент: ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, 2006. -156 б.



# ИННОВАЦИОННОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО - ОБМЕН ОПЫТОМ

**Аннотация.** В данной статье говорится о результатах творческой поездки по повышению квалификации педагогов кафедры «Сценической речи» Венеры Юсуповой и Адилы Абдышаевой в Лондон, организованной British Council Uzbekistan. Авторы сопоставляют некоторые аспекты учебного процесса в Лондонской Международной Школе Драмы Колледжа Театра и Перформанса Роуз Бруфорд и в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана, а также выносят некоторые предложения по внедрению западного опыта в нашу педагогическую практику и работу института.

**Ключевые слова:** мастер-класс, голос, движение, актерское мастерство, театральное образование, Техника Александра, Колледж Театра и Перформанса Роуз Бруфорд

**Annotation.** This article talks about the outcomes of voice and performance on professional development programme for Venera Yusupova and Adilya Abdishaeva which was organized by the British Council Uzbekistan. The authors compare some aspects of teaching and learning process at Rose Bruford College of Theatre & Performance in London and the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan, as is well as makes some suggestions on the introduction of international experience in teaching practice at the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan.

**Keywords:** workshop, voice, movement, acting skills, theatre education, Alexander's Technique, College of Theater and Performance Rose Bruford

**Annotatsiya.** Ushbu maqola Britaniya Kengashining O'zbekistondagi vakolatxonasi tomonidan tashkil etilgan «Sahna nutqi» kafedrasida o'qituvchilari Venera Yusupova va Adilya Abdishayevaning malakasini oshirish bo'yicha bo'lgan ijodiy safar natijalari haqida. Mualliflar Londondagi Rose Bruford Theatre & Performance kolledji hamda O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutidagi o'quv jarayonining ba'zi jihatlari solishtirib, shuningdek, pedagogik amaliyotimiz va institut ishida xalqaro tajribani joriy qilish bo'yicha ba'zi takliflar kiritadi.

**Kalit so'zlar:** mahorat darslari, ovoz, harakat, aktyorlik mahorati, teatr yo'nalishi ta'limi, Aleksander Texnikasi, Rose Bruford Theatre and Performance kolledji

Начиная с 2015 года в рамках сотрудничества Фонда развития культуры и искусства при Министерстве культуры Узбекистана и Британского Совета в Узбекистане Государственный институт искусств и культуры Узбекистана довольно плодотворно сотрудничает с педагогами по движению и голосу Ниф Доулинг и Джоном Такером из Великобритании.

Ниф Доулинг (Niamh Dowling) является директором Школы актерского мастерства при Колледже Театра и Перформанса Роуз Бруфорд (Лондон). Долгое время работает в качестве режиссера по пластике, обучает актерскому мастерству, проводя семинары в странах Европы, Азии, Южной и Центральной Америки, а также в США и России. Является тренером по Технике Александра, обучалась на тренера по пластике у Моники Пагно в Париже, у Анн Богарт, Нэнси Топф и Евы Каргчаг в Нью-Йорке.

Джон Такер (John Tucker) – тренер по голосу, ведет частную студию актерского мастерства в Лондоне. Ведет занятия в Британско-американской академии драматического искусства, Королевской академии драматического искусства, (RADA), Лондонском центре драмы. Член Объединенного

общества музыкантов Великобритании (ISM), Американской ассоциации тренеров по голосу и речи (VASTA).

[1. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/12/20/theatre/>]

За 2 года эти специалисты четырежды посетили наш институт с мастер-классами для студентов, педагогов и профессиональных актеров. Состоялись показы творческих работ, в том числе в рамках «I-Международного Шекспировского Фестиваля» студенты представляли отрывки из пьес Шекспира, а также его сонеты. В последние два приезда большое внимание было уделено преподавателям, которые сначала на себе апробировали предлагаемую методику, а затем под руководством английских коллег проводили занятия со студентами. А в декабре 2017 года 2 педагога кафедры «Сценической речи» Государственного института искусств и культуры Узбекистана Венера Юсупова и Адиля Абдышаева были приглашены в Лондон на повышение квалификации.

В первый день состоялась встреча с директором Школы Драмы Колледжа Театра и Перформанса Роуз Бруфорд Ниф Доулинг и руководителем Школы дизайна, менеджмента и технических искусств Ником Хантом, которые ознакомили

нас с устройством Колледжа.

Огромный портрет К.С.Станиславского украшал фасад здания. В фойе же на нас с картины приветливо смотрела женщина – Роуз Бруфорд – основательница Колледжа.

Колледж был создан в 1950 году, его целью было не только обучение актерским профессиям, но и воспитание педагогов, которые в будущем могли бы обучать этим специальностям. Вопросу воспитания педагогических кадров в Колледже Роуз Бруфорд уделяют серьезное внимание, так как понимают, что не все хорошие актеры и режиссеры могут стать хорошими педагогами в театральных вузах. Педагогика – это наука. Особенно, она не должна быть уязвимой в такой тонкой, эфемерной сфере образования, как искусство театра. Не случайно во время мастер-классов по голосу и движению в ГИИКУЗ специалисты из Великобритании Джон Такер и Ниф Доулинг предоставили возможность педагогам нашего института проводить занятия с нашими студентами по их методике под их наблюдением, во время чего подсказывали, на что следует обратить внимание и как направлять студентов для более продуктивной работы.

В Колледже имеется большая библиотека, где можно найти всю необходимую литературу по профессии.

Большое значение уделяется личности студентов, поэтому в фойе выставляются портфолио выпускников, готовящих или играющих дипломные спектакли.

Стоит отметить, что помимо руководителя-мастера курса, студентам предоставлен специалист-психолог, который помогает ребятам справиться с их личными проблемами, которые, несомненно, влияют на их профессиональное развитие.

В распоряжении студентов имеется профессионально оборудованный 330-местный театр-в-раунде, на площадке которого студенты всех смежных специальностей имеют возможность готовиться к дипломным спектаклям при полном техническом оснащении. Так же есть 100-местный гибкий театр Barn, два театр-студии черного ящика, просторные комнаты для репетиций, звукозаписывающие студии, технические лаборатории, мастерские по дизайну и производству, учебные помещения с современным оборудованием.

Занятия ведутся с понедельника по пятницу с 09.00 до 18.00. После окончания учебного дня студенты могут резервировать учебные помещения для индивидуальных работ с 18.00 до 21.00.

Педагогический состав включает 50 основных педагогов и 300 приглашенных специалистов. У каждого студента имеется так называемый «tutor», иначе говоря, репетитор, который помогает учащемуся и курирует его работу.

В программе обучения имеются только предметы по специальности, причем, к примеру, у драматургов есть и вокал, и пластика, и актерское мастерство, так же, как и у актеров есть основы драматургии, менеджмента и т.д. Еще одной немаловажной особенностью является то, что в постановке спектаклей участвуют студенты всех направлений со своими руководителями – звукорежиссеры, художники по свету, художники по костюмам, дизайнеры, актеры и т.д. Все расходные материалы на создание макетов, реквизита, декораций, костюмов и т.д. предоставляются Колледжем, где все и остается.

На постановку дипломных спектаклей приглашаются профессиональные, действующие режиссеры, в том числе из-за границы. Поэтому у студентов появляется возможность попробовать себя у разных мастеров, и после окончания иметь достаточно профессионального опыта. На показательные выступления приглашаются агенты, которые могут выбрать студентов для дальнейшей совместной работы.

Так же при Колледже Роуз Бруфорд есть Школа драмы для магистров под руководством режиссера Габриэля Гэвина.




Директор Школы Драмы Колледжа Театра и Перформанса Роуз Бруфорд Ниф Доулинг



Фасад Шекспировского театра «Глобус».



Портфолио выпускников



Презентация (показ) по пластике студентов отделений «Искусство Американского театра» и «Искусство драматургии»



Рабочая аудитория художников

Туда могут поступить на учебу сроком на 1 или 2 года только окончившие бакалавриат или уже профессиональные актеры, режиссеры, сценаристы и другие специалисты, желающие повысить свою квалификацию или же освоить смежную специальность.

Тренер по пластике, речи и мастерству актера Магдалена Коза проводила для магистров занятия по движению, которые включали в себя расслабление, парное взаимодействие и заключительный анализ урока в кругу.

Эта поездка была замечательна тем, что мы не только присутствовали на уроках, но и учились сами.

«Мы должны сами верить в то, чему учим наших детей».

Томас Вудро Вильсон

[2.<https://socratify.net/quotes/tomas-vudro-vilson/139894>]

С нами работал очень интересный педагог по движению и Технике Александера Беатрис Памбертон.

Она начала занятие с привычного для нас расслабления, продолжила играми на внимание и в завершающей части поработала с нами над движением и пластикой.

Что примечательно, в Колледже Роуз Бруфорд уделяют большое внимание подготовке тела к звучанию, и в обязательном порядке урокам по речи и голосу предшествует урок по движению. Перед занятиями вокалом и актерским мастерством студентам также проводят разминку тела.

В нашем институте тоже существует практика соединения речи, актерского мастерства и пластики, что дало жизнь таким студенческим работам, как «Язык птиц» и «Фархад и Ширин» А.Навои, «Ромео и Джульетта» У. Шекспира, «Граф Нулин» А.Пушкина, а также родился цикл мероприятий, посвященных Дню Памяти и Почестей «Память сердца», в которых ежегодно принимают участие нескольких курсов различных специальностей (педагоги О.Останина, В.Юсупова)

В течение недели пребывания в Колледже Роуз Бруфорд нам удалось увидеть и отчетные студенческие работы. Первая работа – презентация (показ) по пластике студентов отделений «Искусство Американского театра» и «Искусство драматургии». На одной площадке бок о бок работали те, кто написал сценарий к этому показу и те, кто должен по роду своей деятельности его воплощать. Это уникальный опыт для драматургов проверить на себе, как претворяется их замысел, который можно получить только в стенах Школы, ведь вряд ли им удастся это сделать на профессиональной сцене.

Было бы очень полезно перенять подобную практику и организовывать совместную работу драматургов, театроведов, актеров и режиссеров, что помогло бы студентам неактерского направления глубже понимать природу актерского творчества, изнутри изучать искусство театра, его специфику. Ведь мы очень часто сталкиваемся с тем, что молодые драматурги–студенты предлагают свои пьесы для постановки, к примеру, в театре кукол, а сами ни разу не посетили такой театр, не знают его особенностей и понятия не имеют, как это будет выглядеть в театре кукол.

Мы были приятно удивлены, что английские ребята работали по той же концепции, по которой в нашем институте давно уже работает педагог кафедры «Сценического движения» Ольга Останина. На ее уроках студенты так же создают целые пластические спектакли из отдельных импровизационных этюдов.

Если вернуться к просмотренным студенческим показам, то среди них была и презентация по вокалу учащихся 1 курса отделения «Искусство Европейского театра». Что примечательно для этой работы, так это то, что здесь было ансамблевое исполнение с многоголосием в сочетании с движением. То есть помимо индивидуальной работы над голосами студентов, идет работа по воспитанию навыков хорового исполнения. Это помогает ребятам научиться слышать друг друга и работать в команде.

Также мы посмотрели спектакль «Последний смех» режиссера-постановщика А Де Кастро – знаменитой на весь мир клоунессы, приглашённой Колледжем специально для постановки дипломного спектакля.

В работе принимали участие студенты 3 курсов отделений «Искусство Европейского театра», «Креативный световой дизайн», «Звуковой дизайн», «Сценический менеджмент». О чем говорит такой перечень участников? А это говорит о том, что студенты всех смежных театральных профессий сходятся в работе над одним спектаклем. Студенты-художники по свету под руководством своего мастера ставят свет, будущие звукорежиссеры отвечают за звук, художники по костюмам, декорациям, реквизиту изготавливают все необходимое в мастерских Колледжа. И все это делается ради «его величества» спектакля.

В нашем институте тоже есть кафедра, где готовят звукорежиссеров. И студенты этого отделения также участвовали в некоторых спектаклях актерских курсов. Но хотелось бы более тесного сотрудничества и, конечно, участия их руководителей в общей работе.

Следующий спектакль «Кто заслуживает величия» с тем же перечнем постановочной труппы был интересен тем, что он родился из студенческих импровизаций и говорил о проблемах, которые беспокоят современного молодого человека, в частности, о проблеме терроризма. А собрал все в единую композицию так же приглашенный из-за границы режиссер Н.Легард.

Важно отметить, что дипломные спектакли систематически играют на учебных площадках на зрителя. Это дает возможность студентам приобрести творческий опыт уже в стенах Школы под неусыпным вниманием опытных педагогов.

Хотелось бы, чтоб и в нашем институте дипломные спектакли были не просто «сданы» на сцене Учебного театра, но и проигрывались периодически на зрителя. Ведь продавая билеты, институт мог бы иметь деньги, которые могли бы быть использованы на изготовление костюмов и декораций,



а студенты учились бы развивать, углублять свои роли и спектакль в целом. Ведь недаром говорится, что на первые 10 премьерных спектаклей приходит главный режиссер – зритель.

Во время нашего пребывания в Лондоне у нас была возможность побывать на занятиях специалиста по постановке голоса Джона Такера не в привычной для нас учебной аудитории, а в частной студии и у него дома, где он давал индивидуальные уроки совершенно разным по уровню профессионализма людям. Так, он помогал молодой актрисе – звезде английских сериалов приобрести американский акцент, так как ее агент хотел рекомендовать ее американскому телевидению. Также мы стали свидетелями, как оперный певец, повредивший голосовые связки во время болезни, посредством упражнений значительно улучшил свой голос. А актриса театра и кино, работавшая, как девочка-подросток и желающая перейти в амплу «молодой женщины», приобрела прелестные «грудные нотки» и в этом регистре сыграла целую сцену, в которой возвращала к жизни умирающего любимого. Мы видели, как молодой парень, работник суши-бара, планирующий поступить в Школу Драмы, из «зажатого мальчишки», путем упражнений на расслабление, – которые уже хорошо усвоены нашими педагогами, посредством мастер-классов Джона Такера, приобрёл уверенность в движениях и металл в голосе...

Надо отдать должное, что все обучаемые были изначально талантливыми людьми и имели огромное желание научиться тому, ради чего они пришли к этому мастеру. Поэтому еще раз хочется подчеркнуть, что мастерство педагога плюс желание и одаренность ученика всегда дают хорошие результаты.

«Научиться можно только тому, что любишь».

Иоганн Вольфганг Гёте. [3. <http://greatwords.org/authors/659/>]

Нам посчастливилось посетить и профессиональный театр «ALMEIDA», который является одним из лучших частных драматических театров Лондона.

В спектакле «Пограничная зона» режиссера Ричарда Джонса по пьесе Уошбёрна, были использованы различные средства выразительности – маски, куклы, трансформации сценического пространства, современные световые эффекты. Актеры мастерски владели речью, телом, исполняли «в живую» вокальные партии. Чувствовалось талантливое сотворчество всех членов постановочной труппы – режиссера, художника, хореографа, блестящего актерского состава, что, несомненно, является плодом высокого уровня подготовки в образовательных учреждениях. Ведь, как говорилось выше, учащиеся еще со «студенческой скамьи»

учатся сотворчеству в команде, работают с профессионалами и приглашаемыми специалистами узкого направления, оттачивают свое мастерство не только на уроках, но и в часы самостоятельной работы в специализированных помещениях. Отсюда и высокий уровень профессионализма в театре. Причем труппа при театре не постоянная, а состоящая из приглашенных членов команды. Такая же «политика» касается и других театров в Лондоне, в том числе и знаменитого Шекспировского театра «Глобус».

Труппа театра «Глобус» формируется ежегодно, и исполняет репертуар с апреля по октябрь, играя как произведения Шекспира, так и новые пьесы современных авторов. В театре имеется 3 сценических площадок, в том числе и пространство, где проходят занятия. Вообще, что примечательно для наших западных коллег, они не прекращают учиться и повышать свой профессиональный уровень, как в стенах образовательных учреждений, так и в театрах, и на частных занятиях.

Таким образом, окунувшись в лондонскую Школу подготовки специалистов театрального искусства и увидев результаты этой работы на профессиональных театральных площадках, мы сформулировали некоторые предложения по совершенствованию системы образования и принципов воспитания актеров и режиссеров в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана:

- Составлять расписание так, чтоб творческие предметы были в разные дни с общеобразовательными.
- Адаптировать общеобразовательные предметы под специальность обучаемых.
- Организовать возможность резервирования учебных помещений с необходимой аппаратурой для работы студентов над индивидуальными проектами.
- Приглашать профессиональных специалистов для постановки спектаклей
- Объединять курсы учащихся для работы над одной постановкой – звукорежиссеры, художники по свету и т.д. с преподавателями (приглашенными или основными).
- Организовать систему обеспечения институтом необходимого материала для студенческих работ – кукол, костюмов, декораций, реквизитов и т.д.
- Сделать Учебный театр постоянно действующим и с платным входом для зрителей.
- Приглашать руководителей театров на просмотры дипломных спектаклей для отбора студентов для дальнейшего трудоустройства.

Будем надеяться, что эта поездка даст свои плоды не только для нас, но и для института в целом.

#### Использованные ресурсы

1. <https://www.bruford.ac.uk/>
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/12/20/theatre/>
3. <https://socratify.net/quotes/tomas-vudro-vilson/139894>
4. <http://greatwords.org/authors/659/>

# ЎЗБЕК КИНОСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

## (“Йўл бўлсин” ва “Чашма” фильмлари мисолида)

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Ўзбеккино” МА томонидан яратилган бадиий фильмларнинг таҳлили, шунингдек, миллий маънавиятимизга таъсири борасида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** фильм, менталитет, кадр, характер, услуб, лейтмотив, образ, гоаявийлик, профессионал даража, кучли позиция, темперамент.

**Аннотация.** В данной статье ведется речь о фильмах, созданных на Национальном агентстве “Узбеккино”, а также их влияние на национальную духовность.

**Ключевые слова:** фильм, менталитет, кадры, характер, стиль, лейтмотив, образ, идеологический, профессиональный уровень, сильная позиция, темперамент.

**Annotation.** This article discusses the analysis of the films created by the NCA “Uzbekkino”, as well as their impact to national spirituality.

**Key words:** film, mentality, cadres, character, style, leitmotiv, image, ideological, professional level, strong position, temperament.

Миллийлик том маънода инсон маънавияти, тафаккури билан чамбарчас боғлиқ тарихий жараённинг ҳаётий инъикоси ҳисобланади. Шаклланган миллий маънавият инсоннинг яшаш тарзида, турмуш кечинмаларида ва албатта ижодий фаолиятларида ўз аксини топади. Мустақиллик даври халқимизга миллий ўзлиқни англаш, асрий анъаналарни тиклаш имкониятини берди.

Шу ўринда ўзбек кино санъатида ҳам миллий маданиятимиз, чин маънодаги ўзбекона менталитет тасвирланган фильмлар яратила бошланди. Албатта бу жараён кино ижодкорлари олдида улкан талаблар қўяди. Техника шиддатли ривожланаётган даврда соф ўзбекона кино асар яратиш учун ижодкорларнинг миллий маънавияти ҳам шаклланган бўлиши, халқона дунёқараш, маънавий-эстетик тарбияга эга бўлиши муҳимдир. Бунинг устига гоаявийлик жиҳатдан миллий маънавиятни акс эттира оладиган асарларга ҳам эҳтиёж ниҳоятда катта. Шу ўринда профессор Норбой Худойбергановнинг фикрларини таъкидлаш жоиз: “Ҳаётдаги “оқу-қора”ларнинг қандай одамларнинг қандай характерида намоён бўлишини таъсирчан манзаралар орқали гавдалантириб, замон ва давр ҳақиқатининг кўпчиликка кўринмайдиган, сезилмайдиган қирралари, жиҳатларини ўзида мужассамлаштирадиган баркамол образларга сингдирилган, “едирилган” фикрлар, хулосалар бадиий салмоқ касб этса, ақлу ҳушимизга, онгу тафаккуримизга, юрагимизга таъсир ўтказадиган гоаявийлик юзага чиқади. Гоаявийлик бадиийлик билан қўшилиб, сўз санъатининг

барча сиру сеҳрини, таъсирчанлик қудратини ўзида намоён қилади” [1. Б. 170]. 2006 йили “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида яратилган “Йўл бўлсин” номли фильмда биз тилга олаётган ижодий кашфиётни кўриш мумкин. Постановкачи режиссёр Қамара Камолова фильмга тамомила миллий руҳда ёндашган. Асар лейтмотивини ташкил этувчи ўзбек қизининг иффати, орномусининг бутунлиги тасвирлаб берилган. Режиссёрнинг мураккаб ечимларга хос ушбу картинасида маҳоратли актёрлар ансамблининг ютуғи мавжуд. Бош ролларда Зарина Низомиддинова, Азиз Раметов ҳамда Муҳаммадисо Абдулхаировлар ҳақиқий ўзбеклар қиёфасини яратишган. Муҳаббат ролидаги ёшгина қизнинг беғубор хаёллари, қора кўзлар ичидаги сирли нигоҳи, ўзи билиб-билмай ширин туйғуга алданиб, қимматли иффатини йўқотгандаги исёни – булар ҳаётнинг зарбали синовларини эслатади. Азиз Раметовнинг бир қарашда салбий характерда бўлмаган қаҳрамони, ҳиссиётга алданиб катта хато қилиб қўйишдаги ўзи англаб етмаган ҳолатлари ажойиб талқинда берилган.

Сценарий муаллифи Шомирзо Турдимов кинодраматургия қонуниятларини ўзлаштирган ҳолда асар динамикасига ҳам халқона босиқлик жо этган, темпераментнинг аста-секинлик билан одимловчи ҳаракат асносида фабулани ривожлантирган. Ўткинчи ҳисларга алданиб, тузалмас хатога йўл қўйган Муҳаббат охири-оқибат ёши катта эркакка тортиқ қилинганлиги, бутун қишлоқ унинг устидан кулганлиги, қўғирчоқ мотивларини ўз ўрнида ишлатилганлиги фильм гоаясига хизмат қилади.

Фильмни “Йўл бўлсин” дея номланишида ҳам умр – бир йўл, инсон бу йўлда доим ҳаракатда бўлиб тўхтамаслиги зарурлиги уқтирилган. Картинада миллий руҳни берувчи мусиқалар ўзгача жозиба билан янграб туради. Кино композитор Мустафо Бафоевнинг ижодий ёндашуви, кучли позицияси сержило оҳанглар яратилганлиги билан ўлчанади. Кадрлар ортига яширинган найнинг сеҳрли куйи, миллий ашулаларнинг соф талқини инсон руҳиятини аллалайди. Киношунос Х. Абулқосимова: “Фильмдаги мусиқа тасвир билан ўзаро мураккаб муносабатга киришади. Бу жараённинг асл мақсадидаги уйғунлашувга эришилса, демак постановкachi режиссёр ўз ниятларидан бирига эришган, мусиқа ўз вазифасини аъло даражада бажарган, фильм драматургиясининг умумий тузилишига ижобий таъсир этган бўлади. Чунки тасвир билан уйғун ҳолда бирлашган мусиқа фильм мазмуни ва образларини чуқурлаштиради”, [2. Б. 28] дея фикр билдирганди.

Миллий куйларга ишланган халқона рақслар, айниқса, Муҳаббатнинг шодонлиқдан ҳовлисида ўйнаган нозик рақсида содда ўзбек қизининг характери гавдалантирилган. Халқимизнинг миллий урф-одатлари сирасига кирувчи кокил тўйининг тасвирлари, қурбонлик ўтказилаётган муҳит ва ана шу кадрлардаги дутор куйининг уйғунлашуви кўрсатилган.

Рассом Аҳмад Бобоев, либослар бўйича рассом Элмира Ибрагимованинг ижодий потенциали яққол сезилади. Персонажлар либосларининг миллий услубдаги бичимлари, асар қаҳрамонларининг ҳолатга монанд кийинганлиги улар яшаётган давр руҳиятини акс эттиради. Ошиқлар учрашувидаги эҳтиросга бой саҳналар, бедана овлаш жараёнидаги ҳаётий динамикалар қоришуви, қиз қисматининг тушда акс этиш лавҳалари ниҳоятда нозик топилмалар бўлган.

Овоз режиссёри Малик Абдураҳмоновнинг ҳам ўзига хос услуби кино тили билан уйғунлашиб, бадий яхлитликка хизмат қилади. Қаҳрамон қизнинг кечинмалари, тўйидаги ёр-ёр садосининг маҳзунли жаранги, фильм якунидаги йўлда вагонга чиқариб номаълум манзил томон олиб кетиш тасвирларида ҳолат эмоциялари мусиқий сайқалларда акс этган. Узун йўлнинг тасвири – бу умрнинг узунлиги ва бардавомлигини англатувчи рамзларни ичига яширган. Ўзбек халқининг соф миллий қадрияти бўлмиш тўй тантанасининг сержило саҳналари томошабинни халқона фикрлашга ундайди.

Оператор Рифкат Ибрагимов ҳар бир тасвир устида маҳорат билан ишлаб, соф миллий фильм яратганлигига амин бўласиз. “Йўл бўлсин” картинаси чин маънода миллий маънавиятимиз акс этган бебаҳо дурдона асарлар сирасига киради. Адабиётшунос олим Ш. Ризаев: “Ижтимоий воқелик бугун бизга тамомила янги дунёқараш, янгича муносабатлар, инсонлик – шахслик рутбасининг янгиланган мезонларини таклиф қияпти” [3. Б. 251] дея бугунги давр санъат тараққиётига муносабат билдиради.

Режиссёр Қамара Камолованинг “Йўл бўлсин” фильми ижтимоий воқеликда яшаётган қизнинг қисматини кўрсатади.

Ҳозирда профессионал ўзбек кино ижодкорлардан бири Ёлқин Тўйчиев ҳам тажрибали, маҳоратли ижодкор сифатида ижод майдонига чиқмоқда. Унинг халқаро кинофестивалларда муносиб тақдирланган, 2006 йили суратга олинган “Чашма” фильми эътиборга тушди.

Сценарий муаллифи ҳамда постановкachi режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг “Чашма” номли фильмида миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз аксини кўриш мумкин. Бош қаҳрамон Орзубиби орзулари оппоқ, покиза қалбида ибo-ҳаё тўлган қиз. Соф мазмундаги миллий сифатга йўғрилган исм остида бир қишлоқда ўсиб, улғайгач чет элда ўқиб келган, янги ташрифидаяқ Ватанидаги инсонларнинг турфа дардлари ва ҳасратларига шерик бўлган соҳиба портрети актриса Нигора Каримбоева талқинида тасвирланган. Қаҳрамоннинг камтар қиёфаси, характеридаги босиқлик, бу дунёнинг синовларига жиддий муносабат билдириши, кутилаётган никоҳ оstonасидаги ҳаяжонлари нафис ижросини топган. Фильмда рассом маҳорати ёрқин кўзга ташланади. Қишлоқ манзараларида дўппи кийган ўзбек эркакларини кўрасиз. Орзунинг уйида илинган чиройли адраслар, турмушга чиқиш олдидан миллий менталитетимизга хос бўлган келин сепининг йиғилиши кўрсатилади. Қишлоқ одамларининг “Этиқод ҳосиласи” [4. Б.384] сифатидаги ҳаётий яратилари фильмдаги деталларда бадий талқинини топган. Катта ҳаётга одимлаётган қизнинг қалбидаги тугёнлари худди адраслар каби нафис эканлигига ишора берилмоқда. Кинофильмнинг тугун қисмидаги Орзуга онаси томонидан берилган топшириқлар асар фабуласи учун пойқадам бўлса, фалсафий жиҳатдан бу катта ҳаётга кириб бораётган нозик кўнгилли қиз учун оналик бурчини ўталиши, бахт оstonасига узатилаётган келинга берилаётган насиҳат ва дуолар сифатида ифодаланади. Орзу онаси ният қилган чашма сари боргунича йўлида учрайдиган турфа воқеалар ҳақиқий умрнинг рангин бўёқлардаги тасвири саналади. Хонадоидаги молини базўр сотиб, уйидаги тандирларини синдирмоқчи бўлган Фарҳод Абдуллаев ижросидаги персонаж ҳам ўзбекона характер яратган. Тандирлар – бу тақдирлар, фарзандлар, уларнинг ҳар бири уста учун қадрли эканлиги очиб берилган. Биргина шу персонажнинг лейтмотивидан “Мол аччиғи – жон аччиғи”, “Эр-хотиннинг уриши – дока-рўмол қуриши”, “Фарзандинг-дилбандинг” сингари миллатимизга хос бўлган нақлларни илғаш мумкин. Қишлоқ милициясининг абгор турмуши, севиб-севилолмаган қисмати олдидаги ожиз “мен”и нозик сайқаланган. Хотини девор ортида тобут билан видолашуви, оёқ остидаги саноксиз ҳазонларнинг сочилувида етим қолган муҳаббатнинг азаси мавжуд. Инсон қалбининг, айниқса аёл қалбининг бениҳоя

нозик торлари, руҳининг инжиқ хилқатлари синовли турмушга қасд қилаётгандек ўксиб йиғлай бошлайди. “Вақт ва замондошларга ҳамиша ҳам тўлдирувчи чизги, буюклар ҳайкали турадиган супага фишт бўлишдай аянчли вазифа берилавермайди, аксинча, кейинги йилларда улар сезиларли даражада олға силжиб, нафақат буюк шахсни бироз четга сурди, балки уни тўлароқ тушуниш имконини ҳам яратди”, деган эди олим А. Веселовский [5.Б.111]. Ҳақиқатан, ушбу фильмда оддий инсонларнинг буюклиги эмас, балки уларнинг қалбини тушуниш моҳияти биринчи ўринга қўйилмоқда.

Орзубиби манзилида давом этаркан, катта ҳаётда ўзи учратаётган инсонларникидек турфа синовларни бошидан кечириши мумкинлиги уқтирилади. Доктор воқеасидаги қизларнинг қиёфалари, ўзбек отасининг ўғил кўролмаганидаги ички исёни том маънода асрий миллатнинг дардини ифодалайди. Вокзалда учратиб қолиб, бойвачча аёлнинг уйидаги ташрифиди ҳаётдан зериккан, ортиқча дабдабадан тўйиб кетган аёлнинг аламга тўлган рақсини режиссёр фильмнинг кульминацион нуқталарига жойлаштиради.

Картинада фойдаланилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархон ижросидаги миллий кўшиқ куйлари томошабин руҳини ўзбекона турмушга яқинлаштиради, қаҳрамон ҳаёти билан бутунлай қоришиб кетишга ундайди.

Орзубининг холаси уйдаги ҳолатлар, қўлларига кино кўйиши, адрасларнинг ҳилпираб рангин манзара кашф этишида қишлоқ одамларининг тасвири ёритилган. Елвизак шамолдаги кадрларда қиз қалбининг ўша шамоллардек тинимсиз елаётган инжа хаёлларини бутун борлиққа таралаётгани кўринади. Финалдаги Чашма сахнаси, йўл бўйи “Йиғладингми?” дея берилган саволларга жавобан Орзунинг сув бўйидан тўйиб-тўйиб йиғлаши, йўлдан орттирган ортиқча нағмаларини ўша чашма сувига улоқтириши ҳам энди ортида қолаётган ҳаётидаги ҳасратларни англатади.

Ҳар бир ўзбек қизи катта турмушга чиқаётиб Чашма сувидек покизаланиши, иффати ва ҳаёси сингари бебаҳо бойлигини асраб-авайлаб ҳалол муҳаббатга инъом этиши фильм моҳиятига сингдирилган. Қаҳрамон кўкси тўлиб йиғлаётган пайтдаги севикли ёрининг кўнғироғи, биргина овуноқ майин сўзлари уни овулганлиги келажакда у учун

ўша жуфти ҳалоли энг вафодор ёр бўлиши, бошқаларнинг бегона муносабатидан асраши англашилган. Фильм сўнггида Орзу беадоқ поёнликка олис термилади, адрас рўмолча ортида оппоқ кўзисини излаётган қишлоқ ўспирини кўринади.

Санъат қонунларига кўра бу кадрларда нур борлиги, томошабини яхшиликка даъват этиш, умидбахш этиш сингари мақсадлар муштараклиги акс эттирилган. Ушбу яратилган ҳам миллий маънавиятимизнинг турфа шакллари, рангин тасвирлари, ўзбекона характерларнинг ҳаётий чизгилари маҳорат билан кино асарга кўчирилган. Олим Қозоқбой Йўлдош таърифлаганидек: “Драма асарлари таҳлилида асосий эътибор қаҳрамоннинг сажиясини очишга қаратилиши лозим” [6. Б. 294]. “Чашма” картинасининг муҳокамасида ҳам бош қаҳрамон Орзубиби тасвирида бутун фильмни таҳлил қилишга уриндик. Ҳақиқатан, профессионал даражада яратилган драматик асарларда бош қаҳрамон қиёфаси образ даражасига кўтарилди. Актриса Нигора Каримбоева ижросидаги Орзубиби ҳам гўзал образга айланиб, ўзбек киносининг такрорланмас хазиначисидан жой олди.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўзбек киносида миллий маънавиятимиз акс эттирилган яна кўплаб фильмлар суратга олинган. “Илова”, “Ўтов”, “Сув ёқалаб”, “Дилхирож”, “Эркак”, “Шабнам” сингари картиналар шулар жумласидан, уларда ҳам ўзига хос миллий қарашлар ифодасини кўриш мумкин. Олим Ш. Давроннинг “Ҳар бир асар воқеалари минг йиллар давомида шаклланган маданият, ахлоқ-одоб муҳитида, бирон макон ёки муайян ҳудудда рўй беради”, [7.Б.116] деган фикрида чуқур маъно бор. Кинорежиссёрлар Қамара Камолова ҳамда Ёлқин Тўйчиевларнинг миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ўзига хос қарашларини фильмлари мазмунида кўради. “Йўл бўлсин” кино картинасида воқелик тасвирлари мусиқа оҳанглирига яширинган бўлса, “Чашма” фильмида эса инсонлар тақдири чизигига, ҳаётий ҳодисалар ортидаги фалсафийликка яширинган. Икки фильмнинг ҳам миллий маънавиятимизни акс эттирган тамойиллари, кино услублари долзарб бўлиб қолади.

Зеро, тараққий этаётган шиддатли даврда миллий кино асарлар яратиш фурсати кино ижодкорларга, бундай фильмларни томоша қилиш бахти эса ҳақиқий мухлисларга насиб этсин.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Худойбергандов Н. Ўзбек адабий танқиди. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2011. -170 б.
2. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. -28 б.
3. Ризаев Ш. Изтироб санъати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -251б.
4. Шарафиддинов О. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Тошкент: Маънавият, 2010. -384 б.
5. Веселовский А. Тарихий поэтика. // Жаҳон адабиёти. 2016. -111 б.
6. Йўлдош К., Йўлдош М. Бадий таҳлил асослари. –Тошкент: Камалак, 2016. -294 б.
7. Даврон Ш. Четдаги кишининг мулоҳазалари // Шарқ юлдузи. 2016. -№11. -116 б.

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРДАН Фойдаланиш масалалари

**Аннотация.** Ушбу мақолада маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишнинг энг муҳим усуллари, келажакдаги меъёрий ёки мақбул ҳолатлари, уларга эришиш ва бу борадаги режаларни рўёбга чиқаришнинг муқобил йўллари очиб берилди.

**Аннотация.** В данной статье ведется речь о самых важных способах использования экономических средств эффективного управления деятельностью учреждений культуры и искусства, рассматриваются альтернативные осуществления планов в этой области, выполнения намеченных целей.

**Annotation.** The present article touches upon the most important methods of using the economical sources in effective management of art and culture institutions work and also it makes out alternative ways of realizing the plans in the given sphere, carrying out market aims.

**Калит сўзлар:** маданият, санъат, муассаса, фаолият, бошқарув, иқтисод, хизмат, маънавият, истиқбол, бозор, маблағ.

**Ключевые слова:** культура, искусство, учреждения, деятельность, управление, экономика, служба, духовность, будущее, рынок, средство,

**Key words:** culture, art, institution, activity, management, economy, service, spirituality, future, market, means.

Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш мақсадидан, концепциясидан келиб чиқади. Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов кўрсатганидек, “маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Миллий камолат йўли мана шу”[8].

Иқтисодий бошқариш ёки, С.Н.Булгаков ибораси билан айтганда, “хўжалик юргизиш фалсафаси”[1.Б.3] нафақат “табиатни инсондаги ва инсонни табиатдаги”[2.Б.3] ўрни ҳақидаги масала, шу билан бирга инсонни жамият ва маданиятдаги ҳамда жамият ва маданиятни инсон ҳаётидаги ўрни масаласидир. Айниқса, иқтисодий муносабатлар жамият ва инсон ҳаётида яшаш ва ривожланиш омилига айланаётган ҳозирги пайтда уларни илмий таҳлил қилишдан маданият ва санъат соҳаси ҳам чеккада турулмади.

Иқтисодий бошқариш усуллари кишиларнинг маданий хизмат турларига, ижодий хислатларини ривожлантиришга, дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали уларда ижтимоий фойдали фазилатларни шакллантириш воситасидир.

Шунинг учун улар маданият ходимларининг моддий манфаатдорлигини қондиришни, шу билан бирга, маданият ва санъат муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тармоқларини кенгайтириш, ижтимоий-тарбиявий фаолиятини такомиллаштириш, маданият ва санъат соҳасини монособъект моделдан полисубъект моделида ривожлантиришни назарда тутди.

Иқтисодий бошқариш усуллари (хўжалик ҳисоби) бир қарашда маданий хизмат кўрсатиш (маркетинг)нинг айнан ўзидек кўринади. Аслида ундай эмас. Маркетинг муассасалар фаолиятини аҳолининг аниқ эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш, хўжалик юритиш фалсафаси ҳисобланади [3.Б.30]. У пуллик ҳам, бепул ҳам бўлиши мумкин [7.Б.30]. Иқтисодий бошқариш усуллари хўжаликнинг у ёки бу йўналишини иқтисодий қонунларга мувофиқ ташкил қилишга қаратилади. Унинг диққат марказида иқтисодий қонунларни, иқтисодий таъсир воситаларини маданият ва санъат муассасаларига жорий этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тармоқларини кенгайтириш, мутахассисларнинг моддий қизиқишларини қондириш орқали маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришни такомиллаштириш туради. Иқтисодий бошқариш

усулларида эътибор маданият ходимларига, маданий хизмат кўрсатишда эса аҳолига, унинг эҳтиёжларига йўналтирилади [9.Б.12].

Махсус адабиётларда хўжалик ҳисоби режали хўжалик юритишнинг бир усули деб аталади. Сарфланган харажатларни қоплаш ва фойда олиш, муассасанинг хўжалик юритишдаги мустақиллиги унинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) натижаларини яхшилашдан манфаатдорлиги, меҳнат натижалари учун меҳнат жамоасининг моддий жавобгарлиги ва пул хўжалик фаолиятини назорат қилниши хўжалик ҳисобининг асосий белгиларидир.

Хўжалик ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, маданият ва санъат муассасалари олдингидек алоҳида моддалар бўйича эмас, балки доимий тарзда маблағ билан таъминланади. Бу маблағларни қайси заруратларга (моддаларга) сарфлашни меҳнат жамоасининг ўзи ҳал қилади.

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимиятлар қошида давлат бюджетидан маданият ва санъат фондлари ташкил этилади.

Ушбу фондларга маблағ худудда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб белгиланади. Бу маблағлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан маданият муассасаларига бериладиган ижтимоий-ижодий буюртмаларни бажаришга, у ёки бу оммавий-бадий тадбирлар ўтказишга, маданият ва санаът муассасаларининг хўжалик фаолиятини яхшилашга сарфланади.

Учинчидан, маданият ва санъат муассасалари аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағларни ўз заруратларига ишлатади, турли идоралар ва ташкилотлар билан меҳнат шартномалари тузади, турли фондларни ўз хўжалик ишларига жалб қилади.

Тўртинчидан, маданият ва санъат муассасалари ўз ички фаолиятини ўзи мустақил ташкил қилади ва олиб боради. Агар худудий ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган бўлса, ўз фаолиятида ана шу дастурлардан келиб чиқади. Маданият ва санъат муассасалари чет эллар билан алоқалар ўрнатиш, ходимларига маош ажратиш, ажратилган маблағ доирасида уларни моддий рағбатлантириш мумкин.

Бешинчидан, маданият ва санъат муассасалари ўз фаолиятида хўжалик юритишнинг турли кўринишлари ва усуллари билан фойдаланади.

Хитойда ҳам маданият ва санъат муассасалари асосан давлат қарамоғида. Бироқ бу маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни қўллаб-қувватлаш, ихтиёрий уюшмалар тузишнинг ҳаммаси аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан

тушган даромадлар ҳисобига қилинади. Хитой маданият ва санъат муассасалари ранг-баранг фаолият билан шуғулланувчи маданият ва санъат корхонасини эслатади. Унда ҳаваскорлик уюшмалари ва кутубхоналаридан тортиб то шахсий дўкон, ресторан, меҳмонхона, пойафзал ва тикув фабрикалари, ҳатто спиртли ичимликлар тайёрлаш корхоналаригача бор. Беш-етти қаватли ранг-баранг корхона ва бирлашмаларни бор-йўғи олти-етти киши бошқаради, холос. Ҳаваскорлик уюшмаларидан ташқари барча бирлашмалар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ишлайди. Ушбу бирлашмалардан олинадиган давлат солиғи маданият ёки санъат муассасаси ҳисобига тушади ва у бу маблағларни истаган соҳага сарфлайди.

Худди шунингдек, Хитойда истаган киши ёки оила маҳаллий ҳокимият билан шартнома тузган ҳолда шахсий кутубхона, оиласида, уйда тўғарақлар, ижодий уюшмалар ва дам олиш ўчоқлари очиши мумкин [5.Б.21-24].

АҚШда давлат бюджетидан ишловчи маданият ва санъат муассасалари йўқ. Улар асосан ўқув юртлари, корхоналар ва жамоат ташкилотлари қошида ихтиёрий уюшмалар тарзида ташкил этилади. Улар учун зарур бўлган маблағларни уюшма аъзолари йиғишади. Худди шунингдек, Голландия, Шотландия, Германия, Япония ва Туркияда ҳам давлат маданият ва санъат муассасалари учрамайди. Аммо ўтказиладиган маданий-оммавий тадбирлар, ҳаваскорлик уюшмаларининг чиқишлари маҳаллий ҳокимият, санъат бўйича махсус фондлар орқали қўллаб-қувватланади. Масалан, Шотландияда ҳаваскорларга халқ анъанавий санъати билан шуғулланувчиларга махсус санъат фонди ёрдам кўрсатади [4.Б.21-22].

Яна шуни ҳам аниқ ишонч билан айта оламизки, келгусида юқори савиядаги маркетинг усулида ишловчи маданият ва санъат муассасалари кенгайди. Улар номигагина ишлаётган давлат муассасаларини иқтисодий тил билан айтганда синдиради.

Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланиш соҳанинг ранг-баранг тармоқларини юзага келтиради. Аҳолини, мутахассисларни ижтимоий-маданий ҳаётга кенг жалб қилади. Натижада маданият ва санъат соҳаси хизматининг нафақат ранг-баранг кўринишлари, шу билан бирга унинг савияси ҳам ошади. Кишиларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмаган муассасалар қисқаради ёки улар фаолиятида замонавий ўзгаришлар содир бўлади.

Бугунги кунда маданият ва санъат ходимларининг моддий манфаатдорлигини унутмаган ҳолда уларни бепул хизмат қилишга жалб қилиш, пуллик хизмат билан бепул хизматни мувофиқлаштириш, ҳаваскорлик ижодидан халқ маданиятини ривожлантиришда фойдаланиш,

кишиларнинг бўш вақтини унумли ўтказишни йўлга қўйиш соҳамизнинг энг муҳим мавзуларига айланмоқда.

Иқтисодий бошқариш усуллари давлат томонидан маданий-тарбиявий ишларни олиб борилишини инкор қилмайди, ҳозирги даврда у давлат маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятини фаоллаштириш, маданият ва санъат ходимларининг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қилувчи нодавлат маданият ва санъат муассасаларининг юзага келиши учун замин яратади. Келгусида эса давлат қарамоғидаги маданият ва санъат саройлари билан бир қаторда турли иқтисодий бошқариш усулларига асосланган нодавлат маданият ва санъат муассасалари: ширкат, фирма, кичик корхона, халқаро маданият ва санъат муассасалари, оилавий уюшма ва бошқа истироҳатхоналар юзага келади, мутахассисларнинг яқка тартибда маданий хизмат кўрсатишлари кенгайди. Ҳатто келгусида турли тармоқларга қарашли маданият ва санъат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уларга турли услубий ёрдамлар кўрсатувчи жамоатчилик асосида ишловчи кенгашлар ва марказлар янада кўпроқ юзага келиши мумкин. Маданият ва санъат ишларида иштирок қилиш, уларга зарур маблағлар ажратиш кишиларнинг айниқса, бадавлат кишиларнинг ижтимоий бурчига, уларнинг эътиборини, эл олдида қадрини ошириш воситасига айланади.

Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишнинг энг муҳим усулларида бири бу – истиқболни олдиндан айтиб бериш, яъни маданият ва санъат соҳасининг келажакдаги меъёрий ёки мақбул ҳолатлари, уларга эришиш ва бу борадаги режаларни рўйбга чиқаришнинг муқобил йўллари ва муддатлари тўғрисидаги эҳтимолга яқин марраларни ишлаб чиқишдир. Маданият ва санъат муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий дастурларини ва режаларини ишлаб чиқишдан аввал истиқболи олдиндан белгиланади. Истиқбол илмий таҳлиллар асосида, узоқни кўзлаб муфассал ахборотларга таянган ҳолда белгиланади. Бундай тадбир маданий тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқлашга йўл очади, маданият муассасаларини ахборотлар билан таъминлайди, ишонч билан қарорлар қабул қилишда ёрдам берувчи асосли мезонларни ишлаб чиқади.

Истиқболни белгилаш қуйидаги маданий тадқиқот услубларини, маданий ривожланиш тизимларининг услубларини ва кўрсаткичларини ўз ичига олади:

- изчиллик. Истиқболни белгилаш узлуксиз жараён бўлиб, маданият ва санъат соҳасида муайян шароитдаги ўзгаришлар таҳлилий баҳоланади, режалаш билан марраларни аниқлаш ўртасидаги боғлиқликлар

таъминланади;

- тараққиёт билан соҳа йўналиши ўртасидаги мутаносиблик. Маданият ва санъатда тараққиёт қонуниятлари ва соҳа йўналишларини тенг олиб боровчи мувозанат бўлиб, унинг доирасида яқин келажак истиқболи белгиланади ва режаларга тегишли ўзгаришлар киритилади;

- назария билан амалиёт мувофиқлиги. Маданият ва санъат иқтисодий истиқболини илмий-техника истиқболи билан мувофиқлаштириб белгилаш;

- хилма-хиллик. Муайян жараён истиқболини белгилаш учун шу соҳанинг хилма-хил жараёнларини ўрганиш.

Маданият ва санъат амалиётида иқтисодий истиқболни белгилаш уч босқичда олиб борилади:

Ўтмиш сабоқларини ўрганиш – ўтмишдаги жараёнлар ва турли воқеалар ҳолатларининг ўзгаришини ўрганиш ва уларнинг характерини аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Истиқболни белгилаш учун ташкилий ишлар кўрилиб, текшириладиган жараённинг динамик андозаси курилади.

Диагностика – истиқболни белгилаш усуллари аниқ белгиланади ва танланади.

Прогнозлаш (олдиндан айтиш) – камчиликлар ва амалга ошириладиган ишлар кўламини аниқланади.

Маданият ва санъат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш гуруҳларга бўлиниб, муассасалар фаолиятига қараб амалга оширилади. Бу гуруҳлар театрлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва бошқалардир. Маданият ва санъат муассасалари миқдорига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллар қуйидагилардир: мамлакат аҳолисининг сони, ҳудудларга тарқалганлик даражаси, қишлоқ аҳоли пунктлари миқдори, турлича аҳоли сонига эга шаҳарлар сони, минтақалардаги аҳоли таркиби, ёши, касб-кори, ижтимоий ҳолати ва бошқа турли белгилари. Аҳолини хизматлар билан таъминлашда тегишли меъёрлардан ҳар бир муассаса гуруҳлари учун фойдаланилади. Маданият ва санъат иқтисодиёти истиқболи режасидаги хизматлар ҳажмини унганча бўлган даврдаги меъёрларнинг ҳақиқий ҳажми билан солиштириш аҳолини маданият ва санъат муассасалари, уларнинг динамикасига бўлган эҳтиёжларини қондириш даражаларини аниқлашга олиб келади.

Масалан, театр санъати тараққиёти истиқболи қуйидаги кўрсаткичларга кўра аниқланади: барча жанр ва турдаги театрлар тармоғи (драматик, опера, оперетта, кўғирчоқ, болалар ва б.), театрлар сифими (ўринлар сони), яъни сотиладиган ўринлар сони, театр жамоалари ишининг сифати, ижодий меҳнат ҳажмини характерлайдиган кўрсаткичлар – репертуарлар, эрталаб, кечкурунги томоша залларининг бандлиги, намойиш этилган спектаклларнинг

умумий сони, жумладан, доимий (асосий саҳнада) ҳамда сафарларда ва бошқа кўрсаткичлар.

Театр жамоалари иши сифатининг яна бир муҳим кўрсаткичи – бир спектаклга тўғри келадиган томошабинларнинг ўртача миқдори. Бу катталик истиқболлашнинг фоизларда ифодаланган тушумлар (ўринларнинг бандлиги) миқдори кўринишида тижорат асари сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич аҳолининг театр репертуарига қизиқиши ва актёрлар рол ўйнашининг сифатига қараб аниқланади.

Барча ёшдаги ва ижтимоий гуруҳлардаги аҳолининг маданий даражасини юксалтиришда кутубхоналар катта аҳамиятга эга. Асосан оммавий кутубхоналарнинг хизмати беқиёсдир. Оммавий кутубхоналарга бўлган эҳтиёж шаҳар ва қишлоқлар учун белгиланган алоҳида меъёрлар асосида ҳисобланади.

Кутубхоналар истиқболлини олдиндан белгилашда кутубхоналар иши самарадорлигини оширишни эътиборга олиш зарур. Бу китобларнинг ўқилиши (ўқишхонлик), китоб фондининг айланиши, кутубхоналарга қатнашиш ва бошқа кўрсаткичлар билан ўлчанади. Ўқишхонлик йил давомида кутубхоналардан фойдаланган китобхонлар миқдорининг бир йилда берилган китоблар ҳажмига нисбати билан аниқланади, яъни бунда битта китобхонга бир йилда ўртача берилган китоблар сони аниқланади. Кутубхоналарга қатнаш бир китобхоннинг бир йилда ўртача қатнаши миқдори билан аниқланиб, бир йилдаги китобхонлар сонининг қатнаш миқдorigа нисбати билан аниқланади. Китоб фондининг ҳажми, унинг таркиби, тизими кутубхоналар фаолият кўрсатиши самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Юқорида баён этилган қатор маданият ва санъат муассасаларининг молия таъминотида оид илмий фикр-мулоҳазаларимизни инобатга олган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин:

- маданият ва санъат муассасаларининг хўжалик юриштининг иқтисодий муносабатлари шаклидаги янги молия таъминоти, давлатимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим. Шу маънода маданият ва санъатда молия таъминот сиёсатининг стратегияси ва тактикасини тобора такомиллаштириб бориш;

- халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

- маданият ва санъат маҳсулотларини (хизматини) бошқа мамлакатлар шаҳарларида сотиш билан биргаликда, дунёга танилган азим Самарқанд, Бухоро, Хива, Шақрисабзларда ҳам «Маданият бозори»ни ташкил

этиш (чунки, тарихий шаҳарларимизга дунёнинг бир қанча мамлакатларидан бир неча минглаб сайёҳлар келишади);

- соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маданият ва санъатни сармоя билан таъминлаш комиссиясини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу комиссия махсус маданият ва санъат соҳасининг иқтисодий программасини, ходимларнинг бозор иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш тадбирлар тизимини, маълумотлар ва ахборотлар банкни яратиш мақсадида фундаментал тадқиқотларни амалга оширишни ташкил этиши, соҳада тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, маданият ва санъатни чет эл сармоялари билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш, тармоқ ўрта ва олий таълим тизимида маданият ва санъат иқтисодиёти муаммоларини ўрганиши, қўшни давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва бошқа масалалар ечими билан шуғулланиши керак.

Бугунги кунда маданият ва санъат ходимларининг моддий манфаатдорлигини унутмаган ҳолда уларни бепул хизмат қилишга жалб қилиш, пуллик хизмат билан бепул хизматни мувофиқлаштириш, ҳаваскорлик ижодидан халқ маданиятини ривожлантиришда фойдаланиш, кишиларнинг бўш вақтини унумли ўтказишни йўлга қўйиш соҳамизнинг энг муҳим мавзуларига айланмоқда.

Иқтисодий бошқариш усуллари давлат томонидан маданий-тарбиявий ишларнинг олиб борилишини инкор қилмайди, ҳозирги даврда у давлат маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятини фаоллаштириш, маданият ва санъат ходимларининг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қилувчи нодавлат маданият ва санъат муассасаларининг юзага келиши учун замин яратади. Келгусида эса давлат қарамоғидаги маданият ва санъат саройлари билан бир қаторда турли иқтисодий бошқариш усулларига асосланган нодавлат маданият ва санъат муассасалари: ширкат, фирма, кичик корхона, халқаро маданият ва санъат муассасалари, оилавий уюшма ва бошқа истироҳатхоналар юзага келади, мутахассасларнинг яқка тартибда маданий хизмат кўрсатишлари кенгаяди. Ҳатто келгусида турли тармоқларга қарашли маданият ва санъат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уларга турли услубий ёрдамлар кўрсатувчи жамоатчилик асосида ишловчи кенгашлар ва марказлар янада кўпроқ юзага келиши мумкин.

Бугунги кунда ижтимоий соҳанинг йирик ва кенг кўламли йўналишларидан бири бўлган маданият ва санъат соҳаси, айниқса, мамлакатимизнинг шаҳар, туманлари, қишлоқлари ва чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган аҳолининг барча қатламларига маданий хизмат кўрсатиш,



аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига хизмат қиладиган маданият ва санъат муассасаларига эътибор кўрсатиш, уларнинг моддий-техник негизини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, уларнинг мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаш, миллий манфаатларимизга хизмат кўрсатадиган муҳим масканга айлантириш масаласи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади. Фикримизнинг ёрқин ифодаси сифатида 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори соҳа тараққиётига хизмат қиладиган, янада масъулият ҳиссини оширадиган дастур бўлди. Унга кўра “маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермапти”[6] каби устувор вазифалар белгиланган.

Белгиланган чора-тадбирлар ва олиб борилган амалий ишлар натижасида ҳудудларда замонавий маданият ва санъат муассасалари аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш ҳамда юртдошларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатиш учун янги-янги марказлар барпо

этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 25 июндаги 178-сон қарори қабул қилинди. Миллий маданиятимиз аъналарини ўрганиш, аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, мазмунли дам олишини таъминлашга йўналтирилган қарор ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2013 йил 28 июндаги 704-сон буйруғи қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган 1777 та маданият уйлари ва клублар негизида 894 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қайта ташкил этилиб, таъмирланмоқда, моддий-техник базаси тўлиқ янгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ аъналарлари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда, бизнинг йўл - жаҳон амалиётида тўпланган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади. Маданият ва санъат муассасаси фаолиятининг натижаси томошабин томонидан қай даражада қабул қилиб олиниши билан ўлчанади. Қайси бир маданият ва санъат муассасаси, истеъмолчи истак-талабларидан келиб чиқиб ўз меҳнатини ташкил этса, шунчалик кўп даромад олади. Бошқача айтганда маданият ва санъат муассасаларига келаётган барча даромадлар ўз мулки бўлиб, уларга бунга эгаллик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи берилади. Бу ишонч эса ҳар бир ходимда ўз иш жойига ҳақиқий хўжайинлик қилиш ҳиссини ошириб, уларда ўз-ўзини бошқариш учун замин яратади. Натижада маданият ва санъат жабҳасида ўзаро соғлом иқтисодий рақобат юзага келади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Булгаков С.Н. Философия хозяйства. –Москва: 1990. -С.3
2. Булгаков С.Н. Философия хозяйства. –Москва: 1990. -С.3
3. Борхард П., Флодель Ш., Мильц М., Рейнхардт К., Райтер Г. Концепция маркетинга для публичных библиотек. –Москва: 1993. -С.30
4. Встреча. Культурно-просветительная работа. 1997.№1. -С.21-22
5. Культурно-просветительная работа. 1989. №6. -С.21-24
6. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
7. Новаторов В. Маркетинг культурных услуг. –Омск:, 1992. -С.30
8. Туркистон, -1995. -25 февр.
- 9.Юлдашев А. Мустақил Ўзбекистонда маданиятни бошқариш муаммолари. Фалсафа фанлари докт.дисс.автореферати. –Тошкент: 2000. -Б.12



# Халқаро миқёсидаги давра суҳбати

**“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да мамлакатимизда юз бераётган улкан маданий ҳодисалар, муҳим воқеалар, фаол стратегик лойиҳалар табдили кундан-кунга ортиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалдаги барча ислоҳотлар, янгиликлар мана шу давлат дастури асносида юқори савияда бўлаётганлиги аҳамиятлидир.**

24 январь куни пойтахтимизнинг “Радиссон БЛУ” меҳмонхонасида “Ўзбекистон кино саноати инновацион ривожланиш бўсағасида” мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир модератори этиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, профессор Акбар Ҳакимов белгиланди.



Ўзбекистон санъат ва маданият институти ректори И.Ж. Йўлдошев ва Буюк Британиянинг Аберистутит давлат университети профессори, кинематография соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро эксперт Биргит Боймирс билан давра суҳбати олдидан учрашуви

Тантананинг очилишида сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Дендев Бадарч тадбирга йиғилганларни самимий қутлаб, юртимизда содир бўлаётган сиёсий ўзгаришлар, шунингдек кино санъати тараққиёти йўлида ривожланган хориж давлатлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш борасидаги илиқ фикрларини айтиб ўтди. Республикаимизда кинофильмлар ишлаб чиқариш тизимининг бош бўғини ҳисобланмиш “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Фурқат Зокиров бугунги кинематография соҳасидаги янгиликлар, мазкур йўналишдаги илмий-амалий ўзгаришлар, соҳага ёш мутахассисларни жалб этиш борасида сўз юритди.

Агентликнинг ички ташкилий тизими, худудий кинопрокат масалалари, амалдаги режалар, бу йилги тадрижда олдинга

қўйилган устувор вазифалар, халқаро алоқалар бўлими ҳамда кинофонд жамғармасининг ташкилий тузилмаси борасида ўринли маълумотлар берилди.

“ЮНЕСКО” ваколоти бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси котиби Алишер Икромов ташкил этилган давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва хориж мамлакатлари ўртасидаги муҳим маданий муносабатларни йўлга қўйиш, мавжуд алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида сўзлади. Бу борада ўзининг қатор таклифларини билдириб, ўзбек халқи доимо яқин қўшничилик алоқалари, меҳмондўстлик аънаналарида собит эканлигини таъкидлади. Халқаро доирадаги мазкур тадбирда мезбонлар сафида иштирок этаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев бугунги кундаги ёш кадрлар масаласи, кино соҳасини ривожлантиришда институтнинг ўрни, шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан режалаштирилган миллий кинематография факультетини ташкил этиш, мутахассис-педагоглар фаолиятини кучайтириш, илмий-услубий изланишлар кўламини янада ошириш юзасидан сўзга чиқиб, мазкур масъулиятли вазифалар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иштироки юқори эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Янги факультет қошида кино ва телевидение режиссёрлиги, овоз режиссёрлиги, кино ва телевидение рассоми, продюссерлик маҳорати, жумладан, актёрлик санъати таълим йўналишларини ташкил этиш бўйича инновацион лойиҳалар билан ишлаш, таълим йўналишларини ва мутахассисликлари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича фикрлар билдирди. Шу ўринда Иброҳим Юлдашев институт таълим тизимининг келгусида кино соҳасида етук ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий ҳамкор ўқув юртлари ва кино студиялари билан тажриба алмашинуви, институт миқёсида иқтидорли талабаларни танлов асосида танлаб, соҳага чуқурроқ йўналтириш, кинематография соҳаси бўйича дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни хорижий малака ошириш курсларига юбориш юзасидан олдиндаги режалар хусусида ахборотлар берди.

Тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг кино мутахассисларидан маърузалар тингланди.

Давра суҳбатида “Ўзбекистонда кино саноатни ривожлантиришнинг амалий таҳлили (изланишлар самараси)” мавзусида киношунос, санъатшунослик фанлари номзоди, Санъатшунослик илмий-тадқиқот

институти катта илмий ходими Нигора Каримова маъруза қилди. Маърузада ўзбек миллий кинематографиясининг тарихи, ривожланиш тенденциялари ҳамда бугунги кундаги ҳолати борасида илмий фактлар келтирилиб, таҳлилий ёндашувлар ўртага ташланди. Киношунос олима томонидан Миллий кинематография соҳасини изчил ривожлантириш йўлида илмий изланишлар юзасидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан кино мутахассисларининг илмий даражаси, салоҳияти, эстетик дунёкарашини шакллантириш, мавжуд масалаларга ечим топиш, мутасадди ташкилотлар иштирокини такомиллаштириш хусусида сўз борди.



*Ўзбекистон санъат ва маданият институти ректори И.Ж. Йўлдошев ва Буюк Британиянинг Аберистуит давлат университети профессори Биргит Боймрс билан давра суҳбати*

Давра суҳбати давомида тадбирнинг асосий меҳмони Буюк Британиянинг Аберистуит давлат университети профессори, кинематография соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро эксперт Биргит Боймрс “Европа кино саноати ва Евросиё ўлчами” номи маърузасида бугунги кунда яратилаётган еврофильмлар, кинфестиваллар ва мукофотлар борасида маъруза қилди. Европа давлатлари билан ўзаро алоқалар, айнан кинематография соҳасини ривожлантириш бўйича конструктив ишлар, илғор технологик янгиликларни ўзбек киносига олиб кириш хусусида муҳим ва қизиқарли фактлар келтириб ўтилди. Халқаро экспертнинг мамлакатимиздаги ташрифи чоғида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан яқиндан танишганлиги, профессор Иброҳим Йўлдошев, институт илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқулова, кафедра мудир, доцент Иқбол Мелиқўзиев ҳамда бир қанча педагоглар билан бўлган суҳбатлар асносида юртимизда кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг тубдан ислоҳ қилинганлиги, малакали мутахассисларнинг педагогик фаолияти, ёш талабаларнинг илмий-ижодий ишларининг юқори савияда эканлигини таъкидлаб, халқаро алоқаларга доимо тайёрлигини, келгусида ўзбек

киноижодкорлари билан ҳамкорликда юқори сифатли, жаҳон стандартларига мос равишда етук бадиий фильмлар яратиш ғоялари мавжудлигини билдириб ўтди.

Мазкур маърузалар тадбирга йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Ҳақиқатан, улғу мақсадлар йўлида бошланган улкан ислохотлар, амалий режалар бесамар кетмаслиги, қувонарли ҳолдир.

Қисқа танаффусдан сўнг, давра суҳбатининг қизғин муҳокама жараёни бошланди. Мазкур жараёнда Ўзбекистон кино саноатининг норматив-ҳуқуқий базаси: қонунлар, маданият ривожини концепцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кинодебют ишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, киносценарийлар ва бадиий кино асарларини яратиш муаммолари, Ўзбекистонда халқаро кинофорумларнинг ўтказилиши ҳамда ўзбек кинофильмларининг халқаро фестиваллардаги иштироки, ҳудудлардаги кинотеатрлар инфраструктурасини янада такомиллаштириш, кино мутахассисларни ўқитиш тизими, Республикада ҳужжатли ва анимацион фильмлар ишлаб чиқариш кўлами, Ўзбекистон маданий сиёсатидаги ўзгаришлар, маданий алоқалар ва киносаноатни ривожлантиришда ижодий жараёнлар хусусида 2005 йилдаги ЮНЕСКО Конвенцияси масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Янгидан-янги таклифлар, соҳа ривожини бўйича илғор технологик ғоялар ўртага ташланиб, моддий техник базани янада яхшилаш, киномодерн ислохотлар кўламини кенгайтириш, миллий кадрлар сифатини ошириш, кинодраматургия масалаларини ҳал этиш борасида фикрлар алмашилди. Давра суҳбатининг якунида фойдали фикр-мулоҳазалар ўртага ташланганлиги, шунингдек, ташкилотчи мутасаддиларнинг фидойи меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий кино санъати ўзбек халқи юрагига нақадар яқинлигини, шу кунга қадар юксак ғоявий-бадиий фильмларимиз нафақат юртимизда, балки бутун жаҳонда томоша қилинишини ва албатта келгусида янада мукамал, юқори талабларга жавоб берадиган юксак технологик воситалар билан яратилган фильмларни кўпайтириш лозимлигини ҳис этган ҳолда бугун юртимизда, айниқса кинематография соҳасида улкан ислохотлар авж олди. Мазкур ҳаракатлар замирида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ҳам иштироки мавжудлиги долзарб аҳамиятга эга. Зеро, малакали мутахассислар ҳамда илғор фикрли ёш кадрлар ҳамжиҳатлиги албатта ўз самарасини беражак. Юртимизда катта стратегик мақсадлар сари мана шундай улкан қадамлар ташланиши давомий ҳамда ҳар жиҳатдан серунум бўлсин.

# САҲНА СУХАНДОНИ



**Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонасида  
Ўзбекистон Миллий  
телерадиокомпанияси,  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси ва  
Ўзбекистон давлат  
санъат ва маданият  
институтининг ҳамкорлигида  
2018 йил 30 январь кунин  
Ўзбекистон халқ артисти, саҳна  
нутқи бўйича биринчи профессор  
Назира Алиева таваллудининг 105 йиллигига  
бағишланган “Саҳна суҳандони” деб номланган хотира  
кечаси бўлиб ўтди.**

Кечани Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқулова олиб борди. Дастурдан ўрин олган саҳна нутқи бўйича биринчи профессор Назира Алиеванинг хотирасига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Шундан сўнг, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор И.Ж.Йўлдошев кечани очиб берди.

Кечага ташриф буюрган Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Педагогика фанлари номзоди, профессор Адиба Носирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳакима Отахонова, Режиссёр Маҳкам Муҳаммедов “Ўзбек саҳна нутқи методикасини яратишда Назира Алиеванинг ҳиссаси”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Жўра Махмудов “Назира Алиева – ўзбек саҳна нутқи устаси” ҳамда фалсафа фанлари номзоди, доцент Маъмур Умаровлар Назира Алиеванинг “Санъат – менинг ҳаётим” номли китоби тўғрисидаги маърузалари китобнинг “Саҳна нутқи” фани учун керакли ва қимматли эканлиги, саҳна суҳандонининг саҳна нутқига бўлган меҳри, унинг ҳаёт йўлларидаги машаққати ва касбига бўлган садоқатига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Санъат институтида ўқиб, Назира Алиева билан бирга ишлаган санъатшунослик фанлари номзоди Келди Умрзаков институтдаги илк қадамидан тортиб ўқитувчилик касбига бўлган меҳрини Назира опадан олганини, унинг шарофати билан бугун мана шундай касбнинг эгаси бўлганини алоҳида таъкидлади.

Институт доценти Рамзиддин Қодиров ва талабалар томонидан ўқилган монологлар кечага файз бағишлади.

Кечада айtilган барча илиқ сўзлардан кўзларига ёш олган Назира Алиеванинг невараси Республика давлат кўғирчоқ театри режиссёри Динара Юлдашева кеча ташкилотчилари ва қатнашчиларига ўзининг барчага миннатдорчилик билдирди. Бувисининг таваллуд кунинда уни хотирлаб айtilган барча сўзлар айни ҳақиқатлиги ва 15 ёшида қийнчиликларга қарамай Москвага бориб ўқиган кезлари ва тунгача газета ва китоб ўқишни қанда қилмаганликларини айтиб берди. “Бу касбга меҳр бувимдан мерос қолган. Шунинг учун ҳам барча неvara ва эваралари шу касбга алоҳида меҳр қўйган”, - дейди Динара Юлдашева.



Расмда: Фалсафа фанлари номзоди, доцент Маъмур Умаров,  
Кўғирчоқ театри режиссёри Динара Юлдашева

Хотира кечаси ташкилотчиси, режиссёр, “Олтин қалам” соҳиби Ҳамид Қаҳрамонов сўнги сўзни олиб, “Назира Алиева менинг онам. Унинг оналарча бўлган меҳрини гапирмай кетолмайман. Онам ўрнида онам бўлган шахс. Уларнинг инсонийлик фазилатлари ва ҳар бир инсонга бўлган меҳрини ўрнак қилиб олиш керак”, - дея кечага якун ясади.

Кеча файзли ва мазмунли бўлиши билан бирга қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Профессор Назира Алиеванинг ўчмас хотираси қалбимизда қолади.

# КЕНГ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

**Юртимизда ҳар жабҳасида кундан-кунга кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мазкур ислоҳотларнинг янгидан-янги кўринишлари, эл-юрт тинчлиги ҳамда халқ фаровонлиги учун янада ўринли жиҳатлари ишлаб чиқиляётгани маълум. Шунингдек, мамлакатимизда илм-фан ривожланишига бўлган эътибор, кадрлар тайёрлаш тизимини янада тараққий топтириш, соҳада етук мутахассис кадрлар тайёрлаш сингари устувор вазифалар кундан-кунга ортиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 4.4-бандида кўрсатилган Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш режаси Олий таълим тизимида биз тилга олмоқчи бўлган янгилик ва ўзгаришларнинг бош дебочаси бўлади. Хусусан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида мазкур ислоҳотларнинг амалий ижроси кенг йўсинда олиб бормоқда.**

Институт ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев ташаббуси билан турли йўналишларни қамраб олган олдиндаги қатор вазифалар табдили ишлаб чиқилди. Унга кўра;

- ҳар бир профессор-ўқитувчининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган илмий-ижодий фаолияти бўйича “Шахсий йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Мазкур харитага кўра, асосан, уч йўналишда иш олиб борилади. Биринчи йўл – ижодкор профессор-ўқитувчиларнинг давлат мукофотлари ва фахрий унвонларини олиш режаси, иккинчи йўл – профессор-ўқитувчилар ўқув қўлланма, дарсликлар яратиш орқали доцент илмий даражасига эга бўлиши, учинчи йўл эса, ҳақиқий илм йўли бўлиб, бу PhD, DSc тизимидаги фалсафа доктори даражасини олиш йўли ҳисобланади. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ўз иқтидоридан, илмий салоҳиятидан келиб чиқиб, мана шу уч йўлнинг бирини танлайди. Бевосита ректор бошчилигида ҳафтанинг ҳар шанба куни ишлаб чиқилган махсус жадвал-режа асосида олий таълим муассасасининг ҳар бир кафедраси жамоалари билан алоҳида-алоҳида илмий-ижодий ишларни ривожлантириш мавзусида ҳисобот

мажлислари бўлиб ўтмоқда. Мазкур йиғилишларда айна кунларда ҳар бир профессор-ўқитувчининг 2018-2019 йилларда яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар юзасидан амалий таъминот масалалари олдинга қўйилган. Бунда педагоглар ўқув қўлланмаларини тайёрлашдан то чоп эттиргунга қадар моддий-техник база билан тўлиқ таъминланади:

– олдиндаги энг устувор вазифалардан бири 2017 йили яратилган, Олий таълим вазирлиги рўйхатидан ўтган жами 30га яқин ўқув адабиётни чоп эттиришдир. Яқин келажакда мазкур адабиётлар нашр қилиниб, Ахборот-ресурс марказига топширилгач, ўқув тизимида кенг кўламда фойдаланиш имкони яратилади. Маълумки, ўтган йилнинг 3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига Олмалиқ тоғ- кон металлургия комбинати “Дўстлар клуби” ҳамкор этиб белгиланди. Институт ректори, профессор Иброҳим Жўраевич Йўлдошев шахсан комбинат Бош директори Александр Касимович Фармонов билан учрашиб, мазкур масалалар юзасидан ҳамкорлик шартномасини келишиб олишди. Эндиликда институт ижтимоий ҳаётидаги турли моддий масалалар ўз ечимини топаётир.

Хусусан, жорий йил бошида 28 таълим йўналиши бўйича ҳар бир ўқув режа бўйича Ахборот-ресурс маркази ҳисобида мавжуд ўқув дарсликлар мониторинги тайёрланди. Унга кўра 157 га яқин фандан ўқув дарсликлари етарли эмас. Эндиликда 2018 йилда бунинг 67 таси яратилмоқда, 2019 йилда эса қолган 90 тасини яратилиши мўлжаллаб қўйилди. Шу мақсадда икки йилга алоҳида “Муаллифлар гуруҳи” шакллантирилди. Дастурга кўра 2018 йилги яратилажак ўқув дарсликлари юзасидан ҳар бир профессор-ўқитувчилар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Ректор томонидан педагогларга ҳафтада 1-2 кун ижодий кун ажратилиб, моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланди;

- Олий таълим мусасасида илм йўлида изланаётган, жаҳон таълим стандартларига мос равишда талабаларга билим бераётган, соҳавий фаолият билан фаол шуғулланиб, мустақил тадқиқотлар олиб бораётган докторантлар фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратиляётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Институт ректори бошчилигида ҳамда

илмий бўлим ташаббуси билан ҳар ойнинг учинчи санасида Таянч докторантура, мустақил изланувчилик ҳамда эркин тадқиқотчи ҳисобланган PhD, DSc тизимдаги жами 24 нафар докторантларнинг илмий-тадқиқот мавзулари юзасидан олиб бораётган ишлари муҳокама қилинмоқда. Улар билан уч йиллик режа тузилган бўлиб, ҳар ойда изланувчилар амалга ошираётган фаолиятлари бўйича раҳбариятга ҳисобот беришади. Жумладан, изланувчиларнинг докторлик диссертацияси юзасидан илмий-публицистик фаолиятлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этилиб, диссертация мавзуси бўйича материаллари изчил ўрганилмоқда. Шунингдек, Ихтисослашган кенгашга топшириш арафасида турган диссертация мавзуларининг тақдимот кўриги учун қатор таклифлар берилиб, мазкур изланувчилар ҳам моддий техник таъминот билан тўлиқ таъминланади. Ўйлаймизки, ўзбек санъати ва маданиятини янада ривожлантириш ва унинг илмий жиҳатини оширишга қаратилган докторантлар таълим тизимининг узлуксиз равишдаги мазкур фаолияти мамлакатимизда олиб борилаётган қатор ислохотлар ривожига албатта ўз ҳиссасини қўшади;

- ҳозирда институтнинг иқтидорли талабалари билан ишловчи 27 кишилик гуруҳ ташкил этилган бўлиб, Республика Ёшлар иттифоқининг институт кенгаши билан ҳамкорликда ижодкор талабалар қобилиятларини шакллантириш, касбий салоҳиятини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшларни турли республика ва халқаро танловларда, илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши, давлат стипендиялари ва мукофотларига таъсис этилиши назорати кучайтирилди, уларга профессор-ўқитувчилар бириктирилиб, маҳорати устида ишлаш учун шароитлар яратилмоқда. Ҳар йили институт талабалари сафидан Президент Давлат стипендиаси, Ислоҳ Каримов, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияларига, Зулфия номидаги танловга, “Ниҳол” давлат мукофотига талабгорлар таъсис этилади. Шунингдек, ёш киноижодкорларнинг “Пролог” қисқа метражли бадиий фильмлар республика фестивалининг муносиб номзодлари айнан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг иқтидорли талабалари орасидан етишиб чиқаётгани бу борадаги ишларнинг самарасидир. Институт раҳбарияти томонидан мазкур ютуқларнинг сонини янада орттириш борасида кўплаб илғор режалар ишлаб чиқилмоқда;

- магистратура босқичида таҳсил олаётган, келажакда олий таълим муассасасида педагогик фаолият олиб борадиган мутахассислар билан ишлаш тамойиллари

ишлаб чиқилди. Унга кўра магистратуранинг биринчи босқичидан бошлаб магистрантларни педагогик салоҳиятини ошириш, илмий диссертация ёзиш жараёнини назорат қилиш бўйича ҳам алоҳида гуруҳлар иш бошлади;

- иқтисодий-молиявий соҳадаги янгиликлар бўлиб, бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Институт “Ўқув театри” жамоасининг гастрол сафарлари уюштирилди, сув ҳавзаси янгидан таъмирланиб, ишга туширилди, ижара марказлари фаолияти янада кенгроқ йўлга қўйилди. Сўнгги пайтларда институт ҳудудида ёзги сунъий қопламали футбол майдончаси барпо этилди, талабалар турар жойида иситиш тизими янгиланди. Олдинда ташкил этилиши режалаштирилган Кино санъати факультети учун янги замонавий кинотехника қурилмалари сотиб олинishi йўлга қўйилди. Энг қувонарлиси, Ахборот-ресурс маркази учун янги адабиётлар, хусусан, Алишер Навоий қомусий луғати ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиялари сотиб олинди. Амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида ёш авлодни етук ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадлари ётибди;

- талабаларнинг билим олишларида асосий омил бўлган дарс сифати ва самараси даражасини талаб даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабалар давомати, жорий, оралиқ, якуний назоратларнинг шаффоф бўлишини таъминлаш, бу борада адолатлилик тамойилига амал қилиниши бош мезон бўлиши таъминланмоқда. Бу ишларга институт Ёшлар иттифоқи аъзолари кенг жалб этилди;

- шахсан ректор бошчилигида институт хўжалик ходимлари билан алоҳида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Маълумки, санъат ва маданият масканининг хавфсизлиги, озодалиги йўлида хизмат қилаётган хўжалик ходимларининг меҳнати узлуксиздир. Шуларни инobatга олган ҳолда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, кадрлаш бўйича алоҳида шуғулланилмоқда.


Ўйлаймизки, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида олиб борилаётган мазкур ишлар мамлакатимизда кечаётган ислохотларга соҳадаги улушимиз сифатида қўшилади. Зеро, халқ фаровонлиги, фарзандларимиз камолоти учун қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида фаровон турмуш учун интилишлар ётибди. Институт жамоасига эса келгуси ишларда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

# ҲАЙРАТЛАР БЕШИГИ

**Муқаддас шонли тарихимиз, асрий анъаналаримиз акс этган меъморий обидалар қад кўтарган кўҳна Самарқанд бугун бутун дунё тамаддунини ҳайратга солаётган маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” Дастури ишга туширилди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев ташаббуслари билан институтнинг “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудир, доцент в.б. Иқбол Мелиқўзиев бошчилигида кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабалари кўҳна Самарқанд шаҳрига йўл олишди.

Мазкур саёҳатдан кўзланган асосий мақсад “Welcome to Samarkand” номли қисқа метражли видеороликни суратга олиш бўлиб, бунинг учун тасвир объектлари ҳамда махсус ишчи гуруҳ лойиҳаси ишлаб чиқилган. Видеороликнинг асосий ғояси ва мавзуси туристларни юртимиз ўтмишига бўлган эътибори, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга бўлган қизиқишларини янада орттиришга



хизмат қилади. Шунингдек, кўҳна Самарқандга ташриф буюрган тсайёҳларнинг вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, улар учун Ўзбекистоннинг узоқ асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган моддий-маънавий мероси ҳақидаги маълумотлар, маданий бойликлар хусусида сўз боради.

Жамоа раҳбари ва постановкachi режиссёр Иқбол Мелиқўзиев ҳамда постановкachi оператор, магистрант Отажон Достонов кадрларда Самарқанд биноларининг кўринишлари, моҳир ҳунармандлар фаолияти, бозор ва савдо расталари, кўчалару хиёбонлар тасвирларини муҳрлашди. Шунингдек, бутун дунёга машҳур бўлган Самарқанд нони, унинг тайёрланиш жараёни, нонвойлар фаолияти ҳамда миллий таомларимизнинг пишириш жараёнлари ёритилади. Бевосита сайёҳлар билан жонли интервьюлар ва қизиқарли репортажлар тайёрланиши ҳам кўзда тутилди.



“Welcome to Samarkand” номли қисқа метражли видеороликни суратга олиш жараёни.

“Welcome to Samarkand” видеоролигининг яратилишида ижодкорлар чет элдан ташриф буюрган сайёҳларни Самарқанд муҳитига олиб киришга, кўҳна ва қадимий обидаларимизнинг виқор билан бўй чўзиб туришини аслича тасвирлашга уринмоқда. Ўйлаймизки, мазкур ҳаракатлар давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохотлар учун муносиб ҳисса қўшади. Зеро, Самарқанддек кўҳна заминнинг доврўғи ҳали асрлар оша инсоният учун ҳайратлар бешиги бўлиб қолади. Улуғ мақсадли йўлларда фаол ижодкорларга туганмас шижоатлар тилаб қоламиз!

# БЕТАКРОР ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Жаҳон халқлари билан ўзаро ҳамкорлик, диний бағрикенглик, яқин қўшничилик алоқаларини яхшилаш каби эгзу фазилатлар йўғрилган ижтимоий-сиёсий алоқалар мамлакатимизда содир бўлаётган зарурий ислохотлар ривожига ҳисса қўшади. Куни кеча Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва пойтахтимизда фаолият юритаётган Гейдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази ўртасида ҳамкорлик юзасидан йирик меморандум имзоланди. Мазкур улкан ҳодиса маданий ҳаётимиздаги катта ўзгаришларга йўл очиши шубҳасиз.



Меморандум имзоланиш жараёни

Меморандум имзоланиши ўзига хос байрам сифатида нишонланди. Институтнинг Ўқув театрида “Озарбайжон – Кавказ дурдонаси” номи остида мусиқий-бадий кеча ташкил этилди.

Тадбирни институтнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Давлат Муллажонов очиб бериб, озарбайжон халқига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромини изҳор этди ҳамда даврага Озарбайжон Республикаси элчихонасининг маданият атташеси, Ўзбекистондаги Гейдар Алиев номидаги маданият маркази раҳбари Самир Аббасовни таклиф этди. Самир Аббасов ўз сўзида катта мақсадлар йўлида босилган қадамнинг шуқуҳи давомий бўлажagini, қардош халқлар билан кўп йиллик аъналар янада давом этажagini билдириб, бу воқеадан бағоят шодонлигини таъкидлади. Институт раҳбариятига миннатдорчилик тухфаси сифатида Озарбайжон гиламдўзлик санъати китобини тақдим этди.

Шундан сўнг тадбирнинг бадий-мусиқий қисми бошланди. Мониторда ўзбек ва озарбайжон халқларининг

дўстлик алоқалари мустаҳкамланган қўшиқлар композицияси акс этган “Озарбайжон учун куйла, Карабах” номли видео ёзуви қўйилди. Ёш ва маҳоратли Дилноза Акбарова, Юсуфхон Нурматов, Омадбек Аҳмаджонов, Машҳурбек Раимжонов, “Сурхон” гуруҳи ва шу каби қатор хонандалар биргаликдаги ижросида гўзал тарона янгради. Клипда Озарбайжон Республикасининг бетакрор табиати, сўлим гўшалари, боғ-роғлари, маданият ўчоқлари кўрсатилди.

Кечада меҳмонларнинг миллий қўшиқларидан, шўх ва сержило рақсларидан композициялар ижро этилди. “Озабайжон қизлари” ансамбли фаол иштирок этди. Тадбирда куйланган “Меҳрибан айля”, “Ойна ярим, ойна”, “Чал-чал” сингари бетакрор қўшиқлар ўзига хос ижросини топди. Томошабинлар давомий олқишлар билан тадбирга кўтаринки кайфият улашишди. Озарбайжон халқининг миллий либослари иштирокида аънавий либослар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг иқтидорли талабалари ижросида озарбайжон ёзувчиси Узеир Хожибековнинг дунёга машҳур “Аршин мол-олан” асаридан парча ижро этилди. Институт талабаси Маҳмудали Гусейнов ижросида “Менинг Озарбайжоним” таронаси шўх янгради.

Ўйлаймизки, ниҳоятда гўзал ва кўтаринки кайфиятда ўтган мазкур тадбир улкан мақсадлар йўлида имзоланган меморандумнинг амалий ифодаси бўлиб қолади. Тилагимиз Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва дўстлик муносабатлари бардавом бўлсин.



Бадий кечадан лавҳа



# МУНОСИБ ҲИССА

**Атрофни муҳитни муҳофаза қилиш, турли экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича юртимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Худди шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 2 февраль куни экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда кўплаб экологик масалалар билан бир қаторда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам атрофлича муҳофаза қилинди.**

институтнинг ва филиалларнинг хўжалик ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва бошқа кўнгилли талаба-ёшлар таркибидан ташкил этилган бўлиб, қувонарлиси уларнинг барчаси улкан ислохотлар ривожини учун муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган. Иқлим шароитига қараб март ойи бошидан ишлар қизгин суръатларда жадал ривожланиб кетиши кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикада фаолият юритаётган ҳар бир олий таълим муассасаси турли майдонларга 100 минг тупдан кўчат ўтқазса, бутун мамлакат миқёсида жами тахминан 100 млн.га яқин янги ниҳол экилиши мумкин. Агарда бу ниҳолларнинг қарийб 60-65%и сақланиб қолиб, келгусида яшаб кетса, у ҳолда мамлакатимизда катта дарахтзор, боғ-роғ ва ўрмонзорлар ҳосил бўлади. Натижада давлатимиз



*Фарғона вилояти филиали ҳамда Нукус шаҳар филиали билан биргаликда боғ яратиш ишлари олиб борилапти*

Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси ректор Иброҳим Йўлдошев бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг экологик муҳитини яхшилашга доир турли амалий ишларни йўлга қўймоқда. Ҳозирда институтнинг Фарғона вилояти филиали ҳамда Нукус шаҳар филиали билан биргаликда бутун жаҳонни ташвишга солаётган Орол бўйи ҳудудларида 100 минг туп ниҳол экиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Объектда Калифорния тераги, турли тол, турангил ва бошқа кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Айни кунларда Қўқон шаҳридан Нукусгача махсус транспорт ҳозирланиб, ишчиларни ташиш, экиш учун қаламчалар тайёрлаш, асбоб-ускуналарни олиб бориш вазифалари амалга оширилмоқда. Ишчилар гуруҳи

раҳбари экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган кенг ислохотлар бесамар кетмайди. Мазкур ишлар аҳоли саломатлиги, экологик тоза ҳаво нормасининг ошиши, турли касалликларни олдини олишга ҳам катта фойда беради. Экологик муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиб, келажак авлоднинг яхши об-ҳаво шароитларида яшаш учун имкониятлар туғилади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти республикамиз ҳудудида олиб борилаётган улкан ислохотлар йўлида барча билан қадамба-қадам бўлиб, беминнат хизмат кўрсатиш учун бел боғлаган. Насиб қилса, боболаримиз таъкидлаганидек, янги ниҳол ўтқазилган савобли ишларни амалга ошириш йўлидаги фидойи меҳнатлар зое кетмайди. Биз эса жамоага улкан омадлар тилаймиз!

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ХАБАРЛАРИ

*Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади*

## **Нашрга тайёрловчилар:**

Н. Раимқулова

Х. Файзуллаева

А. Кошелева

М. Содиқова

## **Саҳифаловчи-дизайнер:**

Д. Дўстбеков

